



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
Х. С. СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ
ҚҰЛЕЗМАЛАР ИНСТИТУТИ

ШАРҚ КЛАССИКЛАРИ МЕРОСИДАН

АБУ АЛИ ИБН СИНО

ШЕЪРЛАР

52504

ВА

ТИББИЙ ДОСТОН

Тузувчи Абдусодиқ Ирисов

Ўзбекистон КП Марказий комитетининг нашриети
Тошкент штамп орханда

Редколлегия: Жабборов Ж. Ж., Каюмов А. П., Пармузин Б. С., Расулов Х. Р., Рустамов А. Р., Шоғуломов И. Ш., Шомуҳамедов Ш. М., Муҳторова Ҳ., Абдураҳмонов Ф. А.

Кўлингиздаги ушбу китобчада Ўрта Сеънинг буюк алломаси, энциклопедист олими, файласуфи ва шоири Абу Али ибн Синонинг шеърлари ҳамда тиббиёт соҳасида битган шеърий достони берилган. Китобчада, асосан, алломанинг ранг-баранг руబий, ғазал ва қитъалари ҳамда унинг соғлиқни сақлаш масалаларига бағишиланган сатрлари келтирилган. Бунда одам ўз саломатлигини сақлаш учун кундалик ҳаётда нималарга эътибор бериши зарурлиги, даволаш тартиб-қоидалари, дори-дармонларни қўллаш, зарурий амалиётлар утказиш каби қатор масалалар бўйича аллома Ибн Сино назм билан битган маслаҳат ва насиҳатлари келтирилган. Унда Ибн Синонинг ўз тилидан ёзиг олинган нодир таржимиши ҳоли ҳамда унинг шогиғди ал-Жузжонийнинг устози ҳақида битган хотиралари ҳам берилган. Китобча классик мэроғсга қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган

Муҳаррир Ботирбек Ҳасанов

НАЗМЛАРДА ҮГИТЛАР

Ибн Сино ўзининг адабий ижоди бусагасида араб адабиётини яхши урганди, араб классик адабиёти намуналаридан ёд олди, ҳатто дастлаб майда лирик шеърлар битган бўлса, куп утмай табобатни яхши ургангач, бу йўлда достонлар яратишга киришди. Бу билан олим халқ уртасида табобатни кенгроқ тарғиб қилмоқчи бўлди. Чунки шеър халқ орасида маҳбуб, уни ҳамма ўқиди, ёд олади; шеър қўлдан-қўлга утади, юртма-юрт, улкама-улка кезади. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, қадимги ҳиндларда илмий асарларнинг деярлик барчаси фақат шеърий усулда бўлган, шундай ёзилган тақдирдагина бу асар китобхонларга мақбул бўлган, ўқилган, китоб билан бирга унда битилган илм ҳам боқий қолган, шеърий шаклда ёзилмаганини ўқишга ҳечким рағбат қилмаган. Чунки шеърий ёзилган китоб ёдлашга осон бўлга. Ундан бирор парча тушиб ҳам қолмаган. Бордию тушиб қолгудай бўлса, у дарҳол сезилган. Шарқда бундай ҳолларни куплаб учратамиз. Чунончи, араб тили грамматикасининг шеърий йўл билан ёзилганлари анчагина бўлган, улар қадимда мадрасаларда ўқитилган ҳам.

Бу борада Ибн Синонинг табобат мавзуига оид бир неча назмий асарлар ёзганини курамиз. У бундай асарларини арузнинг ражаз вазнида ёзганлиги жиҳатидан уларни уржузалар деб атаган. Шу тариқа Ибн Сино ижодида назм билан ёзилган бир неча уржузалар — достонлар юзага келган:

1. Соғлиқни сақлаш — гигиена ҳақида уржуза;
2. Иилнинг тўрт фасллари ҳақида уржуза;
3. Анатомия ҳақида уржуза;
4. Гиппократ васиятлари ҳақида уржуза;
5. Тажрибадан ўтган амалиётлар ҳақида уржуза;
6. Тиббий насиҳатлар ҳақида уржуза;
7. Алоқа ҳақида уржуза;
8. Табобат ҳақида уржуза.

Мана бу асарлар номларидан куринишича, Ибн Сино табобатга оид 8 та достон ёзган. Буларнинг кўп қисми қўлёзма ҳолида, дунёнинг Шарқ обидалари сақланадиган маданият марказларида мавжуд бўлиб, улардан биттасигина — «Тиббий достон» и Тошкентда, Узбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг китоб фондида мавжуд.

Бу асарларга кура мулоҳаза юритсак, шу нарса бизга аён буладики, аллома Ибн Сино тиббий билимлар тарқатувчи ажойиб маърифатчи булган. У халқ орасида табобатни илмий асарлар билангина эмас, балки уларни бадинйлаштириб, турли бадиий бўёклар воситаси билан ёймоқчи бўлган.

Ибн Сино мантиққа оид ўнлаб асарлар ёзиб, бу соҳада ҳам у ражаз вазнида уржуза битган. Бу достон 600 сатрга яқин шеърдан иборат. Аллома бу достонини ҳам, бошқа достонлари қатори йигитлик чоғида, шеъриятга қизиқиб кетган кезларида араб тилида ижод қилган. Бу билан унинг ёзган уржу-

заларининг сони 9 тага етган. Булардан ташқари, Ибн Синодан кўп адабий асарлар қолган. Лекин унинг ижодий маҳсулидан бир қисмигина, шеърий таълифларидан баъзи парчаларгина сақланиб қолган, холос. Аммо достонларининг баъзилари бизнинг давримизгача етиб келган. Ана шундай достонлардан бири «Тиббий достони»дир. Бу достон муаллифнинг бу хил ёзган уржузаларининг энг каттаси ва машҳуридир.

«Тиббий достон»нинг қўлёзмалари дунёниг кўп мамлакатларида мавжуд, унинг 1956 йилги Париж нашрида бу назмий асар қисқача насрой муқаддима билан бошланади. Қўлёзма назарий ва амалий қисмларга булинади, 170 та катта-кичик сарлавҳалардан иборат. Асар 1326 байтдан, Тошкент нусхаси эса 1322 байтдан иборат. Унда муаллиф табобатнинг барча масалаларини қамраб олишга ҳаракат қилган.

Ибн Сино айниқса соғлиқни сақлаш тұгрисида, об-ҳаво, шароит ва мижозга қараб овқат тановул қилиш борасида анчагина фикрларни баён қилган. Ҳозирги кунда ҳам аҳамиятга молик бўлган бадантарбия — риёзат ҳақида Ибн Сино бундай деб ёзади:

Билсанг риёзат турлари неча-неча,
Шарофатли бўлур агар у ўртacha.
Ҳозир этур жисмингни у гизо учун,
Гўдакларни йўллар нашъу намо учун.
Ошса риёзат ҳаддидан хориш бўлур,
Руҳинг тушиб, тинканг қуриб, ҳар иш бўлур.
Риёзатсиз ётишдан кўп топма роҳат,
Бу роҳатдан тополмассан ҳеч манфаат.

Ибн Синонинг бу сатрларини шарҳлаб утиришга ҳеч зарурат ҳам йўқ, бу байтларда муаллифнинг нима демоқчи булгани ўз-ўзидан аёндир. Ёки

бұлмаса асардаги бошқа бир үгитни олиб күрайлик. Ибн Сино бу асарида ҳам, кейинчалик «Тиб қонунлари»да ҳам соғлиқни сақлаш қоидаларига катта әътибор беради. Масалан, овқат, одатда, күп чайнаш билан ҳазм қилишга тайёрланади. Бордию ошалған таом, чунончи эт күп чайналсаю, лекин уни тишиңгиз керагича майдалай олмаса, тұғрироғи майдалашга унинг қурби етмаса, Ибн Сино ундай этни ташлаш керак, ютиш керак әмас, демоқчи бұлади.

Модомики, овқатни майдалашга тишлиар ожизлик қылдими ундай таом ошқозонға ҳам оғирлік қилиб, бора-бора уни бузади, демоқчи бұлади. Шу фикрларни у мана бу байтларда баён этади:

Ҳазм истасанғ, шошмай егил, ё майдалаб.
Муддатни чуз, чайнаб егил күп марталаб.
Оғир ўлса чайнамоқлик гар тиши била,
Андин оғир ҳазми аниңг ютиш била.

Ибн Сино бу фикрни бошқа бир шеърида ҳам тақрорлайди. У ўша байтларидан шундай насиҳат қиласы:

Еган бұлсанғ таоминг, ҳазм бұлмасдан олдин,
Яна устига устак емоққа йүқ зарурат.
Чайнашда тишлиар ожиз бұлған таомни ютма,
Таомнинг әнг ёмона бу, қоринга бұлгай офат.

Ёки, масалан, унинг ичкилиқни күп истеъмол қылғанларга қарата айтған мана бу сатрларини олайлик:

Дастурхонда түкін бұлса ҳам қанчалик,
Ичаверма, ҳирс қўйиб то бункунчалик.

Ёки мана бу сатрларни олайлик:

Одат қилиб ҳар кун ичиш — бир бедаво,
Гар оч қорин әса ичмак бұлмас раво.
Еган бұлсанғ енгил, латиф, хуш бир таом,

Ёки аччиқ, ўткир бўлса ичма, тамом,
Доим ичиб, маст бўлишдан бўлгин йироқ,
Ичмакка кўп қасд айласанг, ойда бир боқ.

Ибн Сино бу асарида ёзда ёки қишида сафарда
бўлувчилар тадбири, болалар ва қари қишилар
тарбияси ҳақида ҳам қимматли фикрларни ўртага
ташлайди. У бола ҳақида шуларни баён этади:

Болага ~~дъик~~ қилма, ёмон бўлма, қўпол,
Уйқу қочар, қўрқар, ахир бўлар баттол.

Қариларга эътибор бериш, улар парвариши ҳа-
қида қўйидаги мисраларни мисол келтиришимиз
мумкин:

Қари бели кучи нурар, нимжон булур,
Аҳволида ҳар кун бирор нуқсон бўлур.
Кучли емиш бергил, бироқ кам-кам қилиб,
Ҳазми оғирликдан хотирни жам қилиб.

Ибн Сино ўз достонида турли касалликларни ту-
затишдан кўра, унинг олдини олиш масаласини ил-
гари суради, бу эса унинг назарида ҳам, ҳозир
ҳам муҳим. Шу сабабдан бу асарни соғлиқни сақ-
лаш гимни десак ҳам бўлади, чунки муаллиф ун-
да инсонларда юз бериши мумкин бўлган иллат-
ларни йўқ қилиш, соғ-саломат, бардам бўлиш кай-
фиятларини куйлади. Шу жиҳатдан ҳам биз амин-
мизки, буюк донишманд, олим Абу Али ибн Сино-
нинг бу тиббий ўгитлари инсоният тарихи олдида
ўзининг олийжаноб бурчими бажариб келди ва ке-
лажанда ҳам бажаради.

Ҳурматли ўқувчилар диққатига ҳавола қилинган
ушбу китоб аллома Абу Али ибн Синонинг шеъ-
рий меросига бағишлилангаи. Бунда то шу маҳалга-

ча қайта-қайта чоп этилиб, унинг муҳлислари қўлидан тушмай келган лирикасидан намуналар берилди. Буюк даҳо эгаси бўлган Ибн Сино рубоийлари, ғазал ва байтлари ҳали ҳам севимли, жозибали, одамларга завқ-шавқ бағишлайди, нафосат, тўғриликка йўллайди, эзгу ният, олижаноб орзуларга чорлайди. Ибн Сино ҳаётига келгандада бу ҳақда ҳурматли китобхонларда тасаввур ҳосил қилиш мақсадида бу ерда аллома тилидан ёзиб олинган таржимаи ҳолни келтирдик. Бу таржимаи ҳолни унинг садоқатли шогирди ва дусти Абу Убайд Абдулвоҳид ал-Жузжоний ёзиб олган әди. Абу Убайд ал-Жузжоний қарийб йигирма беш йил давомида Абу Али иби Сино хизматида бўлган әди. Ибн Сино ўлкама-ўлка кезганларида, унинг сафарларида ҳам бирга бўлган, ҳатто унинг вафоти чоғида ҳам устоди ёнида бўлган әди. Ана шу боисдан ҳам ал-Жузжонийнинг Ибн Сино ҳақида ёзган әсдаликлари бу борада жуда ҳам қимматлидир. Чунки Ибн Синодан кейин бу ҳақда қалам тебратганлар шу манбаларга суюниб иш кўрганлар. Бу ерда келтирилган тиббий достон эса бирмунча қисқартирилиб берилди, ҳажми жиҳатдан у достоннинг тўртдан уч қисмини ташкил әтади. Унинг доривор ўсимликлар, баъзи мулоҳаза талаб байт ва сатрлари, айрим боблар изоҳга серэҳтиёж үринлари қисқартирилиб қолдирилди. Байтларда учраган тушунилмаган сўзлар ёки баъзи қийин иборалар алифбо тартибида лугатларда изоҳланди, ўзига қийин туюлган сўз ва иборалар, изоҳларни китобхон ўз қисмидан ахтариб топиб олиши мумкин.

Абдусодиқ ИРИСОВ.

Ибн Сино
таржимаи ҳоли

ИБН СИНО
ЎЗИ ҲАҚИДА

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ЎЗ ТИЛИДАН ЕЗИБ ОЛИНГАН ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

«Отам асли балхлик¹ эди. Нуҳ Ибн Мансур² замонида у ердан Бухорога кўчиб келади ва у даврда Бухоро атрофидаги Хурмайсан³ деган қишлоқда маъмурӣ ишларга бошлилик қилган. [Хурмайсан] Бухоронинг энг йирик қишлоқларидан саналар эди. Унинг яқинида Афшана деган бир қишлоқ ҳам бор. Отам ўша қишлоқдан онамга уйланиб, шу ерда туриб қолади. Мен шу ерда туғилганман, кейин укам⁴ туғилди.

Сунгра биз Бухорога кўчиб келдик. Мени қуръон ва адаб [илмларини]⁵ ўқитадиган муаллимларга топширдилар. Ёшим ўнга тулганда мен қуръонни ва адаб [илмларидан] кўпини ўзлаштириб олган эдим, ҳатто одамлар менга ажабланадиган ҳам бўлди. Отам мисрликлар даъватини қабул қилганлар

¹ Балх — ҳозирги Афғонистоннинг шимолидаги шаҳар. Термиз шаҳаридан 70—80 км нарида.

² Нуҳ ибн Мансур (976—997) — сомонийлар амири. Ибн Сино *Мабоҳис нафсония* («Нафсоний баҳслар») деган илк фалсафий асарини шу амирга багишлаган. Бу асар *Ҳадият ар-раис.* («ар-Раис совгаси») деган ном билан ҳам машҳур бўлган. Амир вафот этган йилга эътибор берилса Ибн Сино бу асарини ёзганида ҳали 17 га тўлмаган бўлиб чиқади.

³ Ҳозирги Ромитон.

⁴ Укасининг оти Маҳмуд бўлган.

⁵ Адаб илмлари деганда тил қоидалари, баён, маониз, аруз ва қоғия тушунилади — ред.

дан булиб, исмоилийлардан ҳисобланарди ва уларнинг нафс [жон] ва ақл ҳақидаги гапларини ва тушунчаларини эшишиб юардим, укам ҳам шундай қиласади. Кўпинча улар бу хусусда ўзаро суҳбатлашиб ўтиришганда мен уларнинг гапларини эшишиб, нима ҳақда гапираётганларини тушуниб юар әдим, лекин кўнглим буни қабул этмас әди. Улар мени ҳам [уз таълимотларига] даъват қила бошладилар. Улар фалсафа, ҳандаса (геометрия) ва ҳинд ҳисоби ҳақида кўп гаплашар әдилар.

[Отам] мени ҳинд ҳисобини биладиган бир резаворфурушга юбора бошлади, мен ундан [ҳинд ҳисобини] ўргандим. Кейин Бухорога Абу Абдуллоҳ Нотилий келиб қолди, у кишининг файласуфлик даъвоси бор әди. Менга таълим беради, деган умидда отам у кишини уйимизга кўчириб келди. Унинг келишидан олдин ҳам мен фиқҳ¹ билан шуғулланниб, бу хусусда Исмоил Зоҳид деган кишининг ҳузурига қатнаб юар әдим.

Шу билан мен талаб қилиш йўлларини ва жавоб берувчига эътиroz билдириш усулларини, уларда жорий бўлган йўсинда билиб олиб, бу соҳани энг яхши биладиганлардан булиб қолган әдим.

Кейин Нотилийдан «Исогужи»² китобини ўргана бошладим. У менга, жинснинг таърифи ҳақида гапириб, «Жинс нима?» деб сўралганда, «турли навлардан иборат кўп нарсаларга жинс деб айтилади», деб жавоб берилади деганида, мен унга шундай таъриф бердимки, ундей гапларни [Нотилий] ҳали эшифтмаган экан. У мендан жуда ҳайратга

1 Фиқҳ — ислом ҳуқуқшунослиги.

2 Исогужи — Исагоги — мантиқ фанига кириш; бу ерда Парфирийнинг шу номли асари назарда тутилади.

тушди, отамга мени илмдан бошқа нарса билан шүгүллантирасликни уқтириди.

У менга қайси масала ҳақида гапирмасин, мен бу масалани ундан күра дурустроқ тасаввур қилардим. Ниҳоят мен мантиқнинг оддий масалаларини у кишида үқидим, лекин мантиқнинг нозик томонларидан у бехабар экан.

Шундай қилиб [мантиққа оид] китобларни үзимча үқишига киришдим, уларга битилган шарҳларни мутолаа қила бошладим ва ниҳоят, мантиқ илмини пухта билиб олдим.

Үқлидус¹ китоби ҳам шундай бўлди; унинг бошқисмидан беш ё олтига теоремаларини унинг олдида үқидим. Ундан кейин китобнинг қолган қисмидаги [масалаларни] үзимча ечишига киришдим. Сўнгра «ал-Мажистий»²га ўтдим. Унинг муқаддимасини үқиб бўлиб, ҳандасий шаклларига етганимда Нотилий менга шундай деди:

«Энди уни сен үзинг үқиб, үзингча ечишига ҳаракат қилавер, кейин менга айтиб берасан, мен сенга тўғри ё нотўғрилигини кўрсатаман».

У киши бу китобдан дурустроқ хабардор әмас экан. Мен бу китобни үзимча үзлаштиришга киришдим. У кишига қанчадан-қанча шаклларни тушунтириб берардим, шунга қадар у буларни билмас экан.

Кейин Нотилий мени қолдириб, Гурганч томонга жўнаб кетди. Мен эса «Фусус»³ китобини, та-

¹ Уқлидус — Эвклид — эрамизгача 355—315 йилларда яшаган қадимги юонон математиги.

² Ал-Мажистий — қадимги юонон астрономи Птолемейнинг (II аср) «Алмагест» асари.

³ ал-Фусус — бу ерда файласуф Форобийнинг «Фусус ал-ҳакам» («Фалсафанинг қимматбаҳо тошлари») номли асари ҳақида гап борялти.

бинёт ва илоҳиётга оид шарҳларни ўрганиш билан шуғулландим.

Мен учун илм эшиклари очила бошлади. Кейин тиб илми билан шуғулланишга майл этдим ва унга оид китобларни ўқишга тушдим. Тиб илми қийин илмлардан әмас, шу сабабли қисқа муддат ичида бу [фанда жуда] илғорлаб кетдим, энди ҳатто билимдон табиблар ҳам келиб, ҳузуримда тиб илмидан дарс оладиган бўлдилар. Беморларни ҳам кўриб турардим ва [шу йўсинда] ортирган тажрибаларим натижасида муолажа эшиклари менга шу қадар [кенг] очилиб кетдик, уни таърифлаб бериш қийин.

Шу билан бирга/ батъзан фиқҳни ўрганишда ҳам давом этар әдим ва шу хусусдаги мунозараларда иштирок этиб турардим. Бу вақтда мен ўн олти ёшда әдим, Кейин яна бир ярим йил илм ва мутолаага берилдим, мантиқ ва фалсафанинг ҳамма қисмларини қайтадан ўқиб чиқдим. Ўша кезларда мен бирор кечанинг ҳам охиригача ухламас, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас әдим. [Мантиққа оид] равshan ва аниқ бир қанча [қоидаларни] жамладим. Ҳар бир ҳужжатни текшираётганимда бир қанча қиёсий муқаддималарни исбот қилиб, уларни шу равshan [қоидалар] нуқтаи назаридан тартибга солардим. Кейин у муқаддималарнинг шартларини назарга олиб, улардан чиқадиган хулосага қарапардим. Ниҳоят, бу масалада ҳамма нарсанинг асл-моҳияти менга аён бўлиб қоларди.

Агар бирон масаладан бошим қотиб, қиёсда ўртacha таърифни топа олмасам, жоме масжидга борардим ва намоз ўқиб, яратувчига ёлборардим, натижада қоронғу нарсалар менга ойдинлашар, мушкуллар осон бўлар эди.

Кечалари эса ўйимга қайтиб келардим-да, ол-

димга чироқни қўйинб олиб, фақат ўқиш ва ёзиш билан банд бўлардим. Мабодо уйқу босса ёки ўзими ни ҳорғин сезсам, қувватни қайтариш учун бир қадаҳ шароб ичиб, кейин яна ўқишига тушардим. Агар бироз уйқуга кетсам, тушимда ўша ўнгимдаги масалаларни кўрадим ва кўп масалалар тушимда аён бўларди. Ана шу зайлда ҳамма илмларни мустаҳкам эгаллаб олдим ва улардан инсон имконияти даражасида хабардор бўлдим. Ўша вақтларда билганларим, ҳозир билганларимчалик эди; бугунги кунгача [билимимга] бирон нарса қўшилмади.

Шу йусинда мантиқ, табииёт ва риёзий илмларни пухта урганиб олдим, кейин илоҳиётга утиб «Мо баяда ат-табиа»¹ни ўқишига киришдим. Лекин унда нималар дейилганини тушунолмасдим ва китоб ёзган кишининг мақсади мен учун қоронғу эди. Ҳатто уни қирқ бор қайта ўқидим ва у менга ёд бўлиб кетди, лекин шунда ҳам мен [китобни] ва унинг мақсадларини тушуна олмасдим. Ниҳоят, умидимни узиб, бу тушуниб бўлмайдиган китоб, дедим.

Аммо кунлардан бир кун аср вақтида китобфурушларнинг олдига бориб қолдим. Унда бир даллол муқоваланган китобни қўлида тутганича уни мақтарди. Уни менга ҳам курсатди. Мен бу илмдан фойда йўқ, деган хаёлда унга қиё боққим ҳам келмай, рад қилдим. Даллол менга: «Бу китобни сотиб ол, нархи арzon — уч дирҳамга бераман, эгаси пулга муҳтоҷ», деди. Мен китобни сотиб олдим. Қарасам, бу Абу Наср Форобийнинг ўша «Мо баяда ат-табиа» китоби мақсадлари ҳақида ёзган асари экан. Уйга қайтиб, тезда уни ўқишига киришдим. Китоб дилимда ёд бўлиб қолгани сабабли унинг

¹ Бу ерда Аристотелнинг «Метафизика» китоби назарда тутиляпти.

мақсадлари менга дарҳол аён бўлди. Бундан жуда хурсанд бўлиб кетдим ва тангри таолога шукр айтиб, ўша куннинг эртасига ёқ камбағалларга анча нарса садақа қилдим.

Бу вақтда Бухоронинг подшоҳи Нуҳ ибн Мансур эди. Иттифоқо у бир касалликка дучор бўлиб, табиблар у ҳақда бир фикрга келиша олмабдилар. Кўп ўқийдиганлигим туфайли, номим улар ўртасида машҳур бўлиб қолган эди. Подшоҳ ҳузурида менинг ҳақимда гапириб, ундан мени чақиришини сўрашибди. Мен бориб [табиблар билан] биргаликда [шоҳни] даволашда иштирок этдим ва шу орқали унга танилдим.

Бир куни шоҳдан кутубхонасига киришга ва у ердаги тибга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрадим. Шоҳ менга рухсат берди. Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари тураг, китоблар эса устма-уст тахлаб қўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фақҳга оид [асарлар] турагди. Шу тартибда ҳар бир хонада маълум бир фанга оид китоблар [тўпланган эди]. Кейин биздан олдин ўтган олимлар китоблари рўйхатини ўқиб чиқдим ва ундан керакларини талаб қилдим. У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик ҳатто уларнинг номларини ҳам эшитмаган бўлса керак. Ўзим ҳам уларни бундан аввал кўрмаган эдим, бундан кейин ҳам учратмадим. Ўша китобларни ўқиб, улардан баҳраманд бўлдим. Шу билан ҳар бир муаллифнинг илмдаги даражасини билib олдим.

Ёшим ўн сакизга борганда бу илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим. Ўша кезларда илмни кўпроқ ёдда сақлаб қолар эдим, ҳозир эса илмим

күпроқ етилган, аммо билим — битта ва үшандан бери менда янги бир нарса құшилгани йүқ.

Абулҳасан ал-Арузий деган бир құшним бор эди. У мендан бу илмларнинг ҳаммасини үз ичига оладиган бир китоб ёзиб беришимни сұраган эди. Мен унга «ал-Мажмуъ» (Тұплам)ни тузиб бердим, китобнинг отини ҳам шундай, «Тұплам» деб қўйдим. Унга риёзиётдан бошқа барча илмларни кириздим. Үшанда йигирма бир ёшда әдим.

Яна бир Хоразмда туғилған Абу Бакр ал-Барәқий деган құшним ҳам бор эди, у киши табиатан фақиҳ булиб, фиқиҳ, тафсир ва зоҳидликда ягона ва шу илмларга мойиллиги бор эди. Шу киши мендан китобларга шарҳ ёзиб беришимни суради. Мен унга йигирма жилдча келадиган «ал-Ҳосил ва ал-маҳсул» деган китоб ёзиб бердим. Бундан ташқари, унга ахлоққа оид яна бир китоб ёзиб бердим, номини «Китоб ул-бирр ва-л-исм» («Саховат ва жиноят ҳақида китоб») деб қўйдим. Бу икки китоб ундаи бопшқа ҳеч кимда йүқ, чунки у киши улардан нұсха күчириб олиш учун ҳеч кимга бермаган.

Бу орада отам вафот этиб¹, ақволимда үзгариш юз берди; султон ҳузуридаги вазифалардан бірінің үз зинмамга олдим. Кейин зарурат юзасидан² жони тарк қилишга, Гурганж² томонга күчишими га тұғри келди. У ерда илмларни севувчи Абу-Ҳусайн ас-Саҳлий вазир әди. У ернинг амири құзурига бордим, амир Али иби Маъмун³ әди.

¹ Ибн Сино отаси 1002 йили вафот этади, бу вақтда Абу Али 22 ёшда әди.

² Гурганж — Хоразм үлкасининг қадимги постахти, ҳозирги Кўҳна Урганичдан жануброқда жойлаштан әдипед.

³ Али иби Маъмун — 997—1009 йилдарда ҳукмронлық қылған Хоразм шохи.

пайтда әгнимга тайласон¹ ва тахтаулханакли² фажиқлар кийимини кийиб олган эдим. Мен учун менга ўхшаганларга етадиган миқдорда ойлик тайин қилишди. Ундан кейин зарурат Нисога³ күчишимга мажбур қилди. Сұнг ундан Абивардға⁴, ундан Тусга, ундан Шиққонга, ундан Саманқонга, ундан Хуросон чегарасидаги Жожурмға⁵, ундан Журжонга [күчдім]; мақсадим Амир Қобуснинг⁶ ҳузурига бориш эди. Шу пайтда Қобусни тутиб, қалъалардан бирига қамаб қўйишиди ва у ўша ерда ўлди. Сұнгра Деҳистонга кетдим, у ерда қаттиқ касал бўлиб қолдим. Яна Журжонга қайтиб келдим ва у ерда менга Абу Убайд ал-Жузжоний келиб қўшилди. Шу кезларда ўз ҳолимни ифодалайдиган бир қасида ёздим, унда мана шу байт ҳам бор эди:

Мен улуг бўлганимда кенг шаҳар ҳам сиғдиролмай қолди, Қимматим ошганида харидорсиз қолдим».

¹ Тайласон — бир учи кифтга, бошқа учи кўкракни ташланиб юриладиган урама — ридо, кенг шарф.

² Тахтаулханак (сўзма-сўз — энгак ости) — салланинг бир учини энгак-томоқдан ўтказиб ўраш усули.

³ Ҳозирги Туркманистондаги қадимий шаҳар номи.

⁴ Абивард — баъзан Вивард деб ҳам учрайди, Жанубий Туркманистонда жойлашган шаҳар.

⁵ Тус, Шиққон, Саманқон, Жожурм — Хуросондаги шаҳарлар номлари.

⁶ Шамсулмаолий Қобус иби Вушмагир (баъзи манбаларда Вашимгир) Журжон амири (976—1012).

АЛ-ЖУЗЖОНИЙ
ИБН СИНО ҲАҚИДА

ШАИХ АР-РАЙСНИНГ ҲАМРОҲИ АБУ УБАИД АЛ-ЖУЗЖОНИЙ АЙТАДИ:

Шайхнинг ўз тили билан менга айтганлари ма-на шулардан иборат. Бундан буёғига унинг аҳволи ҳақида ўз кўзим билан кўрганларимни [келтира-ман].

Жўржонда Абу Муҳаммад аш-Шерозий деган бир киши бор эди. Шу киши ўша илмларни яхши кўрар эди. Шайх учун ёнидан бир уй сотиб олиб, уни ўша ерга жойлаштириди. Мен ҳар куни [устоз-нинг] олдига бориб туардим ва «ал-Мажистий» ки-тобини¹ ўқирдим. Шунда мен у кишидан мантиқни айтиб турсангиз, деган әдим, у киши менга «ал-Муҳтасар ал-авсат фи-л-мантиқ» «(«Ўртача қисқа мантиқ»)²ни айтиб турди, мен ёзиб олдим. Абу Му-ҳаммад аш-Шерозийга бўлса «Китоб ал-мабда ва ал-маод» («Нарсаларнинг бошланғичи ва аслига қайтиш китоби») ва «Кигоб ал-арсад ал-куллия» («Умумий кузатиш китоби»)ни ёзиб берди. Шайх у ерда жуда кўп китоб тасниф этди, «ал-Қонун»-нинг биринчи [kitobi], «ал-Мажистийнинг қисқарт-маси» ва кўп рисолалар шулар жумласидан. Ундан кейин ал-Жабал элида³ бошиқа китобларини ёзди.

¹ Юқорида, 13 бетдаги 2-изоҳга қаранг.

² Бу ерда Ал-Жузжоний айтаётган китоб Аристотель мантигининг қисқача хulosаси бўлса керак.

³ Жабал — ҳозирги Эроннинг ғарб қисмига жойлашган Ироқ-и Ажам (ёки форс Ироқи) — реð.

Мана бу унинг китоблари рўйхати:

1. Китоб ал-мажмуъ — бир жилд.
 2. Ал-Ҳосил ва ал-маҳсул — йигирма жилд.
 3. Ал-Ансоф — йигирма жилд.
 4. Ал-Бирр ва ал-исм — икки жилд.
 5. Аш-Шифо — ўн саккиз жилд.
 6. Ал-Қонун — ўн тўрт жилд.
 7. Ал-Арсад ал-қуллия — бир жилд.
 8. Китоб ан-Нажот — уч жилд.
 9. Ал-Ҳидоя — бир жилд.
 10. Ал-Ишорот — бир жилд¹.
 11. Китоб ал-мухтасар ал-авсат — бир жилд².
 12. Ал-Алоий — бир жилд³.
 13. Ал-Қуланж — бир жилд.
 14. Лисон ал-араб — ўн жилд.
 15. Ал-Адвият ал-қалбия — бир жилд.
 16. ал-Муъжаз — бир жилд.
 17. Баъз ал-ҳикмат ал-машриқия — бир жилд.
 18. Баён завот аж-жиҳа — бир жилд.
 19. Китоб ал-маод — бир жилд.
 20. Китоб ал-мабда ва ал-маод — бир жилд.
 21. Китоб ал-мубоҳасот — бир жилд.
- Мана булар Шайхнинг рисолаларидан⁴.
22. Ал-Қазо ва ал-қадар.
 23. Ал-Олат ар-расадия.
 24. Гараз қотиғурниёс.

¹ Бу шайхнинг ҳозир ҳам мавжуд бўлган «ал-Ишорот ва ат-танбиҳот» деган асарининг ҳикмат қисми бўлса керак, чунки «ал-Ишорот»нинг мантиқ қисми қўйида алоҳида келган.

² Бу мантиқга оид бўлган «Ўртача қисқа мантиқ» асари бўлиши керак.

³ Бу Ибн Синонинг ҳозир «Донишнома» номи билан машҳур бўлган ва нашр этилган асариdir.

⁴ Рисолада одатда кичик бўлганлиги учун ҳажми кўрсатилимаган.

25. Ал-Мантиқ би аш-шеър.
26. Ал-Қасоид фи-л-узмат ва-л-ҳикмат.
27. Фи-ал-ҳуруф.
28. Тааққуб ал-маводиъ ал-жадалия.
29. Мухтасар Үқлидус.
30. Мухтасар фи набз би-л-ажамия.
31. Худуд.
32. Ал-Ажром ас-самовия.
33. Ал-Ишорот ила илм ал-мантиқ.
34. Ақсом ал-ҳикма.
35. Фи ан-ниҳоят ва-л-ло ниҳоят.
36. Ал-Аҳд («Бурч»— буни Шайх үзи учун ёзган).
37. Ҳайй ибн Яқзон.
38. Фи ан абъод ал-жисм ғайр зотия лаҳу.
39. Хутаб.
40. Ал-Калом фи-л-ҳиндибо.
41. Фи аннаҳу ло яжузу ан якуна шайъ воҳид жавҳариян ва арадиян.
42. Фи анна илм Зайд ғайр илм Амр.
43. Расоил лаҳу ихвония ва султония (Ибн Синонинг ёр-биродарларга ва султонларга оид бўлган рисолалари).
44. Масоил жарат байнаҳу ва байна баъда ал-фузало («Ибн Сино билан бошқа фозил кишилар ўртасида ўтган масалалар»).
45. Китоб ал-ҳавоши ала ал-қонун.
46. Китоб уюн ал-ҳикма.
47. Китоб аш-шабака ва ат-тайр.

Сўнгра [Шайх] Райга кўчди ва Саййида ва унинг ўғли Маждуд-давла хизматига кирди. Улар Шайхнинг кимлигини унинг билан бирга етиб келган китоблардан билишди, негаки бу [китоблар] унинг қадр-қимматини курсатиб турар эдилар. Бу пайтларда Маждуд-давлани савдои касали енгиб

қўйган эди, Шайх уни даволаш билан машғул бўлди. Ўша ерда у «Ікитоб ал-маод»ни ёзди. Шайх у ерда то Шомсаддавланинг ҳузурига боришга отлангунича қолди, бу эса Ҳилол ибн Бадр ибн Ҳасанвайҳ үлдирилиб, Бағдод аскарлари чекинган вақт эди. Кейин юз берган баъзи бир сабаблар уни Қазвин томонга, у ердан эса Ҳамадон тарафга жўнашга ва Кадбонувайҳ ҳизматига киришга мажбур этди. Шунда иттифоқо Шайх аҳволидан хабар топган Шамсаддавла уни ўз ҳузурига чақиртириди, чунки бу пайтда у қуланж¹ касаллигига гирифтор бўлган эди. Шайх уни тангри таоло шифо бергунга қадар даволади, бунинг эвазига ундан кўпгина яхши совғалар олди ва қирқ кечаю қирқ кундуз унинг ҳузурида бўлиб, уйига қайтди. Шу тариқа Шайх амирнинг яқин кишиларидан бирни бўлиб қолди. Сунгра амир билан Аназ ўртасида уруш бошланиб, амир Қармисинга юриш бошлаганида Шайх уни кузатиб юрди. Амир эса енгилиб, Ҳамадон томон қайтди. Бу орада [Ибн Синодан] вазирликни қабул этишни илтимос қилдилар, у қабул қилди. Кейин унга қарши аскарлар исёни юз берди. Чунки улар [Шайхдан] ҳайиқар эдилар. Улар Шайхнинг уйига бостириб кириб, уни қўлга оладилар, мол-мулкини талаб, бор нарсаларини талон-торож қиласидилар ва амидан уни үлдиришни талаб қиласидилар. Лекин [амир үлдиришга] кўнмай, уни давлат ишларидан четлатишга қарор қиласиди, шу билан ҳарбийларнинг талабини қондирмоқчи бўлади².

¹ Қуланж — йўғон ичакда бўладиган касаллик, колит — ред.

² Манбаларга қараганда, аскарларга маош тўлаш нечинтирилган. Бунга Ибн Сино айбдор деб ўйлашган, аскар бошлиқлари унга қарши исён кўтаришган. Якубовский, А. Ю., Ибн Сина, «Материалы научной сессии», Ташкент, 1953, с. 6.

Шу тариқа Шайх қирқ кун Абу Саъд ибн Даҳдуқнинг уйида яшириниб ётди. Бу орада амир Шамсуддавланинг қуланж касали яна тутиб, у Шайхни топиб келишни суради. Шайх амир ҳузурига келгач, амир ундан кўп узр суради. Шундан сўнг у амирни даволашга кириши ва унинг қошида иззат ва ҳурматда яшай бошлади, сўнг вазирлик лавозими унга иккинчи бор қайтиб келди.

Кейин мен Шайхдан Аристотель китобларига шарҳ ёзиб беришни илтимос қилдим. Шунда у: «Бу ишга ҳозирча қўлим тегмайди, вақтим йўқ. Лекин, агар сен рози бўлсанг, шундай қиласман: мен у китобга бу илмлардан нимани тўғри деб ҳисобласам, ӯшалардан киритаманда, мухолифлар билан мунозара қилмайман ва уларнинг фикрларини рад ҳам қилиб ўлтирумайман».

Мен бунга рози бўлдим, Шайх «аш-Шифо» деб атаган китобнинг табииёт қисмини ёзишга киришиди. Бу пайтда у «ал-Қонун»нинг биринчи китобини ёзиб тугатган эди.

Ҳар куни кечаси унинг уйида толиби илмлар йигилар эдилар. Мен «аш-Шифо»дан ўқир эдим. Мендан бошқаси¹ навбати билан «ал-Қонун»ни ўқир эди. Булардан бушаганимиздан кейин ҳар хил ашулачи ва созандалар келар ва шароб мажлиси керакли жиҳозлари билан муҳайё қилиниб, биз шулар билан машғул бўлардик. Шайх кундузлари амир хизмати билан банд бўлгани сабабли, дарсни кечалари берарди. Шу тариқа бир қанча вақтни ўтказдик.

¹ Захируддин ал-Байҳақийда, бу ўринда, ал-Маъсумий бўлса навбати билан «Қонун»ни ўқир эди, Ибн Зайла бўлса навбати билан «ал-Ишорот»ни, Баҳманёр бўлса «ал-Ҳосил ва ал-маҳсул»ни ўқирди (62-бет), деяйилган.

Кейин Шамсуддавла Торим томонга юриш бошлиб, уларнинг амири билан урушмоқчи бўлди. Лекин у ерга яқин қолганда амирнинг қулланжи яна тутиб қолди, бу гал унинг дарди жуда оғирлашган, касалига бошқа дардлар ҳам қўшилган эди. Чунки амир тартибсиз турмуш кечиравар, Шайхнинг айтгандарига қулоқ солмас эди. Амирнинг вафотидан қўрқдан ҳарбийлар, уни тахтиравонга солиб, Ҳамадон томон қайтиб кетдилар, лекин амир йўлда, тахтиравонда вафот этди¹.

Кейин Шамсуддавланинг ўғлига қасамёд этиш маросими бўлди² ва ундан Шайхни вазир қилиб тайинлашни сўрадилар. Лекин [Шайх] бундан бош тортди ва Алоуддавлага яширинча хат ёзиб, унга хизмат қилиш истаги борлигини ва уни ўз яқинларига қўшишни илтимос қилди. Ӯшанда Шайх Абу Голиб ал-Аттор деган кишининг уйида яшириниб ётар эди. Мен ундан «аш-Шифо» китобини тугатиб беришни сўрадим. [Шайх] Абу Голибни чақириб ундан қоғоз ва сиёҳ келтиришни илтимос қилди. У киши сўраганларини келтириб бергач, Шайх саккиздан бир табақ [ўлчовли] қоғознинг қарийб йигирма жузвига ўз қўли билан масалаларнинг сарлавҳасини ёзиб чиқди. Мана шу ерда у барча масалаларнинг сарлавҳасини қоғозга тушириш билан икки кунни ўтказди, шунда у бирорта китобга ҳам қарамади, бирорта асл манбага ҳам мурожаат этмади, балки барчасини ёддан, ўз кунглидан чиқариб ёзарди. Кейин Шайх шу [қоғоз] жузвларини олдига қўйганча [сарлавҳалари] ёзиб қўйилган ҳар бир масалага назар ташларди-да, уларга шарҳ ёзишга киришар эди. У ҳар куни эллик варақ ёзар, шу тарини

¹ Шамсуддавла 319/1021 да вафот этган.

² Унинг ўғли Самоуддавла 1021—1028 йиллар орасида ҳукм сурган.

қа «аш-Шифо» китобининг табииёт ва илоҳиёт ҳақидаги қисмларини батамом ёзиб тугатди, фақат «ал-Ҳайвон» ва «ан-Набот» қисмларигина қолган эди. Яна [«аш-Шифо»нинг] мантиқ қисмини ҳам ёза бошлаган ва унинг бир бўлимини тугатган ҳам эди.

Шундан сўнг Тожулмулк¹ Шайхни Алоуддавла билан ёзишмада уни ёмонлай бошлади, ҳатто уни қидиришга тушди. [Шайхнинг] душманларидан бири [беркиниб турган жойини] кўрсатиб берди ва уни тутиб олиб, Фараджон деган қалъага қамадилар. Шу ерда у бир қасида ёзган эди, унда [мана бундай сатрлар ҳам бор эди]:

Кирмагим бунга аён, мисли узинг кўрган наби,
Лек бу ердан чиқмогим шак-шубҳаю, амри маҳол.

[Шайх] бу қалъада тўрут ой қолиб кетди. Кейин Алоуддавла Ҳамадонга юриш қилиб, уни эгаллади. Тожулмулк эса қочиб, худди уша қалъага бориб қолди. Бу орада Алоуддавла Ҳамадондан чиқиб кетган эди, шундан сўнг Тожулмулк ва Шамсаддавланинг ўғли Ҳамадонга қайтдилар ва Шайхни ҳам бирга олиб келдилар. Шайх ал-Алавий деган кишининг уйига жойлашди ва бу ерда «аш-Шифо» китобининг мантиқ қисмини тасниф қилиш билан шуғулланди. Қалъада эса «ал-Ҳидоя» ва «Ҳайй ибн Яқзон» ва «Китоб ал-қуланж» асарини ёзди. «Ал-Адвият ал-қалбия» асарини эса у Ҳамадонга кириб келаётган кезларида ёзган эди.

Шу тариқа бир қанча вақт ўтди ва шу фурсатда Тожулмулк [Шайхга] чиройли ваъдалар бериб турди. Сўнгра Шайх Исфаҳонга кетадиган бўлиб қолди ва яширинча шаҳардан чиқиб кетди. Ўшандা

¹ Амир Самоуддавланинг аъёнларидан — ред.

мен, Шайхнинг укаси [Маҳмуд] ва икки хизматкор сүфилар кийимида у билан биргаликда әдик. Исфаҳон дарвозаси олдидағи Табаронга йўлдаги кўп қиёйинчиликлар билан етиб келгач, бизни Шайхнинг дўстлари ва Алоуддавланинг яқинлари ва маҳсус кишилари кутиб олдилар. Улар Шайхга маҳсус кийим ва уловлар тортиқ қилдилар. Уни Қунигуңбаз деган маҳаллада Абдуллоҳ ибн Бобий деган кишининг уйига жойлаштирилар. Бу жойда зарур бўлган барча жиҳозлар ва палослар мавжуд әди. Кейин у Алоуддавла мажлисида иштирок этди ва у мажлисда узига муносиб иззат ва икромлар кўрди. Алоуддавла буйруғига биноан ҳар жума куни кечқурунлари унинг ҳузурида мунозара учун ҳар хил табақадаги олимларнинг йиғилиши одат тусига кирган әди. Шайх ҳам шулар жумласидан бўлиб, ҳеч қайси олим бирон илмда унга бас келолмасди.

Исфаҳонда Шайх «аш-Шифо» китобини тугатиш билан банд бўлди ва «Мантиқ» билан «ал-Мажистий»ни тамомлади. Бунгача эса Уқлидус [негизлари]нинг қисқартмасини ва арифметика ҳамда мусиқа ҳақидаги қисмини ёзиб тамомлаган әди. Бу ерда у математика [қисми]нинг ҳар бир китобига қўшимчалар киритди, чунки муаллиф бунга жуда катта эҳтиёж сезган әди.

Аммо «ал-Мажистий»га келганда [шуни айтиш керакки], Шайх унга «ал-Мажистий»нинг охирида параллакс ҳақида ўнта теорема киритди ва астрономияга оид шундай нарсаларни киритдики, буни унгача ҳеч ким амалга ошиrolмаган әди. Уқлидус китоби билан ҳам шундай иш қилди, шу билан бирга, ҳисоб қисмига ҳам чиройли узига хос [нарсалар] киритди.

Мусиқа ҳақидаги қисмига эса узидан аввалги-лар бехабар бўлган кўпгина масалаларни қўшди.

Натижада Шайх «аш-Шифо» номи билан танилган китобининг «Китоб ан-набот» ва «ал-Ҳайвон» қисмидан ташқари барча қисмларни тугаллади.

Бу қисмларини эса Алоуддавла Собурхостга юриш қилган йили йўлда ёзди. Шу билан бирга, «ан-Нажот» китобини ҳам йўлда ёзиб тугатди. Шайх бу орада Алоуддавланинг ишончли ва хос кишиларидан бўлиб қолди ва бундай аҳвол то Алоуддавла Ҳамадонга юриш қилишга қарор қилиб йўлга отлангунга қадар давом этди. Шайх ҳам у билан бирга йўлга чиқди.

Бир куни кечаси Алоуддавла ҳузурида қадимги даврдаги кузатишлар асосида тузилган тақвим — календарь бўйича иш юритишининг зарари ҳақида гап айланиб қолади. Амир Шайхга шу юлдузлар устида кузатишлар олиб боришни буоради ва бу иш учун зарур буладиган маблағ ажратди. Шайх ҳам бу ишга киришиб кетди. Менга эса зарур асбоблар тайёрлаш ва уларни ясайдиган кишиларни ёллашни топширди. [Кузатиш вақтида] жуда кўп масалалар аён бўлди. Аммо сафарнинг кўплиги ва шу орқали туттилган тўсиқлар бу ишга зарар етказди.

Шайх Исфаҳонда «Китоб ал-Алоий» асарини ёзиб тугатди.

Шайхнинг ажойиб хислатларидан бири шу эдики, мен йигирма беш йил у билан бирга юриб ва унинг хизматида бўлиб қўлига тушган биронта ҳам янги китобни бошдан оёқ қараб [ўқиб] чиққанини кўрган эмасман. Аксинча, у китобнинг қийин жойлари ва мушкул масалаларинигина қарап ва шулар ҳақида китоб муаллифи нима демоқчи бўлганига диққат қилиб, унинг илмдаги мартабаси ва [масалаларни] тушуниш даражасини билиб олар эди.

Кунлардан бир куни Шайх амир ҳузурида ул-

тиарар эди, шунда Абу Мансур ал-Жаббон ҳам бор эди. Тилга оид бир масала устида гап кетди ва Шайх бу ҳақда ўз мулоҳазасини айтди. Абу Мансур Шайхга ўғирилиб қаради-да, шундай дейди: «Ҳақиқатан ҳам сен файласуф ва ҳакимсен, лекин тил илмини [чуқур] ўқимагансан, шунинг учун сенинг бу ҳақдаги гапларинг қониқтиарли әмас».

Шайхга бу гап оғир ботди. Уч йил давомида у тилга оид китобларни мутолаа қилди. Хуросондан Абу Мансур ал-Азҳарийнинг¹ таснифларидан бўлмиш «Таҳзиб ал-луға» («Тилни тозалаш») китобини ҳам сўраттириб олди. Бу ерда Шайх тил билимида шундай юксак дарајага эришдики, бу камдан-кам одамга муяссар бўларди. Ўша пайтда учта қасида ёзди ва буларда кам ишлатиладиган, нодир сўзларни ишлатди. Кейин яна учта китоб ёзди: бўларнинг бирини Ибн ал-Амид² усулида, иккинчисини ас-Собий³ услубида, учинчисини эса ас-Соҳиб⁴ услубида яратди. Шайх бу китобларни муқовалашни ва жилдига эскирган тус беришни буюрди. Кейин шутариқа муқоваланган китобни амирга бериб, уни Абу Мансур ал-Жаббонга курсатишни ва шундай дейишини илтимос қилди: «Биз бу китобни овга чиққан пайтимида саҳродан топиб олдик. Буни кўриб ичида нима ёзилганини бизга айтиб бергин».

Абу Мансур [китобни] кўриб чиқди, лекин унда [ёзилгандарнинг] кўпини тушуниш унга мушкул бўлди. Шунда Шайх унга қараб:

¹ Ал-Азҳарий (895—980)— йирик араб луғатшуносаридан.

² Вафоти 970.

³ Вафоти 994. ўз даврида стилист сифатида машҳур бўлганлардан.

⁴ Вафоти — 995 й. Бувайҳийларнинг Исфаҳон ва Райдаги ҳокимининг вазири, тилшунос.

«Бу китобдаги сен тушунолмаётган нарсалар лугат китобларнинг фалон жойида айтиб ўтилган», дейди ва Абу Мансурга тилга оид жуда кўп машҳур китобларни эслатдики, ўзи ўша қийин сўзларни шу китоблардан эслаб қолган эди. Абу Мансур ўшанда тил борасида унчалик пишиқ бўлмаган гапларни айтиб яхши қилмаган эди.

Энди Абу Мансур бу рисолалар Шайхнинг ўз таснифларидан әканини ва у буларни ўша кунги чеккан хижолатига жавобан ёзганини фаҳмлади. Шундан сўнг у гинани қўйиб, [Шайхдан] узр сўради. Кейин Абу Али тилга оид китоб ёзди ва уни «Лисон ал-араб» [«Араб тили»] деб атади. Тил ҳақида бундай китоб ёзилмаган эди. Лекин китоб Шайхнинг вафотигача ҳам оққа кўчирилмай қолиб кетди ва бирорта одам жазм қилиб уни тартибга ҳам келтирмади.

Шайх bemорларни даволаш жараёнида кўп тажриба ҳосил қилди. Буларни «ал-Қонун» китобига киритмоқчи бўлди, ҳатто буларни бўлимларга ажратиб ҳам чиқди. Лекин булар «ал-Қонун» китоби ёзиб тугалланишидан олдин йўқолиб кетди. Ўшандай тажрибалардан бири мана бу эди:

Кунлардан бир куни [Шайхнинг] боши оғриб қолди; у эса модда мия пардасига тушмоқчи ва натижада унда шиш пайдо бўлиши хавфи туғилади деб ўйладида, кўп муз олиб келишни буюрди. [Музни] майдалаб латтага уради ва у билан бошини ёпиб қўйди. То оғриган жой қувват топиб ўша моддани қабул қилмайдиган бўлгунча бу ишни давом эттириди ва натижада тузалди.

[Тажрибаларидан] яна бири:

Хоразмда сил касали билан оғриган бир аёлга шакардан қилинган гулқанддан бошқа дори тановул қилмасликни буюрди. Ҳатто у хотин бир неча

кун давомида юз мани [гулқанд] тановул қилди ва ниҳоят шифо топиб тузалиб кетди¹.

Шайх Журжонда «ал-Мухтасар ал-асфар фи-лантиқ» («Кичик қисқартирилган мантиқ») асарини ёзган бўлиб, уни кейинчалик «ан-Нажот»нинг бош қисмига қўйди. Бу китобнинг бир нусхаси Шерозда пайдо бўлиб, у ердаги илм ахллари уни ўқиб чиққан ва ундаги бальзи масалалар ҳақида уларда шубҳа пайдо бўлган. Кейин улар [саволларини] бир даста қофозга ёзишган; Шероз қозиси ҳам шулар жумласидан экан. У қофозлардан мунозара илми билан машғул бўлган Иброҳим ибн Бобо ад-Дайламийнинг дўсти Абулқосим ал-Кирмонийга йўлланган. Унга яна Абулқосимга ёзилган хатни ҳам қўшган. Бу икки хатни [Исфаҳон томонга] кетаётган отлиқ қўлига тутқазишиб, уларни Шайх Абу Алига топширишини ва ундан жавоб ёзиб беринини сўрашни уқтирган.

Ниҳоят, жазирама иссиқ куннинг қуёш оққан пайтида Абулқосим Шайх ҳузурига кириб келди ва унга хат ва [саволлар ёзилган] қофозларни топшириди. Шайх хатни ўқиб Абулқосимга қайтариб берди, [саволлар ёзилган] қофозларни эса ўз олдига ёйиб қўйди. У ерда ҳозир бўлганлар үзаро гаплашар, Шайх эса қофозларга қараб ўлтирас эди. Сўнгра Абулқосим чиқиб кетди, Шайх менга оқ қофоз келтиришини ва уни бир неча тўп қилиб, қириқиб қўйишини буюрди. Мен унга беш тўп қофоз тайёрладим, уларнинг ҳар тўпи чорак фиръавний ҳажмидаги ўн варақдан иборат эди. Биз ҳуфтон номозини ўқидик. Шам келтирилди, Шайх шароб келтиришини буюрди, мени ва укасини ўтқазди ва шароб ичиниглар,

¹ Бу ҳақда Ибн Сино «Іконун»да ҳам гапиради. «Қонун», III китоб, биринчи жилд, 503-бетига қаранг — ред.



و ده زوج دیگر عصبی اندر می خواهد

دان تک الخوش فـ الشـفـ تـقـضـ عـلـى الـفـوـسـ بـاـيـدـ دـانـ

دان تک لـتـعـودـ شـلـذـكـ تـقـضـ بـكـلـ صـحـهـ مـهـنـاـ لـكـ

تعزـرـهـ بـحـبـ الـبـلـادـ

دـاـهـلـىـ وـقـاـلـ بـجـابـ الـلـهـ فـأـمـةـ مـنـ اـجـلـ لـكـ أـرـدـ

دانـ تـكـ مـغـنـهـ رـبـاعـ فـاقـضـ فـرـمـزـ رـجـابـ فـخـرـ

تعزـرـهـ بـحـبـ الـجـابـ

دانـ كـمـنـ مـنـمـالـدـهـ بـخـبـوـ قـضـتـ بـاطـرـئـنـ الـبـسـوـ.

دانـ كـمـنـ جـنـوـبـ الـجـابـ قـضـتـ لـهـ بـيرـدـ بـاـشـلـهـ

دـهـوـكـيـشـفـانـ كـمـنـهـ بـهـ دـهـوـلـيـفـانـ كـمـنـ شـرقـهـ

تعزـرـهـ بـحـبـ الـبـيـاـ

ولـبـيـاـ رـضـدـهـ لـجـرـكـمـ يـهـاـ يـقـوـلـ بـاـلـ اـسـمـ

تعزـرـهـ بـحـبـ آـرـبـاجـ

دـهـنـدـثـ آـرـبـاجـ فـلـهـوـاـ خـلـقـاـ كـاـجـتـهـ بـاـلـ نـوـاـ

деб буюрди. Ўзи бўлса ҳалиги саволларга жавоб ёзишга киришди. У жавоб ёзар, ора-чора ичар, шутариқа ярим кечада бўлди. Мен билан укасини уйқу босди ва бизларни кетишга буюрди. Саҳар пайти эшик тақиллади, [чиқиб] қарасам Шайхнинг юборган одами экан, мени чақиртириб юборибди. Кириб келсам, Шайх жойнамоз устида ўлтирас, олдида эса беш тўп қофоз турас эди.

«Мана буларни олгин-да,— деди Шайх — Абулқосим ал-Кирманийга жунат. Унга шуни айтиб қўй, чопар йўлидан кечикмасин деб, саволларига шошилинч равишда жавоб ёздим».

Мен [жавобни] Абулқосимга олиб борганимда, у ниҳоятда таажжубда қолди, чопарни жунатиб бу воқеадан уларни хабардор қилди. Бу ҳодиса ҳалқ уртасида бир тарихий воқеа бўлиб қолди.

Шайх юлдузлар устида кузатиш ишларини олиб борганда ўз даврига қадар бўлмаган асбоблар ихтиро қилди. Бу тўғрида у бир рисола ҳам ёзди. Мен бўлсам саккиз йил давомида кузатув ишлари билан банд бўлдим, бундан мақсадим Батлимуснинг ўз кузатишларида айтган гапларини аниқлаш эди. Менга бу масалаларнинг баъзилари аён бўлди.

Шайх «Қитоб ал-ансоғ» («Инсоф-қитоби») деган асар ёзди. Султон Масъуд Исфаҳонга бостириб кирган куни¹ унинг аскарлари Шайхнинг уйини талон-торож қилди, бу китоб ҳам ўша ерда эди ва ундан асар ҳам қолмади.

Шайхнинг барча қувватлари кучли эди, айниқса унинг мужомаат ишида шаҳвоний қуввати энг зур ва кучли эди. У бунга қаттиқ берилган бўлиб, бу нарса унинг мизожига ҳам таъсир қилган эди. Шайх эса ўз мизожининг кучига қаттиқ ишонган

¹ Бу воқеа 1029 йили бўлган.

әди. Бу кайфият унда Караж дарвозаси олдида Алоуддавла билан Тошфаррош үртасида уруш бўлган йили қуланж касали тутганга қадар давом этди. Шайх тезроқ тузалиш ҳаракатига тушди, чунки [Алоуддавланинг] енгилиш хавфи бўлиб, бундай касал ҳолида ҳаракат қилиши қийин әди. Шунинг учун у кунига саккиз марталаб ўзига ўзи ҳуқна [клизма] қилди. Натижада баъзи ичаклари яраланиб, шилиниб ҳам кетди. [Шайх] Алоуддавла билан бирга ҳаракат қилиб шошилинч равишда Изаж томонга жўнашга мажбур бўлдилар. Бу ерда қуланж оқибатида Шайхни тутқаноқ тутиб қолди¹. Шунга қарамасдан, у ўзига-ўзи тадбир қилиб, ичак шилиниши ва қуланж қолдиқларига қарши ҳуқна қилишда давом этди. Бир кун ҳуқна қиладиган нарса ичига икки донақдан карафс [селдерей] уруғи арапаштиришни буюрди, бу билан ичидаги елларни ҳайдамоқчи әди. Уни даволаётган табиблардан бири карафс уруғидан беш дирҳам² солиб юборибди. Буни у атайлаб шундай қилдими ё янгишдими, мен билолмадим, чунки мен бу иш устида бўлмаган әдим. Шу уругнинг ўтқирлигидан ичак шилиниши зўрайиб кетди. Тутқаноққа қарши митридат дорисини³ иchar әди. Хизматкорларидан бири [митридатга] кўпроқ афюн қўшиб берган ва Шайх уни ичган. Бунинг сабаби шу эдикси, улар Шайхнинг кўп молига хиёнат қилган бўлиб, ўз қилмишларининг оқибатидан қўрқар ва шунинг учун унинг ўлимини кутган әдилар.

¹ Қуланж оқибатида баъзан тутқаноқ тутиши ҳақида «Қонун»да ҳам айтилган, III китоб, иккинчи жилд, 202-бет — ред.

² Донақ — 0,5 гр; дирҳам — 2,9 гр.— ред.

³ Митридат — таркибиға афюн ва бошқа кўп нарсалар солиб тайёрланадиган мураккаб дори — ғед.

Шайхни шу аҳволда Исфаҳонга олиб келишди, у эса ҳамон үзига-үзи тадбир қилар эди. Заифликдан шу даражага етдики, ҳатто ўриидан туришга ҳам мажоли келмай қолди. Лекин у үзини-үзи даволашдан тұхтамади, ҳатто юришга қурби келиб, Алоуддавла мажлисига ҳам қатнаша оладиган булиб қолди. Аммо у шундай ҳолатда булишига қарамай, үзини сақламади, мужомаат ишларини күпайтираверди. У дардан бутунлай тузалиб кетмади, дарди баъзан қайталар ва баъзан аҳволи енгиллашар эди.

Шу вақт Алоуддавла Ҳамадон томонға юриш бошлади, Шайх у билан бирга сафарга чиқди. Йұлда ҳали Ҳамадонға етиб бормаслариданоқ, унинг дарди яна қайталади. Энди у бутунлай кучдан қолганини ва касалликни даф қиындығынан аңгалаған, натижада үзини-үзи даволашдан тұхтади. Шунда Шайх «Танамга тадбир қилаётган тадбиркор әнди тадбирдан ожиздир, бундан буён муолажа фойда бермайди», дер эди.

Шайх шу ҳолатда бир неча күнни кечирди, кейин у тангри даргоҳында күчди. У әллик саккыз йил умр күрди, вафот этган йили түрт юз йигирма саккызинчи эди, туғилған йили эса уч юз етмишинчи эди¹. Унинг қабри Ҳамадонда, унинг қибла томонидаги девор тагида».

Абу Убайд ал-Жузжонийнинг Шайх ар-Раис ҳақида айтғанларининг охири мана шу.

¹ Ибн Аби Усайбиада йиллар янглиш берилған. Байқаңыз үшін Ибн ал-Қифтий матнларында қараб түғриланды.

ТАРЖИМОНДАН

Ибн Сино ҳижрий йили (370—428) ҳисобида 58 йил умр күрган бўлиб чиқаябди. Милодий ҳисоби бўйича (980—1037) эса у 57 йил умр кўрган бўлиб чиқади. Милодийси тўғриси.

Ибн Сино вафот этган куни маълум, туғилгани но маълум. У рамазон ойининг биринчи жумаси куни вавот этган. Бу эса 1037 йил 24 июнь жумасига тўғри келади. У ҳижрийнинг сафар ойинда туғилган. Сафар ойига августнинг 14-кунидан сентябрнинг 16-кунигача бўлган муддат тўғри келади. Бордию, агар шартли равишда биз сафар ойининг биринчи куни, яъни 14 августни Ибн Сино туғилган кун деб олсак, у ҳолда аллома Ибн Сино 58 йилу 10 ой ва 9 кун умр кўрган бўлиб чиқади.

Ушбу таржимани арабча мати билан солишириб таҳрир қилиб, унга зарур тузатишлар киритиб, баъзи ўриниларига берган изоҳлари учун (китобда у ред. деб келган) ЎзССР ФА мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор У. И. Каримовга фурсатдан фойдаланиб, ўз миннатдорчилигимизни изҳор өтамиз.

**ҒАЗАЛЛАР, ҚИТЪАЛАР,
РУБОЙЛАР**

ҒАЗАЛЛАР

Ҳақиқат тип-тиниқ бода эрур руҳнинг ғизоси,
Чечак-гуллардин ўзгай бўйи ҳам раиги сароси.

Ақиқ ранглигу мисли ёқуту лаълисифат бўлса,
Кимики ичса бир жом, бошига қўнгай ҳумоси.

Қуюлса тонг ила ҳуммурларнинг жомига қул-қул,
Магар барбат садосидин келур ҳушроқ садоси.

Падар панди каби аччиқдир, аммо фойдаси беҳад,
Эрур нодонга ботилку vale доно равоси.

Ақл фатвоси андоқким, ҳалолдир ичса дөнолар,
Вале аҳмоқлара макруҳ эрур кайфу сафоси.

Билимдонга ҳалолдирким, ҳаромдир аҳли жоҳилга,
Ҳама яхши-ёмонни ажратар майнинг зиёси.

Ҳаром улмиш шароб оламда балким жаҳли
жоҳилдин,

Нечаким ичди жоҳил, бўлдилар майнинг адоси.

Шаробни абллаҳ ичса, чун гуноҳи ҳаддидан ошгай,
Тилидин лоф ёғилгай, ўзгариб фикри-ҳавоси.

Не хушдирким, қўлингга сунса паймона гўзал
маҳбуб,

Гўзал юз шабнами томса, мен ул майнинг гадоси.

Абу Али, тиниқ майни ҳакимона ичавер,
Худо ҳаққи, шудир ҳақнинг йўлин топмоқ давоси.

* * *

Мард кишига ўн хил иш доим ҳаром,
Олтисидан мард киши холис мудом.

Хасислигу ҳасад ҳам ёлғончилек,
Занфлик, дарду йўқликка бўлиш ром.

Агар иеъматга етсанг, сен адолат
Ҳам ақлинг бирла бер дустларга инъом.

Агар шиддатда қолсанг, ютма дардинг,
Самон бўлгай бу дарддин чеҳра гулфом.

Назарга арзимас буткул жаҳон ҳеч,
Совуқ бир оҳ ила бўлгай саранжом.

Фалак — жуфт соққа, олам тахтасидир,
Ажал ўйнайди, бизлар — донаи хом.

* * *

Бўлурман охири жинни, юрак сиррин тутиб
пинҳон,
Менинг кўрганларим кўрмас на дэв, на жин ва на
инсон.

Ҳалокатга гирифтор бўлмасам охир бу ишлардан,
Заҳар тил тигига қарши ҳеч топилмайдир бирар,
қалқон.

Бахиллик бирла қўшнилар менинг тўғримда
ўйлайдир:
«Хасисликдан ўзининг устихонинму сўрар ҳар он». Ақл рад айлагай ҳар ҳужжат ўқин келтирас бўлса,
Қийин иш бўлмагай ҳеч ҳам кутарсин майлига
туғён.

Агар ҳал бўлмоғи душвор бир иш пайдо бўлиб
қолса,
У майдонда кўринмайдир бирорта тилга зўр,
полвон.

* * *

Жойлари ёдимга келтирмиш уларни дам-бадам,
Үзгарибdir, йүк булибдирким билиб булмас ҳечам.

Сел ва ёмғирлар ювибdir манзилини бус-бутун,
Күз жигар қони билан юзларни ювгандек бирам.

Ул асарлар ҳам йүқолмиш, ҳамда ёшлигим
менинг,

Сочим оқи келди ғолиб, иккиси чекди алам.

Кексаликдан чин нишондир икки чекка оқлиги,
Құрқишар баттолдану дерлар: «Хазар қил,
Э одам!»

Десалар: «Соқол бұя», дерман, бу иш яхши әмас,
Чун ажал ажратмагай оқу қаро ранг бұлса ҳам.

* * *

Дилинг дунё ғамидин мосуво қиладурсен,
Ажабмас бақо уйинда сафо қиладурсен.

Агар оху риёзатда үтар әрса даминг,
Дил кудуратин поку сержило қиладурсен.

Ҳавас манзилгаҳидин гар узоқ кета олсанг,
Беҳишт боғида ажабмас, ҳаво қиладурсан.

Агар үз ташвишларингдин ҳалос бұла олсанг,
Фалак ташвишларин ҳам жо бажо қиладурсен.

Валекин ҳар киши ҳам бу ишга қодир әмас,
Сенингдек нозанин нечук адo қиладурсен.

На амал құл-аёғини боягай олурсен тек,
На олам рангу бүйини фано қиладурсен.

Мисоли Бу Али халқдан дил узу бўл дарвеш,
Шундагина феълу дилингни дарё қиладурсен.

* * *

Неча кун яшаб бу жаҳонда саломат,
Қилиб хоки бирла шамолига тоқат.

Бирар лаҳза лутфи-ю бир лаҳза қаҳри,
Бу покиза жонга туташди қабоҳат.

Ақлсизни мақтаб тамаъ бирла гоҳи,
Гаҳи ҳажв оқилни қилдим, маломат.

Дилим ўтда куйди аланга чиқордим,
Кўзим ёши берди бул ўтдан шаҳодат.

Тия олмадим нафсиму ҳирсим исён —
Қилиб, шод бўлдим, кетидин ҳижолат.

Ахир етди охирги манзилга умрим,
Не эккан эсам мен, шуни ўрдим албат.

Яна гавҳарим қайтди ўз асли сори,
Яна соғ бўлдим, кетиб барча иллат.

Билолмас бирар кимса мен қайга кетдим,
Қаён келди билмас ўзи ҳам бу хилқат.

ҚИТЪАЛАР

Улуглигим туфайли дилларида ваҳмлар зоҳир,
Иўқса ҳеч бир кечирмаӣ, айлашар эрди хӯп таҳқири.
Менин тутмоқчи бўлганлар қазиб чоҳ айлашар
«ав-ав».

Кучук овози ҳар ёқда, фақат мен бунда шерман,
шер.

Узоқдан ўқрайиб менга қилурлар қанча ғавғолар,
Мен эрсам кечалар илм истаюрман уйқусиз охир.
Агар бундай адоват ўрнига бўлсайди одил кўз,
Кўради ишларимда ул ёмон ўрнига ҳуб тадбир.

* * *

Оlamнинг сайрига қўйдимку қадам,
Қаршимда намоён бўлди ҳар не бор.
Ҳайратимда қўлим тутган соқолдан
Бошқа бирор нарса бўлмади ошкор.

* * *

Тақдир гардишидан ва пешонамдан
Худойимга қиласай энди шикоят.
Ёшлигим олди-ю, узи навқирон,
Оҳанграбо бўлдим, темирим — заҳмат.

* * *

Тарк қил бор нарсани, жон барчадин аълодуур,
Жон камоли илмдандир, илмдандир сулу соғ.
Жон агар бир шиша бўлса илм унда шам чироқ,
Ҳикмати инсонин билгил ул чироқда мисли ёғ.
Ул агар равшан ёнар, сен ҳам саломат ҳам тирик,
Ул чироқ сўнса сенинг ҳам ўлганинг масму шу соғ.

* * *

Эй қаро күз ҳар бир аёл, ҳар бир қизнинг
Яхши хулқин ұхшатишимас майга доим.
Севиклигим оқ узумдан бұлған шароб.
Ақтим ёви, күрінса-да күп мулойим.

* * *

Қандай кишиларки, фазлимга ҳасад,
Фийбатдан бошимга бұлдилар бало.
Камолу ҳикматим пастга уришиб,
Ҳар ерда нодонлик этдилар намо.
Еввойи әчкідек қояни сузиб,
Менинг таҳқириимни күрдилар раво
Аммо ёш ҳам бұлса манзилга яқин,
Нодонлар сұздидан чұчимас асло.

* * *

Хаста қилмиш кипригинг ҳам жонима кирмиш аро.
Ҳам касал қылғувчидир у ҳам табибим, меҳрибон.
Лутф бирла васлинг инъом айлабон қил баҳтиёр.
Жавхар үрнини араз олгувси баъзан бегумон.

* * *

Сирингни сұрасалар, ҳар кимсадан тут пинҳон,
Ҳар кимки гапирмас күп, удир мулоҳазакор,
Ичингда ниҳон бұлса, сиринг сенинг асиринг,
Ұзинг унга асирсан, қачонки қылдинг ошкор.

* * *

Олий мақсадларга етмоқлик әрур майлим менинг.
Мартабалар пастига рози әмасман ҳеч қачон.
Е етарман мақсадимнинг чүккисига охирн.
Е бу йүлда шум ажалдан топгуси ором бу жон.

* * *

Қарилкдир кетган ҳаёт нишони,
Аммо битмас дил орзуси, тилаги.
Дилда ғуур, орзу-армон күп, лекин
Тугаб бормоқдадир кунлар этаги.

* * *

Севгилимни йүқотгандан, аламдан
Қаро кийиб мотам тутиб юрибман.
Қоронғи тун нимасини йүқотмиш,
Нечун қаро киймиш билмай турибман.

* * *

Оlamга қаролик таратмоқ булиб,
Урим соchlарини ёйган эди ёр.,
Ва лекин жамоли нурланиб кетиб,
Мақсадга етолмай қолди у ночор.

* * *

Соддалик-ла айтмагил сиррингни ҳеч,
Ҳар кишига қилма дүстлик ошкор.
Асли расва ҳам мунофиқлар билан,
Тутма дүстлик йўлин, онинг хавфи бор.
Обрўйинг тушмасин дерсан агар,
Бўлма пастлар амридан ҳеч ҳиссадор.
Юрма йиглаб, гарчи тушса обрўй,
Кўз суви обруни қилмас обдор.

* * *

Гумоним борки, бу зулмат ҳаётда,
Муруват кўзлари уйқуда дойим.
Ўн икки буржда сайри етти юлдуз
Билан ўн икки йил ўтмиш мулойим.

Ҳаётдан кетди минглаб яхши одам,
Нечун қайтмайди ҳеч ким, эй худойим!

* * *

Оталик ҳикмати нимадир, билсанг:
Бор-йүгин фарзандга бермак беминнат.
Лек отадан ўпка қилмасин фарзанд,
Замона келтирса бошига кулфат.

* * *

Ҳар ерда жаҳолат ҳаддан ошган чоғ,
Замона жигаринг қилур қаро қон.
Остонанг ул ёғи денгиз бұлса ҳам
Дурри марваридга мушт тұлмас осон.

* * *

Ҳаёлот баңдидан чиқ, ҳис домидан кетгил узоқ,
Паст кишилар бирла ким үлтирди, үлди ҳиммати.
Аммо жаҳон ишларин, била олгайму ҳеч одам
Ұзи келиб кетишин тушунолмасқу фикрати.

* * *

Болалик остони эканми баланд,
Ёшлик үтди-ю у үтмайди ҳарчанд.

Сочга қирав инди, келди кексалик,
Ҳали ҳам үтмайди дилдан болалик.

Ёшлик мисоли дев қилди саркашлиқ,
Аммо әнди тинди дилида ғашлик.

Икки чеккангдаги қарғани,
Оқ бургутлар чанга олдилар ани.

Ешлик үтиб кетди, күздан йүқолди,
Күздан кетди, изи күнгилда қолди.

Бир жойни босса ҳам энди оппоқ қор,
Бошқа бир бурчакда гуллайди баҳор.

Муйсафидлик үлим жарчиси аммо,
Күкат бор бу мудҳиш хаёлга даво.

Шундайдир аслида ҳаёт қонуни,
Құлдан келса бошқа қиласадим уни.

Исён кутараардим аммо ул маңкам,
Занжирбаннадир бизнинг құл ҳам, аёқ ҳам,

Үқдимки, абадий әкан тақдир ҳам,
Шундан пайдо бұлды бардош ва чидам.

Мени йүлдан урмоқ бұлды бу дунё,
Худо үзинг кечир, кечир эй худо.

Кишилар ичида мен ҳам тирик жон,
Фаолиятимдан хабардор замон.

Аммо ҳеч ким билмас дилимда не бор,
Ҳеч киши дилимдан әмас хабардор.

Дилим этар осмон авжида парвоз
Оlam риёсидан юқори шаввоз.

Жаҳолатда ботиб қолганлар чанд бор.
Қийналдилар дилим билолмай зинҳор.

Билолмаслар улар оромини ким —
Бузмоқда, ким әкан у гүстоқ олим.

РУБОИИЛАР

Мени кофир этмак эмасдур осон,
Ҳаммадан маҳкамроқ мендаги имон.
Юз йилда бир келур мен каби инсон,
Демак бу дунёда йўқ бир мусулмон.

* * *

Дарду ғамдин қолмади ҳеч тоқатим,
Тангри, бергил кафтимга май — роҳатим.
Ишқ дардига шифо әрур ток қизи,
Даво топсун ундан дил жароҳатим.

* * *

Ёшлик ишин қилиб бўлмас қариган замон,
Қарилигинг кофур¹ очар, бўлмайди ниҳон.
Нима қилсанг, қилавердинг қаро кечада,
Оппоқ тонгда ул ишларга йўл йўқ ҳеч қачон.

* * *

Эй қуёш, йўқ сендек кезувчи олам,
Менга ҳам йўл курсат, йўлчиман мен ҳам.
Мухаббат йўлида кўрдингми бул кун,
Юзи гардсиз, дили дардсиз бир одам?!

* * *

Май мастга душману ҳушёрга ёрдир.
Ози тарёк, кўпи бир заҳри мордир,
Кўп бўлса зарари оз эмас унинг,
Оз бўлса унда кўп манфаат бордир.

¹ Оқ рангли модда, камфара.

* * *

Үзни доно билган бу уч-түрт нодон
Эшак табиатин қилур намоён.
Булар сұхбатида сен ҳам эшак бұл,
Бұлмаса «кофур» деб қилишар әтлон.

* * *

Қаро ер қаъридан то авжи Зұхал —
Коннот мушкулин барин қилдим ҳал,
Күп мушкул тугунни англадим, ечдим,
Ечилмай қолгани биргина ажал.

* * *

Эй кошки, билолсам мен қандай инсон;
Оlamda не излаб бунча саргардон.
Кераклигим бўлса яшасам хандон.
Бўлмаса минг кўздан ёш тўксам нолон.

* * *

Дил бу чўл ичинда қанча чопмади,
Қирқقا бўлинди-ю, бир қил топмади.
Кўнглимда минг қуёш нур сочди, лекин —
Камолга заррача ҳам йўл топмади.

* * *

Ҳақ жаҳоннинг жонидур бадандур жаҳон,
Фаришталар бу танга сезги, бегумон.
Унсурлардан барча жисм маволид аъзо,
Шудир борлик, қолгани ҳийлаю ёлғон.

* * *

Нарсалардан гүё қолмас ном-нишон,
Лекин хазинага йигади замон.
Чарх яна худди шул ҳолатга келса,
Уларни пардадан чиқарур даврон.

* * *

Дўстим душманимга булибди мекъмон,
Энди ўтирмайман, у билан бир он.
Парҳез қил шакардан заҳари бўлса,
Пашшадан қоч, қўниш жойи гар илон.

* * *

Зулфинг ёмонликда мисоли аждар,
Биласанми белингга нечун чирмашар.
Лаълинг ичра кўриб зумрад конини
Тогингда аждардек боғламиш камар.

* * *

Соқий, жаннатий соф зулолинг қани?
Ҳақ қўринар ойна мисолинг қани?
Ичимни тозалаб ювмоқ ниятим,
Чўлоқ қумғон, синган сафолинг қани?

* * *

Гоҳи бода ичсам хомликдан нишон,
Пайдар-пай ичсам бадномликдан нишон.
Майни шоҳ ё ринду доно бўлсанг ич,
Бўлмаса душманга мақсаду нишон.

* * *

Яхшию ёмондин қилиб ор биз —
Ҳақнинг қарамидан умидвормиз.
Лутф этса қилган иш қилмаган бўлур
Е ҳеч бир гуноҳсиз гуноҳкормиз!

* * *

Яхшидир кетмасдан ушбу жаҳондан,
Ақлинг ҳалос бўлса ҳар пушаймондан.
Эрта қўлдан келганин қилмоқдан ожиз --
Қоласан, фойдалан бу кун имкондан.

* * *

Үтиб кетди ёшлик — умрим баҳори,
Ҳаёт сармояси, белим мадори.
Сочларим оппоғу умид күкраги
Оқ сут бермас, қуяр қол-қора дори.

* * *

Ишқ бодасин жомга тұлдирған кунда,
Ишқ ахли үйқусин йүқтотған тунда.
Бу Али жонига Али меҳрини
Сут шакардек қотиб әрдилар шунда.

* * *

Хеч бир гап қолмади маълум бўлмаган,
Жуда оз сир қолди мағҳум бўлмаган.
Билимим ҳақида чуқур ўйласам,
Билимки ҳеч нарса маълум бўлмаган.

* * *

Тонг сочилиб кетди субҳ дурдонаси,
Хушоб дурга тұлди субҳ паймонаси.
Ул ҳам худди мендек асиру шайдо,
Кеча ошиғи-ю, субҳ девонаси.

* * *

Ишқ жомини сипқор, эй дил, мисли гул,
Мудом ишқ либосин кийгил, мисли гул.
Шамдек тили ёқар қулоқ пахтасин,
Бор-йўғинг қулоғу кўз қил, мисли гул.

* * *

Гул отрафин үраб олдилар бирдан,
Барча унга қўлин чўзди дафъатан.
Гул кўйлагин талаб тортганларидан,
Чоку чок йиртилди ул нозик бадан.

* * *

Оташ тушган учун гул хирманига,
Гул шабнами томди замин танига.
Эй соқи, құлға ол қип-қизил майни,
Эй ток қизи, қонинг гул гарданига.

* * *

Дилда пинқон йиғи, куламиз гулдек,
Бир дамгина ҳаёт қиласыз гулдек.
Ұзимизни гулдек үртага ташлаб,
Сочилмоқни баҳт деб биламиз гулдек.

* * *

Дил борми сириңдан айласа сұроқ,
Борми бир сұзинға солгувчи қулоқ.
Маңшуқ тун-кун этар ҳуснин намоён,
Қайси күзга насиб дийдорин күрмөқ.

* * *

Эй зоти бұлғувчи вужудға асос,
Зотингдан айру ҳеч борми зотшунос?
Зотинг камолиға, йұл топмас барча,
Ұз феълин зотинга қиласадур қиёс.

* * *

Эй құдрат әгаси, бекиёс құдрат,
Бизни құрқитасен солиб уқубат.
Биласенқу бизда йүқдир ихтиёр,
Ожизмиз афвингта муҳтоҗ, бетоқат.

* * *

Дунё қамарини боғлолмадим ҳеч,
Айём самарини чоғлолмадим ҳеч.

Жамшид жоми эдим синдим минг булак,
Шодлик шамим ўчди, соғлолмадим ҳеч.

* * *

Лаблари соф дурни солмиш чұнтакка,
Алдамдир барча не олмиш чұнтакка.
Шунинг учун тикиб қўйдим чұнтағим,
Деди: «Қай ошиқ күк солмиш чұнтакка?»

* * *

Сафар орзусида субҳидам кетай,
Ҳаёт ташвишидан олиб дам, кетай.
Исовор урайин қўлимни сувга,
Тўнимни онамга ташлаб ҳам, кетай.

* * *

Қайдаким сўз боби хўп мақул келди,
Бир фоил ёнида бир мағъул келди.
Фоил қудратисиз иш йўқ жаҳонда,
Икки жаҳон иши таҳаммул келди.

* * *

Умринг кўпи билан бир-икки нафас,
Нафас эса кичик бир шамолу сас.
Шамолга таянмиш умринг биноси,
Мустаҳкам иморат елга таянмас.

* * *

Танимиз оташи, жонимиздир қон,
Нечун унинг жойи мисоли зиндан?
Нечун тўкилади у жуда осон,
Нечун арzon бўлди бу арзанда жон.

* * *

Беш аъзо — кўз, қулоқ, тил, бурун, бармоқ,
бўлса киши усти мукаммал, қувноқ.

Яна ҳавас-ҳаёл, фикру ваҳму ақл,
Булар иши ичдан буйруқ юбормоқ.

* * *

Май абад умрдан баротдир, кетур,
Ёшлик ишратидан бисотдир, кетур.
Олавдек күйдирап, лекин ғам куни
Ул мисоли оби ҳаётдир, кетур.

* * *

Бир ҳунарим кўриб, ўн гуноҳим кеч,
Хастамен чирмашар кўкка оҳим, кеч.
Фано оташидан адоват ёқиб
Қоронги айлама қуёш, моҳим, кеч.

* * *

Эй нафс, орзу-ҳавас кишанидан кет,
Бир дам ҳимояси учун шитоб эт.
Дунё, мансаб дема, учма ишвага,
Дустлардан ажраб ҳам ёв бошига ет.

ТИББИЙ ДОСТОН (уржуза)

ДОСТОН

Барча ҳамду сано анга рабу-л-олам,
Осмон шоҳи, ягона у соҳиб карам.
Танҳо ўзи, поку қадим ҳам бемакон,
Бор этгувчи мавжудотни ва бенуқсон.
Ақлимизга доим сочар ўз нурини,
Ҳатто аён маъқул илм яширини.
Фазли билан яратилди бунда инсон,
Нутқу тилни анга ортиқ айлаб эҳсон.
Билдирилур билим ҳиссу қиёс ила,
Махфий ойдин бўлганидек таққос ила.
Ақл илашди қайдга мавжуд нафси нотиқ,
Соҳиб ҳаёт шоҳидлари бўлса содик.
Махлуқотга бир йўсинада эҳсон ила,
Ақл, ҳиссу ҳаёт булди мезон ила.
Яралганлар боғланишди табнатга,
Камол етиб бул ҳикмати бадиатга.
Поклай олса нафсини ким разолатдан,
Бу илму хулқ ҳосил бўлур фазилатдан.
Тириклардан фарқ қилинур доим инсон,
Ортиқ туриб қўйл ҳунари ҳам тил — лисон,
Демак, инсон улуғидир шарофатда,
Тили сўзда ўтирир бўлса, зўр санъатда.
Зеро алар банд ўлишди зоти била,
Сўз санъатин бағишлаб лаззати ила.
Худди табиб бўлган каби баданга шоҳ
Шоир тилнинг амиридир, назми гувоҳ.
Қайраса тил нафсни бир йўл фасоҳатла,
Даволайди табиб тании назокатла.
«Уржуза»да бор табобат топди камол,
Ҳам назарий, ҳам амалий бўлиб мисол.
Мана энди хайр ишига азм айладим,
Эсда бўлган насрларни назм айладим.

ТИБ ТАЪРИФИ ҲАҚИДА

Танада гар пайдо бўлса қандай мараз.
Тибдан топар давосини ҳар бир араз.

ТИБНИНГ БУЛИНИШИ ҲАҚИДА

Илмий, амалийга бўлинди тиб аввал,
Бўлди уч нарсадан илмийси мукаммал.
У нарсанинг бири етти табиатдир¹
Андин сўнгра келган олти заруратдир²
Уч нарса бор: битилгандир китобларда,
Мараз, араз, сабаб деган хитобларда,
Икки турга бўлинади амалий тиб,
Бири икки қўлдан топур даво, тартиб,
Бошқа бири бажо бўлур, бўлса даво,
Қўл келади белгиланган бўлса ғизо,

ТИББИЙ НАРСАЛАРНИНГ БИРИНЧИСИ РУКИ ВА ҮНСУРЛАР ҲАҚИДА

Билсанг табиий нарсалар рукилардан,
Улар қоришидан пайдо булур бадан.
Бу хусусда Буқрот сўзи тўғри ўлур
Тупроқ, олов, сув ҳаво манба бўлур.

¹ Бунга: руки, мизож, хилт (сон)лар, аъзолар, руҳлар, қувватлар, ишлар киради. Рукиларга әса, Ибн Сино таъбирича, турли жисмларни пайдо қилувчи тўртта асосий унсур — тупроқ, сув, олов, ҳаво киради.

² Бунга: ҳаво, ейиш ва ичиш, уйқу ва уйғоқлик, ҳаракат ва ҳаракатсизлик, бўшаниш, нафсоний кайфиятлар киради.

Унга далил жисм ҳалок бўлса магар,
Муқаррарки тўрт унсурга яна қайтар.
Рукилар гар бўлса бир хил табиатда,
Кўролмасдинг касал бирор тирик зотда.

ТАБИИИ НАРСАЛАРНИНГ ИККИНЧИСИ МИЗОЖЛАРНИ БИЛИШ ҲАҚИДА

Андин сўнгра келур сенга илми мизож,
Анинг ҳукми ёрдам берур, қилсанг илож.
Аммо мизож қувватлари тўртта ҳаргиз,
Ҳаким уни қушиб айтар ёки ёлгиз.
Алар иссиқ, совуқ, юмшоқ, қуруқ чунон
Ким ушласа — сезгисига бўлгай аён.
Мизож қувватлари руки замонларда¹,
Ўсар нарсаларда², барча маконларда³
Устуқусдир эгалловчи багоятда,
Оддий мизож бўлса агар ниҳоятда.
Иссиқлик-чи ўт, ҳавода мавжуд эрур,
Совуқ эрса тупроқ била сувда қолур.
Қуруқлик ўт била тупроқ мобайнида,
Ҳуллик эса — сув ҳам булатнинг қўйнида.
Бирикар бор, бирикмас бор вужуд узра
Бизга борлиқ ҳукм этган жавҳар ичра.
Бир табиат бўлмасликка турли бўлган,
Бир-бирига зид куринмай деб бириккан.
Мураккаб модда мизожин таъриф этсак,
Мизожидан бири ортиқ, бири камроқ.

¹ Замонга йилнинг тўрт фасли киради.

² Ўсар нарсаларга ҳамма жониворлар киради.

³ Макон — бунга ер юзидағи яшаш мумкин бўлган ҳамма жойлар киради.

У тұрт сиғатин үзіда жамлаб олған,
Шуининг учун у мұтадил булыб қолган.
Бирикишган бир миқдорда бу тұртта тур,
Бұлган қаби мисоли у үлчов — дастур.
Мұтадилликдан юзлана олған бироз,
Бир тарафға мойил бұлған ҳар бир мизож.
Асло улар құвватлардан холи бұлмас,
Лек құвватлар мизожларда тенглик қылмас.
Үндай мизожлар, ғолибо, шундай бұлур:
Е олов, тупроқлик, сувлик деб аталур.¹
Бу мизожнинг бир тури бор елга нисбат,²
Булар бари истилохда шундай албат.
Мизожларнинг тұққыз хилин қылдим аён,
Ижод била сұз қотмадим айлаб баён.

ФАСЛЛАР МИЗОЖИ БАӘНИДА

Мизожларнинг замон — вақттан айтай тайин,
Қимирлашға йўл йўқ жорий бұлған сайин.
Зўраяди қиши мавсуми ғоят балғам,
Қон қўзғалиб, баҳор пайти қўзир ҳардам.
Ез фаслида қилгай хуруж сафро чунон.
Куз фасли-чи, савдо учун қулай макон.

ҰСУВЧИ НАРСАЛАР ҚИСМЛАРИ БАӘНИ

Барча ұсувлар бұлур бир нечтадан
Маъдан, наботот, жонивор — тирик бадан.

¹ Бу ерда оловликдан иссиқ-қуруқликни, тупроқликдан совуқ-қуруқликни, сувликтан совуқ-хўлликни назарда тутаяпти.

² Ел-шамол деганда ҳавони назарда тутаяпти.

Қай чоғ ғолиб келгай алар жисминг аро
Дори бұлур, үстиргани бұлгай даво.
Татиб қуриш-ла билинур ундай мизож,
Доим агар мавжуд эса тұғри қиёс.
Аччиқ, шириң, шұртамғиз асли қуруқ,
Үткір маза иссиқ мизожликка уруғ.
Таъми агар тахир ё афт буриштириш
Совуқ, қуруқликтан дарап нордону турш.
Сувлик бұлиб, таъм бұлмаса айтгил дадил,
Ундай табиатли мизождир мұттадил.
Барча ёғлиқ ҳұл мизожу иссиқликтан,
Совуқлик — ҳұл мизож таъмсиз, чучукликтан.

ЕШГА ОИД МИЗОЖЛАР ҲАҚИДА

Ешга қараб бұлгай мизож турли-туман,
Гапдан мурод, шак-шубҳасыз, әрүр инсон.
Еш-яланглар иссиқ мизождир ҳарқачон.
Бу табиий ақвол әрурким бегумон.
Сезгир мизожи ҳұл бұлур, гар бола ёш,
Ингит мизожидир қуруқлиқта туташ.
Гар үлчасанғи ўрта ёш совуқсимвон
Қари мизож анга яқин, балки ёмон...
Ҳар иккисин мизожи ҳам бұлгай қуруқ,
Пишиб етилмасликка-чи кекса ёвуқ.

ЭРКАК ВА АЕЛЛАР МИЗОЖИ ҲАҚИДА

Иссиқ, қуруқлик, әр мизож билгил ани
Хұллик, совуқликка маскан хотин тани
Қайда семиз, дуч келса-чи, юмшоқ бадан,
Хұллик, совуқликтар анга айлар ватан.

Нозик бұлиб, гавда агар бұлса ориқ,
Ундей одам доим мизожидур қуруқ.
Гавда ичинда гар үлур кенг — кенг томир,
Иссиқ аломатлар анга асли замир.
Гар үлсаким акси аниң битганчалик,
Ундей одам мизожлари үткір совуқ.
Гавда мизожи гар тузилса мұтадил,
Танлар үзига үртача макон — манзил.

ТЕРИ РАНГИГА ҚАРАБ МИЗОЖИНИИ АНИҚЛАШ ҲАҚИДА

Далил бұлмас мизожларға рангу суврат,
Бунда макон ҳосияти бордир албат.
Иссиқ асаридан қора занжида тан,
Қораликни танга ҳатто кийим қылган.

Оқликни касб этмиш сақлаб одамлари,
Нозик бұлиб кетмиш унда ҳатто терн.
Маълум үлса агар сенга етти иқлим,
Барча мизож узра сенсан катта олим.
Тұртингидир мизожда мұтадил иқлим,
Үзи текис, ранг мизожға монанд — сұлим.
Бундай рангли, сариқ одам сафро мизож,
Ғубор рангли одам эса савдо мизож.
Балғам мизож филсүякдек оқ тан үлур,
Тапи қызиллар аслида күп қон үлур.
Қызилга оқ гар омухта бўлган замон,
Мизожларнинг миқдори ҳам ўрта — миён.

СОЧ РАНГЛАРИ ҲАҚИДА

Оқсоғ одам совуқ мизожликдур, қара,
Иссиқ мизож бұлса, сочи бўлгай қора.

Совуқлиги камнииг сочи малла-тарғил,
Иссиқлиги камнииг сочи бұлгай қизил.
Үрта мизож ранглик киши бұлса агар,
Қизғиши, малла ранг бұлиши чин муқаррар.

КҰЗ РАНГЛАРИ БАӘНИ

Агар күзда ранг бұлса тиниқ, яхмисол,
Тухум оқи каби жисми үта яққол.
Күзки, ери бүртгансимон чүнг мунаввар,
Соғу тиниқ, жойи баланд ёғду сочар.
Күз хуморила бұлса мовий омухта,
Бас, булур десанг уни шаҳло, албатта.
Күриш руҳи гар кам булур шаҳлосимон,
Гар күп бұлар, руҳи ёниб тургай ҳамон.

ХИЛТ-СОКЛАР ҲАҚИДА

Инсон жисмин тус, мизожи турли-туман,
Асли улар ҳар хил хилтлардан¹ яралган.
Улар балғам, сариқ үтдир, яъни сафро,
Яна қону қора үтдир, яъни савдо.
Балғамда йүқ маза асл табиатдан,
Мұльтадил бир совуқликка хос ҳолатдан.
Баъзан унинг турлари бор шиша мисол,
Бұлгай қуюқ, мизож совуқ, айлар үсол.
Бошқа турининг чамаси таъми ширин,
Доим ҳарорат ҳамроҳи ҳамда яқин.

¹ Ибн Сино Фикрича инсон баданида хилт бор: қон, балғам, сафро ва савдо. Бу хилтлар үртача аралашғанда киши соғлом юради. Агар улар үртача меъёрда аралашған булмаса, уларнинг ҳоли үзгариши билан касаллик іоз беради.

Бир хиллари бордир ани шүр аталур,
Гоҳ қуруқлиқ ҳароратга мойил булур.
Бошқа хили нордон маза, совуқ бұлар,
Гар бор чогида ошқозонни ҳам бузар.
Үт-сафролар турли-туман, ҳар ранг бұлур,
Бир хиллари тутунсимон таъриф олур.
Бир хиллари зангоридир, ҳеч бегумон,
Билсанг агар ушбу хили күпроқ ёмон.
Бошқа хили тухум саригига үшшар,
Қувватда у ёмонлик-ла эмас машхур.
Үт қопида бұлған қизил рангли тури,
Ҳароратдан нисбат олган сафро бари.
Қон пайдоси иши жигар била битар
Жигар томирлари ила танга үтар.
Қоннинг бир қисмини юрак ичға олур,
Қон үз қувватида иссиқ ва ҳұл булур.
Савдо турар масқан эрур, билгил, талоқ,
Бу зътиқод эмас тушунчадан йироқ,
Қон лойқаси бу табиий савдо эрур,
Бошқаси ғайри табиий савдо бұлур.
Кейингиси аввалгининг омухтаси,
Еки бошқа хилтларнингдур нақ сұхтаси.

ТАБИИЙ НАРСАЛЛАРНИНГ ТҮРТИНЧИСИ АЪЗОЛАР ҲАҚИДА

Асли жисм аъзолари-чи түрт бұлур,
Яна шаҳобчалар борким жоиз, зарур.
Ҳар биттаси үз бурчини этгай адo,
Ҳозир айлаб жисмнинг учун қувват ғизо.
Жисминнга қалб бергай ғизо — андии ҳаёт,
Қалб бұлмаса жасад мисли гиёх — набот.
Жондор жисмларга юрак унсур каби
Абхур била үтгай ҳароратлар дами.

Бош миячи, орқа мия бирлан асаб
Ҳароратин оширмасдан туарар асраб.
Иккисидан олгай бўғинлар ҳаракат,
Наслланишга қўш мояк — тайин олат.
Алар билан бола пайдо, нав сақланур,
Йўқса, алар, жондорда нав одоқланур.
Эту ёғу безлар экан турли-туман,
Жондорларга бўлғай қурол, сақлар омон.
Бадандаги парда, суюқ, бойлоқи бор,
Гавда учун суюнчиқдир ҳамда мадор.
Бўлсин учун тан барҳаёт, қомати бут,
Асл аъзо хизматлари эрур мавжуд.
Оёқ-қўлга тирноқ ёрдир бармоқ учун,
Соч-тук чиқинди ҳайдаш, зеб бермоқ учун.

ТАБИИ НАРСАЛАРНИНГ БЕШИНЧИСИ РУҲЛАР ҲАҚИДА

Руҳ бўлинур, аввал, табинийга ғоят,
У хуш, тоза, мусаффо буғдан иборат.
Қалб аро хуш, тоза нарса руҳ аталур,
У туфайли баданларда ҳаёт қолур.
Руҳ бўлинур тақсимчига мия узра,
Қўйилгандур руҳ у ерда парда ичра.
Бу тур мия қорни ичра етуқ бўлур,
Ҳис этиш ҳам, фикрлаш ҳам шундан эрур,
Ҳар бир руҳнинг қуввати бор ўзига хос,
Уни ҳеч қайси бошқаси хос этолмас.

ТАБИИ НАРСАЛАРНИНГ ОЛТИНЧИСИ ҚУВВАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАБИАТИ ҲАҚИДА

Табиатдан етти қувватдур ҳисобда,
Нав, шаклда улар турли ихтилофда.





Бири уруғ ўзгартырап бачадонда,
Хеч нарсага у үхшамас бу замонда.
Бошқа қувват берур уруқа барини:
Суврат, шакл, тан, ҳажм, аъзо миңдорини.
Бор жозиба, пиши туывчи қувват әрур,
Мумсик — тутар, ҳам чиқарар, бари зарур.
Бири танга лойиқ ғизо етиштирап,
Еганиларни аъзоларга ёпиштирап.
Икки хилдир икки қувват ҳаракати.
Икки қисм бұлур ҳайвоий қуввати.
Бунинг бири ҳаракатли томирларни
Езар, қисар, томир уриш амрларни —
Пайдо қилас, иккинчиси таъсиrlанур,
Таъсир этар ҳар нарсага ҳозирланур.
Севиши, ёмои күриш бұлур бир нарсанни,
Рұхан тушиш, бардам, тетиклик маскани.

НАФСОНИЙ ҚУВВАТЛАР

Тұққыз әрур нафсий қувват сөн-хисобда,
Аидин беши сезгиға хос ушбу бобда.
Күлөнгү күз, сүнгра бурун, сезги маза,
Комил бұлур ҳисслар агар тегиб сезса.
Ундан бири — мушакларга боғлиқ қувват,
Иигит бүғинлари шундан боҳаракат.
Алар ичра бордир, билсанг, шундай қувват,
Нарса эсда акс этади худди суврат.
Бошқа қувват бордир — андан ҳосил фикр,
Үзгаси-ла барпо бұлур хотир — зикр

ЗАРУРИЙ НАРСАЛАРНИНГ БИРИНЧИСИ МАКОН ВА ОБ-ҲАВО ҲАҚИДА

Қуёш ҳукми — таъсири бор ҳавода ҳам,
Зоҳир бұлур ҳам фаслда, самода ҳам.

Иқлимларга ҳам қуёшдан таъсир үтар,
Бу тұғрида үз жойида айтган етар,
Ұзгартырур об-ҳавони ҳар бир босқич,
Ҳар бир чиққан ҳамда ботган најм — ёритқич.
Шиҳобларга яқинлашар қуёш қачон
Ҳаво қизир, бұлгай иссиқ чун саратон.
Шиҳоб әса қайчоғ қуёшдантур узок,
Оз-моз ҳаво тапти босилгайдур шу чоқ.
Наңс күнлар бұлур әрса, гап сираси
Ҳукм айла күрсін ҳар ким үз чорасин.
Суъуд үлса унда бұлмайди ёмонлик,
Ҳаммасига ҳукм этурсан соғ-омонлик.
Қайси үлка жойлашгандир тоғ устина,
Об-ҳавоси булур ажыб салқингина.
Үлка агар тоғ қаърида, тосдай чуқур
Бұлса агар шак-шубхасиз, иссиқ бұлур.
Маскан агар тоғдан жануброқдир хиёл,
Эсмоқлиги матлуб әрур иссиқ шамол.
Акси булиб, тоғлар жойи бұлса жануб,
Салқын шамол эсгай, иссиқ елни қувиб.
Ғарбида тоғ бұлса ҳаво оғир, ёмон,
Гар шарқида әса — латиф, оромижон.

ДЕНГИЗ ВА ШАМОЛЛАРГА ҚАРАБ ҲАВОНИНГ ҰЗГАРИШИ ҲАҚИДА

Денгиз учун аксинчадир ундей ҳукм,
Ушбуларни айтур сенга аҳли илм.
Ұзгарилур шамол бирла мизожлар ҳам,
Чун кетма-кет келган бүрон, аёзлар ҳам,
Жанубий ел ҳароратли, рутубатли,
Гүё бұғар, нафас олиш уқубатли.
Совуқлик ҳам, қуруқлик ҳам шимол елдан,
Иұталға зұр келур ундан бундай элда.
Хуш келадур илиқ әсса сабо ҳар дам,
Дабур әсса унга доим совуқ ҳамдам.

СУВГА ЯҚИН БҮЛГАНИ САБАБЛИ ҲАВОНИНГ ҰЗГАРИШИ ҲАҚИДА

Кайси диёр ерларидир сувга сероб,
Атроф текис, тупроғи нам, бұлса захоб,
Күлмагида бұлса агар суви шириң,
Мизожида бұлгай рутубат яшириң.
Қоя бұлса яқинида суви тузлук,
Шундай ернинг ҳаволари бұлгай қуруқ.
Чор атрофинг, очиқ әрса гар масканынг,
Бор шамолу елга йұлы очиқ аниң.
Қиши чоғида ҳаддан ошар совуқлиғи,
Ез чоғида доим күпдир иссиқлиғи.
Маскан агар дақлиз әрүр, ҳам ер тұла,
Иш тут үшанды ҳукмнинг акси била.
Иссиқ кийимдир пахталик ҳамда ҳарир;
Ялтироқлар бирлан қаноб совуқ бұлур.
Момиқ, жун бұлса, ҳар ерда ҳарорат бор,
Қуруқлиққа бунда бироз зарурат бор.

ҲАВОНИНГ АТИР ВА ХУШБУЙ ҰСИМЛИКЛАРГА ҚАРАБ ҰЗГАРИШИ ҲАҚИДА

Хар бир хушбүй гиёх бўлсин ердан унар,
Биз айтамиз: осу толу ҳам нилуфар.
Мизожига ҳарорат-ла ҳукм чиқар.
Бу хушбўйлар беш хил тури кўп мўътабар,
Ўз рангида бўлган қизил гул гунафша,
Совуқлик-ла беради ис, айлар иншо.
Хушбўй модда, атрларда иссиқлик бор,
Бунга асло кирмас сандал била кофур.
Қора, яшил рангдан қўзга бор манфаат,
Шу ранглардан топгай басоратинг қусват.
Оқу сариқ ранглар ҳаддан ошса агар,
Бундан сенинг кўзларингга етгай зарар.

ЗАРУРИЙ НАРСАЛАРНИНГ ИККИНЧИСИ ЕИШ ВА ИЧИШ ХАҚИДА

Билгилки сен ҳукми ғизо ушбу булур:
Үсмоққа лойиқ нарсаларни үстирур.
Сингиб ҳам тарқалиб бўлса нарса адо,
Ул нарсанинг ўринин олгуси ғизо.
Гар тоза қонни ўзидан пайдо қилур,
Ундей ғизолар мақталур, нафли булур.
Буғдой унидан ёпилса гар оби ион,
Жўжа эти кўп мулојим, оромижон.
Қуқат есанг, яман кўкати хуш бўлур,
Истеъмоли бемор кишига мос келур,
Баъзи ғизо бўлгай ғализ, оқ ион шу ҳол,
Уч йил боқиб сўйгаи қўйнинг эти мисол.
Чарчаб — ҳориб келган кишига бор ғизо
Балиқ эрурки — разрозий ном эл аро.
Ғизодан бор яна латиф мисли пиёз,
Хардал, саримсоқдек ёқимсиз беқиёс.
Бундай ғизо туғдиради сафрони кўп,
Андин ясар табобатда давони кўп.
Ундей ғизодан баъзида савдо бўлур,
Баъзи жисмларда касал пайдо бўлур.
Қари така ҳамда қари молнинг эти,
Зиён эрур мисли кепак иони каби.
Бордир яна бир хил ғализ, ёқмас таом,
Дагал балиқ, сутдай пайдо қилур балғам.

СУВ ВА БОШҚА ИЧИМЛИКЛАР ХАҚИДА

Аммо ширин анҳор сувин ичсанг қачон,
Сақлаб қолур аслий рутубатни чунон.

Үндай сувлар чиқиндини ҳайдаб чиқар
Шу туфайли томирларга ғизо оқар.
Емғир сувн сувлар ичра зап тозадир,
Зарар унсур плишмаган күп сарадир.
Баъзи оқарсув табний, иш тут чунон
Бошқа нарса анга аралашгансимон.
Ичимликлар, масалан, май, сут, мусаллас,
Ғизо бергай тан — баданга ҳар бир нафас.
Е табиатига тани моил этар,
Ивтилган саканжабин каби тутар.

ЗАРУРИЙ НАРСАЛАРНИНГ УЧИНЧИСИ УЙҚУ ВА ҮИФОҚЛИК ҲАҚИДА

Тиним бериб, уйқу этса беҳаракат,
Қуввайи нафс, қуввайи ҳис топар роҳат.
Баданларинг қиздиради, бериб ором,
Уйқу, билсанг, сенинг учун ҳазми таом.
Кўпайтиранг гар уйқуни ҳаддан нари,
Хилтлар билан тўлур мия қоринлари.
Кўп ухлашлик йигар танда рутубатни,
Ўчиради ҳаёт берар ҳароратни.
Бедорлик ҳам маромида бўлса агар,
Таъбинг хушу ўзинг тетиксан муқаррар.
Куч-қувватни тиклаб берур ишлаш учун,
Чиқинидан аритади бадан ичин.
Кам ухласанг, уйқусизлик пайдо булур,
Ғашдир дилинг, иотинч ўзинг, бўлмас сурур.
Руҳинг тушар, таъбинг хира, кам уйқудан,
Сўлғин бўлиб раңгинг бузуқ, озгай бадан,
Кўз киртаяр, ҳазминг бузар оз ухласанг,
Фикр ишламас, жисминг нуар, бошинг гаранг.

ЗАРУРИЙ НАРСАЛАРНИНГ ТҮРТИНЧИСИ ЖИСМОНИЙ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ВА ҚИЛМАСЛИК ҲАҚИДА

Билсанг риёзат турлари неча-неча
Шарофатли бўлур агар у уртача.
Тўғри ва мўътадил бўлиб, ўсгай бадан,
Кир-чир ила чиқиндидан қутулар тан.
Хозир этур жисмингни у физо учун,
Гўдакларни йўллар нашъу намо учун.
Ортса риёзат ҳаддидан хориш бўлур,
Руҳинг тушиб, тинканг қуриб, ҳар иш бўлур.
Ҳаддин ошса ёнгай ҳарорат ёт, ғариф¹
Намлик кетиб, жисминг қолур қўп сарғариб,
Асабларинг заиф этур оғриқ чу зур,
Ёш яшамай, ош ошамай танинг қарир.
Риёзатсиз ётишдан қўп топма роҳат,
Бу роҳатдан тополмассан ҳеч манфаат.
Жимжит ётсанг ифлос хилт-ла тўлур бадан,
Физога ҳеч ҳозирланмас бирор маскан.

ЗАРУРИЙ НАРСАЛАРНИНГ БЕШИНЧИСИ БЎШАНИШ ВА БЎШАНМАСЛИК ҲАҚИДА

Ортиқлик гар тан — жисмда бўлса қачон,
Ҳатто мия хилтдан бўшаш истар аҳён.
Томирдан қон олмоқ фойда баҳор чоги,
Дори-дармон ишлатсанг ҳам, қилсанг сурги.
Қайт қилишга ёз фаслида ўзни шайла,
Савдо ҳайдаш зарур эса кузни пойла.

¹ Бу ерда ортиқча бадантарбия қилиш билан бадандаги «таниши» бўлмаган бегона исиклик пайдо бўлиб, нишини бетоб қилиши мумкин дейилмоқчи.

Гаргара қил, тишингни юв, мисвок ишлат
Оғиз, таңглай тоза бұлур қолмас иллат.
Заҳар таңғиб келса бұшат, әринмагил,
Тез ҳайда ҳайз қонин фасод қилмай ҳосил.
Ич тұхташдан халос әтолсанг, мисоли —
Қуланж каби ёмон дарддан бұлғунг холи.
Кир-чиркининг даф этишга ҳаммомга бор,
Зудлик билан қүшдай бұлғил ҳам бегубор,
Тозаламоқ бұлсанг теринг кирдан тамом,
Баданингни пок этмоққа керак ҳаммом.
Жимони-чи, ёшлар бажо этсин, майли,
Ҳоли бұлсин бадан дарддан шу туфайли.
Ұзи озғин, үрта ёшли, тани нимжон
Бұлғанларни қайтар ундан, жимо-зиён.
Физодан сұнг гар жазм этса жимога ким,
Ниқрис каби күп дардларга бұлур маҳкум.
Жимо күпи заиф айлаб, толиқтирар,
Жисемга күп дарду алам йұлиқтирар.

ЗАРУРИИ НАРСАЛАРНИНГ ОЛТИНЧИСИ НАФСОНИЙ КАИФИЯТЛАР ХАҚИДА

Ғазабланиш құзғатади ҳароратни,
Зарар этиб, олур тандан ҳаловатни,
Құрқиши совуқликни құзғар, үйнаб юрак,
Ҳаддан ошса баъзан одам бұлгай ҳалок.
Шоду ҳуррам кечса ҳаёт яйрап бадан,
Эт семириб, андин етгай зарап баъзан.
Озғинларни үлдиради қайғу бешак,
Ким озмоқчи бұлса унга қайғу керак.

СОВУҚ КАСАЛЛИК САБАБЛАРИ ХАҚИДА

Совуқликни пайдо қылган нарса таңда
Баъзан бузар тартиботни бор бәданда.

Наша киргай совуқликка ҳароратдан,
Көр аслида совуқ әрур табиатдан.
Очлик әса рүх ғизосин айлар адөг,
Тан гүёки ёғи тугаб қолган чироғ.
Ортиқ тутиш қамрар ҳароратни чунон,
Иссиқ кетиб, совур баданлар күп ёмон.
Ҳаракат күп оғир бұлса рүх бушашур,
Совур жасад, дармөн кетиб, дардинг ошур.
Роҳат ичра яшар кимки юрса салқии,
Бурқсираб үчган мисоли лаҳча ўтин.
Қалин бұлса баданда гар кийим — кечак,
Еор оловни үчиради бүғиб бешак.
Бадан совур бұлса агарда у ковак,
Еор ҳарорат тарқалади мисли ғовак.¹

РУТУБАТЛИ КАСАЛЛИКЛАР САБАБЛАРИ ҲАҚИДА

Рутубатнинг сабаби бор, улар беш тур,
Китобларда ёзилган ҳам, ҳисоблидур.
Иссиқ, чучук сувда асл рутубат бор,
Қуйиб ювинилиб топған у эътибор.
Кучда рутубатли булур сут, ҳұл пишлоқ,
Есанг агар ширин сувда үсган балиқ.
Тан роҳати, түқлик әса беҳад чунон
Этда рутубат бүгилиб ҳоллар ёмон.

ҚУРУҚЛИК КАСАЛЛИКЛАРИ САБАБЛАРИ

Қуруқликни пайдо этар бешта сабаб,
Сезилувчи ҳамда маъқулликка қараб.

¹ Баданда ғовак бор бұлса, худди тешикдан ҳарорат чиқиб кетгандек бұлади.

Феъли қуруқ шимол шамоли сингари,
Кучда эса хардал егач бўлган каби.
Оч юриш ҳам то рутубат кетган қадар,
Бари қийин ҳаракатлар қилур асар.
Қуруқлик баъзан эриб хилт тарқалишдан,
Бушалиб, гоҳ ич суриш ҳамда толишдан.

ОДАМ АЪЗОЛАРИ КАСАЛЛИГИ САБАБЛАРИ ҲАҚИДА

Аъзо, бўғин катта бўлмоғига сабаб
Бўлгай шакл берур қувват, ғизо талаб.
Кичикларга сабаб анча қарши бўлур,
Катта бўлмоғининг асли терси бўлур.
Аъзоларнинг тус — шаклини бузар сабаб
Пайдо бўлар бу орада ҳолга қараб.
Ё бачадон ёмонлиги сабаб анга,
Ё шаклини қабул этмас модда танга.
Ёки тўғри чиқмас бола туғилганда,
Эгри-буғри бўлиб чиқар шакли шунда.
Йургаклашда, кутаришда ёки ҳатто
Эмиш, қўйиш ё белашда бўлар хато.
Ё энага боққанда кўп бергай ғизо,
Тўғри этмас бола эмизишни адо.
Заифликдан толар ҳолдан, бола қулар,
Охир синар қубба суюк гар йиқилар.
Ё пачақлар бурнин шунда, бўлар пучуқ,
Қайтаролмас аслига тиб, этмас тузук.
Синган суюк битмай туриб тортган мисол,
Бесабрлар қимирлатар, бузар дарҳол.
Хилт кўплиги тусни бузар маҳовсимон.
Эски силдек камлиги ҳам унга зиён.
Ё бир асаб бушашгандан, юз фалаждан,
Бўйин эгар тортишиш ҳам ушбу важдан.

Шишу яра излари ҳам айлаб асар
Аста-секин тан шаклини шундай бузар.
Тунда пайдо бұладиган баъзи бирор
Холатидан ҳосил бұлар белгилар бор.
Баъзилари билинади күриш билан,
Сариқ касал ранги каби ё шиш билан.
Баъзилари қулоқ билан сезилади,
Чун истисқо каби қорин бузилади.
Хидлаб күриб биладилар баъзан яққол,
Худди бадхид, сассиқ яра — чақа мисол.
Баъзисини идрок этиб дархол сезар,
Оғзида-чи, нордон каби бұлгай маза.
Баъзин эса ушлаб күриб билгунг чунон,
Бұртиб чиққан ұшал берчдай шиш, саратон.

ЮРАК ИШЛАРИ ҲАҚИДА

Бир хил уриш, мароми бир бұлса юрак,
Соҳиб юрак соғломлигидандир дарак.
Томир уриш маромидан чиқса агар,
Дарду алам борлигидан бергай хабар.
Томир уриш аслига гар бұлса хилоф,
Дарду алам күплигига қил эътироф.

ТОМИР УРИШНИНГ ТУРЛАРИ, БИРИНЧИСИ КЕНГАЙИШ МИҚДОРИ ҲАҚИДА

Томир уриш турлари-чи, ун хил булур,
Ани фақат тийрак киши ёддан билур.
Бирламчиси кенгайғанда ҳосил булур,
Еки үта ортиқ ё муyttадил булур.

Миқдоричи қувватига далил әрур,
Гар каттасин уч хил тарафи кўринур¹.
Зиддин анинг кичик деюрким қувватда,
Бўлур узун, катта томир ўз навбатда.
Томирларнинг кенгаюри, тораюри,
Бўлур унниг ҳам юқори, ҳам паст тури.

ТОМИР УРИШДА ҲАРАКАТ ВАҚТИ ҲАҚИДА

Томир уриш ҳаракати турли-туман,
Ҳар бирининг үзига хос бордир замон.
Юрак тез-тез ва асабий урса агар
Етган бўлур қувват, ҳароратдан асар.
Кам-кам бўлиб, сийрак-сийрак зарб ургани —
Совуқлиги ортиб, мадорсиз тургани.

ТОМИР УРИШИДАГИ ҲАРАКАТСИЗЛИК ВАҚТИ ҲАҚИДА

Беҳаракат томир уриш шундай әрур,
Неча хилу ҳамда навларга бўлинур.
Доим эсанг тинч — оройиш сукунатдан
Нишонадур заиф қувват, ҳароратдан.
Гар бўлинса томирларда тинчлик ул он,
Бушашгаандан, совуқ мизожликдан нишон.

ТОМИР УРИШИДАГИ ҚУВВАТЛАР МИҚДОРИ ҲАҚИДА

Томир уриш кучли бўлур, сезади тан,
Қувват миқдори жиҳатдан икки хилдан.

¹ Бу ерда урадиган томирларнинг уч хил тарафи — узуунлик, кенглик ва чуқурлигининг ёйилиши ҳақида гап бораяпти.

Акси аниңг заиф әрүр бұлса юриш,
Бармоққа күпда сезилмас нозик уриш.

ХАРАКАТЛИ ТОМИР ЖИСМИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА КАИФИЯТИ ХАҚИДА

Ушланилгач, томир уриш қаттиқ, яққол,
Қуруқ мизожликдан дарак бұлур дархол.
Хұл мизождир иккиси жинси ичра
Мулойим ҳам берутубат бұлмас сира.
Қон томирин иккисин ҳам кайфияти,
Мизож учун баровардан далолати.
Жисми совуқ томир совуқликдан нишон.
Иссиқ томир зиддан хабарчи ул замон.

ТЕР ОРҚАЛИ ДАРДНИ БИЛИШ ХАҚИДА

Эсингда тут, ушбу әрүр дард белгиси:
Рутубатли касалда күп тер бұлгуси.
Гоҳо-гоҳо чиқса-чи, тер бундай әмас,
Бу тер киши табиати кучи, холос.
Терлаш кишида гар бұлур ҳаддан нари,
Қувватда у ожиз бұлур борган сари.
Тинка қуриш, чарчоқ табиатдан бу тер,
Үндай табиатнинг үлемидан хабар.
Касал булиб сз терласа күчсиз чаидон
Бадандаги тешикда у түсилгандан.
Хилти қуюқ, терни чиқармоққа ожиз,
Тер етилмас, мулойим таъб далил ҳаргиз.

ТЕРНИНГ КАИФИЯТИ ХАҚИДА

Оқарған тер чиқса агар таидан қат-қат,
Бадандаги балғамдан бу чин далолат.
Сариқ чиқса билгил, дарднинг сафроси бор.

Мабодо тер қора, демак, савдоси бор.
Қизил булиб күринса тер касал қондан.
Шунга үхшаш далолатлар келур таъмдан.
Суюқ тер хилт ичра бүлмиш латофатдан,
Қуюқ тер эрса аксинча далолатдан.
Терласа гар бутуи аъзо тан учун соз,
Ёлгиз аъзо терласа, бу ёмон мараз.
Чиқса тер вақтида касал огоҳ бўлур,
Шу тер билан шифо унга ҳамроҳ бўлур.
Бу тер яхши, мақтовларга сазовордир,
Акси ўлса, бехайр ўлур, дилозордир.

ҚОН ҒАЛАБАСИ АЛОМАТЛАРИ

Фолиб келар хилтлар аро чун қон агар,
Уйқу ҳамда бош оғриғи ҳаддан ошар.
Томир йўғон, қизғиши бўлур аксар вақти,
Четга чиқур билсанг тафаккур қуввати.
Оғир сезур бош ўзини, сезги занғ,
Ланжлик бўлур, ҳаддан нари тапти ошиб.
Курак суяқ вазмин эрур, кўп эсноғи,
Аксарият оғирлашур қўл-оғи,
Кериш келар, қон ҳам оқар бурун аро,
Бирозгина бушашади ич ҳам ҳатто.
Маишатда истар доим шод-фаровон
Бир хил ҳаёт тушда кўтар ҳар хил алвон.
Қичир доим, тинчимас қон олган ери,
Кўз қизарар бундай дардда ҳаддан нари.
Танда чипқон ҳам тошмалар бўлак-бўлак,
Уйқусида егай доим ширин емак.
Гар емаган бўлса ҳамки тотли нарса,
Доим оғизда сезилур ширин маза.
Ё йигитлик аввалида ёки баҳор
Фаслида бу юз беради, қолар ночор.
Бари далил қон мизождан очиқ-ойдин
Кўргунг амалийни бошлишимдан олдин.

САФРО ВА САВДО ҲАҚИДА

Сафро агар қелса ғолиб бадан ичра,
Күзинг күрар сарғайишни тери узра,
Оғиз агар аччиқ, какра туолганды,
Иштаҳалар таомга ҳам бұлур қанда.
Ошқозони ачишади, құсар сафро,
Шу боисдан ич кетиши бұлур пайдо.
Үйқу қочиб, күз киртайиб, ҳоли ёмон,
Оғиз қуриқшаб, тил қурур, ранғы сомон.
Пешоб сариглик тус олур, кетгай хуши,
Құпчир тери шундай пайт оғтай эси.
Емак емас, лек ташнадур, ғамгин, үсол,
Туш күрса ҳам үтлар аро ёнган мисол.
Томир уриш ҳам суст бұлур, эт ҳам қизур,
Иссиқ қилиб сувда чұмилмак күп кечур.
Жануб ўлка, йигитликда келиб мудом,
Машаққатлар гар кетма-кет этса давом,
Езда эса лаззатли зұр, шириң емак
Сафрода зұр келишинни билиш керак.

САВДО БЕЛГИЛАРИ ҒАЛАБАСИ ҲАҚИДА

Савдо агар голиб келур жисминг аро,
Тус үзгаришга шу сабаб ҳамдир хира.
Фикр ишлагай, иштаҳалар ғизога зұр,
Оғизда таъм ғолибо нордон сезилур.
Ланж табиат, баджаҳл, қылар шовқин-сурон,
Томир уришда күш бұлур сүстлик чунон.
Қабзият ҳам, танда қора доғлар пайдо,
Бетоқатлик, уйқусизлик доймо.
Пешоб суюқ, оқиши бұлур шундай маҳал,
Ахлати ҳам етилмаган, бир дард, касал,
Қуруқ овқат, ҳар хил ташвиш бунга макон,
Сабру қарор қолмай, қайғу бұлса ахён

Бундай касал уйқусида даҳшатли туш
Күргай, ҳалокатда бўлур, қўрқар, нохуш.
Ўрта ёш ҳам куз фасли ҳам, ўлка шимол,
Бўлса яна ориқлик ҳам шунга мисол.

БАЛҒАМ ҒАЛАБА ҚИЛГАНЛИГИ НИШОНАЛАРИ

Балғам агар ғолиб келса хилтлар узра,
Бош оғригай, уйқу келур, тинмас сира.
Ҳаддан ошар ялқовлиги, беҳафсала,
Беиштаҳа доим узи, гавда тұла.
Танбал бўлур юрмакка ҳам, фикри саёз,
Телба мисол, кўп шалшайр, довдир мижоз.
Оққай сұлак, салқир юзи, кўпчир хунук,
Рангда оқишилик юз берур афти совуқ.
Томир уриш бўлгай дағал ҳам суст бўлур,
Пешоб қуюқ, етилмаган бир тус олур.
Бундай кишилар чанқамас, куйса юрак,
Балғам шўри, сасиш бори дардан дарак.
Совуқ мизож ҳам ҳўл ғизо тинмай есанг,
Қартайган чоғ ё қиши кези бефарқ билсанг.
Риёзат этмаса ҳам тушмаса ҳаммом,
Билиб-билмай тановул этса кўп таом.
Мамлакат нам, серанҳору серсув эрур,
Тушда агар дарёю кўл, денгиз кўур.
Босинқирашдан зорланур уйқу кези,
Қуввайи ҳазм тузатолмас кайлусини,
Кўрсанг агар лозим бўлган аломатлар,
Касалликда бўладиган заруратлар.
Соғлом кишига ёпишган ҳолни кўрсанг,
Аларнинг дафъига шошгил, айла чоранг.

КАСАЛЛИКНИ БИЛДИРУВЧИ БЕЛГИЛАР ҲАҚИДА

Үлим хавфи баъзи дарддан белги — нишон,
Баъзи белги соғлиқ билан шодлик замон.
Таърифлаймиз белгиларни сифатила,
Бу далиллар билишга бир муқаддима.
Касал одам ҳалокини англар қарийб,
Ўзни тияр даволашдан шунда табиб.
Бўлиб касал соғайиши унга равшан,
Айта олур очиқ анга, этар хурсанд.
Белгиларнинг аввали шу: вақтлардир,
Вақт ичинди бўлар турли оғатлардур.
Билмак керак дард бўлишин оғир-енгил,
Қисқа-узоқ муддат ичра узил-кесил.
Дард касоди пайдо бўлганликка қараб,
Табиб вақтни белгилайдир ҳолни сўраб.

КАСАЛЛИК ДАВРИНИ БИЛИШ ҲАҚИДА

Ҳар касаллик даври бўлур турли-туман,
Мавту ҳаётлар юз берур шундай замон.
Дард бошланиш, авжга чиқиш, тугаш пайти
Келиб, улур ё соғаир хавфи қайтиб.
Тўртиламчи: дард пасайиш вақти дерлар,
Бунда улмас хато даво бўлмаса гар.
Дард бошида аъзоларга теккай зарар,
Занфлиги бошқа феълдан юз берар.
Ахлат, тупук, пешобдаги чўкма тамом,
То етилув кўрингунча этгай давом.
Улар таъсирида бўлгай иситма ҳам,
Навбат ила келур, дардга бўлиб ҳамдам.
Бу ҳолдан сунг тугаш даври бошланур бил,
Етилишинг тўла кўрсанг гар муттасил.
Бунда дарднинг тутиш даври кўп бўлмагай,

Юз бериши кам-кам бўлур ва пайдар-пай.
Дард камайиш томон юрар ушбу замон,
Софайиш юз бериб ,тугар касод — буҳрон.
Гар кўринса касалларда бу аломат,
Дилин шод эт, қолғусидир у саломат,
Зеро бундоқ бир паллада ўлим бўлмас,
Даво янглиш бўлмас экан, касал ўлмас.
Е бир сфат юз берсаю келса вабо,
Ўлим бўлур, тишдан елса зарап ҳаво.
Касалликнинг чегарасин билсанг қайдা,
Енгил ғизо берсанг унда келур фойда.
Дард ариса ғизони сен ўртacha қил,
Бахту иқбол келишини муқаррар бил.
Охирги давр касалликда кечса албат,
Енгил ғизо бермоқни ҳам таққа тўхтат.

КАСАЛЛИКНИНГ УЗУН-ҚИСҚАЛИГИ ҲАҚИДА

Ҳар бир касал маълум муддат талаб қилар,
Бир хили қисқаю аммо ўткир бўлар.
Балки касал вафот этар, топмай нажот,
Е соғаяр дарди бўлиб хору касод.
Етилмоқ ҳам, дард вақти ҳам, шитоб бўлур,
Оғир бўлур, бемор ҳоли хароб бўлур,
Бу дарднинг бошланиш даври бўлур қисқа,
Уни билиб чорасига тадбир айла.
Ғизони мўл тановул этса гар бетоб,
Ҳазми оғир келиб, бўлур қуввати соб.
Бошланишда қуввати ҳам кетар тушиб,
Охирнга етмай қолурки бўшашиб.
Бўлсии ғизо миқдорида мезон таниқ,
Сафар аҳли овқатидек қатъни, аниқ.
Аломатлар аммо оғир келса агар,
Ҳам уларда зоҳир бўлса хавфу хатар,

Қувват кетиб, мадор агар битса ёмон,
Ақл-хушда күринса гар турфа шуқсон,
Күттармаса дардни касалнинг қуввати,
Демак, унинг яқин эрур ҳалокати.
Белгиларнинг ёмонлиги савдоийлик,
Бу аҳволни аён айлар бўлса билик.
Бир хил дард бор давом этар узоқ замон,
Бунга унча йўлиқмагай тезда инсон.
Қуритади тинкангни кўп, айлайди сил,
Қони кетиб, озиб улар, мисоли қил.
Бундай касал кўп вақт ўтиб топгай шифо,
Дард етилиб ҳам тарқалиб, бўлгай адо.
Англа ани енгил содир бўлишидан,
Бундай дарднинг таъби совуқ келишидан.
Ундайларнинг озайтирма таомини,
Иўқотади қувватини, оромини.
Бу икки хил бетоблик ичра бегумон
Узун-қисқа эмас, дард бор ўрта миён.
Бу хил дардманд кишиларга бергил ғизо,
Ўртача бер, мұттадили бўлгай раво.

БУҲРОН ҲАҚИДА

Танда ўзгаришлар бўлса, шитоб аён,
Бундай дардга дейилади дарди буҳрон.
Бу ўзгариш гар машаққат палласидир,
Дард ила нафс курашида бўлур зоҳир.
Оз вақт ичра бунда одам топар вафот,
Ё хавф кетиб, ўлим ариб, қайтар ҳаёт.
Бўлгай кураш ва олишув — чин можаро,
Одамдаги қувват билан иллат аро.
Ғолиб келиб қувват агар кетса буҳрон,
Шунда одам сиҳҳат топиб, қолгай омон.
Ё дард ундан ғолиб келса, топар вафот,
Шундай ҳаёт майдонини олур мамот.

БУХРОН — КАСОДНИНГ ХИЛМА-ХИЛ ТУРЛАРИ БАЁНИДА

Олти хилдир дардда бўлур ўзгаришлар,
Шу хилдадир енгилланиш, дард аришлар.
Оз вақт ичра киши жисми фориғ үлур,
Софайишга, дурустликка юз ўгирур.
Аввал бошдан кўринади касал шодон,
Бу хайрли аломатдур, яхши буҳрон.
Ўзгарса гар аксига ҳол тезу жадал,
Ҳалокатга олиб борур охир ажал.
Бу аснода табиб бўлур кўп ҳангуманг,
Ҳалокатли буҳрон уни айлайди танг.
Учинчи хил ўзгариш ҳам кўп суст бўлур,
Оқибатда касал ҳоли дуруст булур.
Бунда касод бўлса дардда булмас буҳрон,
Бемор оз-оз сиҳат топиб, қолгай омон.
Тўртламчидаги ўзгариш ҳам булмас шитоб,
Дарди ошиб, оро йўлда қолур бетоб.
Бундай пайтда қуриб борса силла — ёмон,
Дард зўраяр кетган сайин қувват, дармон.
Бешламчиси ўртачадир ўзгариши,
Ўлим сари етаклашдир унинг иши.
Олтинчиси, касал бўлса ўрта миён,
Вақти билан етаклар у ҳаёт томон.
Бу иккала буҳрон шундоқ мураккабдур.
Қачон курсанг бир-бирига зидлик қилур¹.
Дуруст буҳрон пайдо бўлур дард сўнгиди
Бемор танда қувват устун бўлур унда.

¹ Ибн Рушдининг шу байтларига берган изоҳига жараганда бешинчи ва олтинчи буҳроннинг ҳар бирни юқоридаги тўрт буҳроннинг иккитасидан, яъни яхшиисидан ва ёмонидан таркиб топган.

Акси анииг дард ариган замон келур,
Бундайларнинг буҳрони кўп бехайр бўлур.

БУҲРОН ҲАҚИДА БИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН НАРСАЛАР ҲАҚИДА

Буҳрон билан билмоқ лозим уч нарсани
Бу маънони англамоқлик бурчинг сани.
Огоҳ бергувчи белгилар, буҳрон кези,
Анга далил бўлгувчи бир дарднинг кузи.
Тугаса бир дард — аламнинг гар буҳрони,
Нима билан тугаши ҳам маълум ани.

БУҲРОН АЛОМАТИ ҲАҚИДА

Ҳар бир буҳрон келишини айтадиган —
Кучли белги бўлур, уни этдик баён.
Афт-ангори телбасимон, давдир мисол,
Ҳоли ёмон, қулоғида оғриқ, ўсол.
Кўзёш оқар, ҳеч тинмайин келгай малол,
Безовтадир, уйқуси кам, сармаст хиёл.
Дарди ошиб, кўзларидан уйқу учар,
Гоҳ бўйнига, гоҳ кўксига оғриқ кўчар.
Гоҳ-гоҳида чучиб тушар, кўз уйқуда,
Тез уйғонур қолган каби тўлқин-сувда.
Тишларини қайрайди у, ғажир-ғужир,
Дарди қузиб, ҳа деганда бурун қичир.
Баъзан қолар тамшангандча лабни суреб,
Лаб таноби қочар гоҳо, гоҳ гезариб.
Тез-тез нафас одат бўлур бу дард учун,
Нафаслар ҳам совуқ, аммо чуқур узун.
Томир тез-тез уриб, гоҳо қизир бадан,
Йутал тутар келиб худди ғарғарадан.

Доим юрак ўйноқ, гарчи оғир ётар,
Сапчиб туриб ўз-ўзича юриб кетар.
Огрир қизилұнгач, оғрир тамоқ, ҳаигом,
Күнгли айниб, маъюс, ғамгин боқар мудом.
Гоҳ-гоҳ қовурға ёнида санчик бұлур,
Оғриқ, алам үткірлашиб, аччиқ бұлур.
Қора талоқ ё ким жигардан нолигай,
Меъда узра оғриқ келганды пайдар-пай.
Қорин оғриб буйракка ҳам келади зұр,
Бетоб учун бу хил оғриқ оғир келур.
Зұрайса гар олатда оғриқ ул замон,
Зирқирайди орқа тешик ё бачадон.
Барча бұғинларга алам, оғриқ елур.
Баъзиси тишдан, баъзиси ичдан келур.
Яхши бухрон кези оғриқ аламлар зұр
Бұлса, билгил бу яхсидур, дард тузалур.
Шундай эт гар дард етилғаи бұлса аён,
Иұқса, хабар зидда этилғандур баён¹.

ҰЛИМДАН ДАРАК БЕРУВЧИ БЕЛГИЛАР ХАҚИДА

Нурин ёқтиришмас, сұнник қараашлари,
Юзни шартта бураг, оқар күз ёшлари,
Күзнинг қири тораяди, тортиб кичик,
Эсноқ йұғу дарча мисол оғиз очиқ.
Бұшашибди икки құлу икки оёқ,
Чалқапчаси ухлаб қолар чарчаган чөр.
Бундай касал түшагида ёта олмас,
Үйқусираб оёқ-құлин ёпа олмас.
Илашгандек гавдасига гүё иш-тук,
Гумонсирап, қилиқ қилар қизиқ-қизиқ.

¹ Яъни ёмон бухрон куни (кезида) ва етилиш бұлма-
гандан билиш керак бўлиб қолади.

Дард сүнгиди оғирлашур құлу оёқ,
Бир нарсага тикилади жуда узоқ.
Икки құли интилади ёстиқ сари,
Тишиларини гичирлатар ҳаддан нари.
Күзга нуқул күринади бир қора қул,
Уни бүғиб үлдирмоқчи бұлар буткул.
Дарди оғир қолаверса, бундоқ касал,
Чүкаверар яқин бұлиб қолгай ажал.
Аввалига жим ётиб, сүнг бұлса гапдон,
Вазмин ётган касал бұлса бесарамжон.
Күз-қулоқдан нолиса күп, сүнг, алқисса
Оғриғидан қувват кетиб гап демаса.
Дардни тортиб, азобини чекиб буткул,
Туш күрганда устига қор ёғса нуқул.
Хаяжонли, совуқ пафас олса бурун,
Бу аломат қалокатдан нишондир чин.
Үхлай олмай, мижжа қоқмай чиқса туни,
Ва уйқудан күз очмаса кундуз куни.
Оромини бериб бұлса ҳоли ёмон,
Аламига сабаб бұлса уйқу ҳамон.
Қандай бемор табиби тиб қонунидан
Ҳам тополмас бирор чора мазмунидан.

ҰЛИМДАН ДАРАК БЕРАДИГАН БАДАН ҲОЛАТИ ҲАҚИДА

Ұлик юзига үхшаса касал бети,
Суяғига чап ёпишса чакқак, эти.
Дард совуғи таъсиридан қулоқ шалпанг,
Киртайған күз ичға тушиб боқса аранг.
Кизаришлар, қорайишлар ҳаддан ошиб,
Күзлар туртиб чиқиб, лекин хиралашиб.
Ҳаракати камаяди, бақраяди,
Ҳар тарафға совуқ боқиб ағраяди.

Найзаланиб қиішшаяди бурун учи,
Тортышади асабланиб лаблар чети.
Құл оғи совуб борар мурда мисол,
Тилда яра ҳам дөғ-дуғлар тошар яққол.
Содир бұлса безовталик ҳам изтироб,
Ендирувчи иситмалар айлаб хароб.
Тирноқ туси қизил-яшил тортиб чиндан,
Танда яра тошса қора дөғлар билан.
Еттинчи кун аввал сарық касал келур,
Қовурғалар узра үша зохир бұлур.
Тана сатхида совуқлик бұлур тайин,
Бадан ичра ҳарорати гар яширин.
Шундай ақвол давом этса, олса шиддат,
Бошқарувчи аъзоларда¹ узоқ муддат.
Ҳарорати ортиб, икки ҳафта үтмай,
Құл, оғи, юзи шишса гар пайдар-пай,
Ҳалокати тезроқ бўлур, қолмас омон.
Икки ҳафтадан үтиши ҳам даргумон.
Ҳарорати тўхтар уни ё буҳронсиз,
Ё кучаяр жуфт кунларда у дармонсиз.
Улимданур дарак ахлат агар нуқул
Қора, яшил, сассиқ, ёғли бұлса, қизил.
Бұлса сувдек суюқ, оқу ҳам күпикли,
Бундайларнинг ҳаммаси ҳам ёмон белги.
Гар бўлмаган әрса бунга сабаб буҳрон,
Ҳар хил рангда кўринса у ақвол ёмон.
Заифликдан иштача йўқ бўлса агар,
Ҳамда унда тоза ўтдан белги чиқар.
Гарчи унда бўлса эски қон парчаси,
Сўнгра келса әт бўлакдан бир нечтаси,
Сафрдан сўнг қоили келса ичи агар,
Оғритмаса гар ачитиб келган сафар.

¹ Бунда муаллиф бош мия, юрак ва жигарни назар-да тутаяпти

Касалликдан ортиқлагай жисем — бадаи,
Қора келур ичи, силла қуриб обдон.
Истма ошиб, тоқати тоқ бұлиб чунон,
Ич тұхтаса, мия айнигандан нишон.
Хижолатпаз одам агар одат бұлмай,
Әмон бұлур ел чиқарса тута олмай.
Пешоб суюқ, қора ҳамда оз-моз булур,
Бундай киши касал бұлса, албат, үлур.
Яна бунга бұлса касал алаклаши,
Бұлур шунда мусибатнинг әнг каттаси.
Қора ҳамда сассиқ құсар, буруидан қон
Келса таңда мавжуд бузукликдан нишон.
Әмон белги агар йұталдур муттасил,
Ҳамда туфук ташлар касал бұлса гар сил,
Йұтал тутар ҳам қийналар, рангли туфук
Бұлса агар дард тузалмас, бұлмас тузук.
Терлаш агар хөсдір касал миясига,
Роҳат бермай етса дардининг поясига.

ҰЛИМ ЮЗ БЕРМАИДИГАН ВА СОҒЛОМ БҰЛИВ КЕТИШИДАН ДАРАҚ БЕРУВЧИ БЕЛГИЛАР ҲАҚИДА

Күринса гар соғ бақтидек юзу күзи,
Тузалиши аёи бұлгай, аниқ үзи.
Ҳарорати бұлса агарда үртача,
Ориқ бұлмай қовурғаю кемирчаги.
Еттинчи күп сариқ касал күринса гар,
Зеҳни соғлом бұлса, унга тушмас хатар.
Сезгида ҳам, ҳаракатда қувват бұлса,
Жисми жөнні енгилланиб нафас олса.
Ором, уйқу истар күпроқ бундай киши,
Кечалари ухлай олса, хұбдириши.
Ухламаса күндүзининг күп қисмида,
Үйқудан сұнг бұлса осуда жисмида.

Үйқу дардни аритади, сен яхши бил,
Алаклаш ҳам дард-алам айлар енгил.
Мия дарди ҳамда унга шерик аъзо —
Барисининг касалига шудир даво.
Алаклашдан тинса бир кун соғ-саломат,
Бундай касал шифо топиб кетар албат.
Чучкиришлар бўлса агар бундай кези,
Бу тузалиш белгисининг худди ўзи.
Бошу мия касалида қулоқ, бурун —
Аъзолардан қон оқаркан, шифо бутун.
Нафас олиш бўлса агар чин мұътадил,
Энг яхши бир жараёндир, хайрли бил.
Нафас олиш узилмаса бўлур дуруст,
Уҳ тортолмас дардига бетоб устма-уст.
Соғайишида томир уриш шитоб бўлмас,
Нафаси ҳам серҳарорат бўлмайди, бас.
Ҳазми дуруст, иштаҳа хўб, аҳвол ҳамон,
Ахлат қуюқ — суюқлиги урта-миён.
Ахлат туси ўртачадир, яъни сарғил,
Ёки қора бўлмас ёки яшил — заҳил,
Ёки буҳрон куни ахлат гар омухта,
Гижжа бирла чиқса, касал иши пухта.
Ўша ахлат туфайли у бўлмиш бетоб,
Бу ишдан сўнг дарду алам битди ҳисоб.
Карлик кетур агар шунда чиқса сафро,
Будир мия оғриғига тайин шифо.
Қора талоқ, савдонийликни даф этур,
Бавосирдан қон келиши хайрлидур.
«Сариқ сув»¹ сув куп келиши нораво,
Балғам унга аралашиб чиқса — шифо.

¹ Бу ерда Ибн Сино «Қонуни»да зикр қилинган «сариқ сув» касаллигини айтаяпти, бунда сариқ сув куп келар экан, балғам аралашиб чиқса, бу касал учун яхши бўлар экан.

Бордию күз оғриқ узра чиқса сафро,
Тез орада тузалишга будир гувоҳ.
Пешобини утружд — лимон рангда курсанг,
Үндаги оқ куйқумин чўкканда курсанг.
Касал кўрсанг тер чиқаркан гар мўътадил,
Бу қон иситмаси, буни дуруст деб бил,
Ангинага йўлиққан кез бош ташини
Куриб қолсанг, фойдалидир унда шинни.
Доим йўтал одамда гар икки маяк
Шишган бўлса, тузалишдан ўша дарак.
Ўпка шамоллаш чоғида шишса оёқ,
Сунгра бу шиш ўтса агар човга, чатоқ.
Бурун катакларида ё лабда яра
Иситмадан чиқса согломликдан дарак.
Тиришса гар ё тутқаноқ бўлса касал
Истма чиқса боз устига бўлур афзал¹.
Ҳиқичноқ устига акса урса бетоб,
Дард тузалур, бўлмас сўнгра ҳоли хароб.

II ҚИСМ АМАЛИЙ ҚИСМ ВА УНИНГ БЎЛИНИШИ

Сен эшитган бу сўзларга азм айладим,
Тибда назарий бир китоб назм айладим.
Хоҳиш бўлган амалийни ёза бошлай,
Ўша қисмларни шеърга тиза бошлай.
Бу китобнинг бош қисмида айтган эдим,
Зарур булган барча гапни битган эдим.
Икки хилдир амалий тиб қисми — йўли,
Унинг бирин бажо этур табиб қўли.

¹ Чунки бу ҳолда иситма касални тутқаноқ ва тиришиш даридан қутқарувчи бўлади.

Бошқа бири бажарилур дазо билан,
Холга күра тайинланган гизо билан.
Неки ўша тадбир ила чора этмиш,
Қабул айлаб, амал этмоқ лозим бир иш.
Булар бари икки хилга бўлиниади,
Биринчиси — соғлиқ сақлаш дейилади.
Иккеничиси — касалликнинг тузалиши,
Мана шулар табибларнинг ғоя, иши.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ — ГИГИЕНАНИНГ БЎЛИНИШИ ҲАҚИДА

Сенга айтсам сўзимизнинг росту чини:
Соғлом одам доим сақлар сиҳатини.
Тула соғлом эмас зотлар бунга киур,
Амалий иш пайтда иккига бўлинур.
Баъзи одам заифлиги баданига
Тааллуқли, барча вақтда бирданига.
Мисолики, бирор дардан янги турган,
Ё чол, гўдак, заифлик танга teng юрган.
Одам бўлур тан узра бир белги билан,
Андан аён касалланиш хавфида тан.
Ё бўлмаса эту суюк ёки тери
Узра сезарсан бир мараз нардан-бери.
Чун бир кишини кўрасан меъда заиф,
Табъи совуқ ҳам нозигу шундан майиб,
Баъзан она қорнидаю офат келур,
Бирор ортиқ ё шиш каби кулфат келур.
Баъзан бўлур ёшга қараб нуқсони ҳам,
Бир вақт бўлиб, бўлмайди бир замони ҳам,
Чун ҳўл мизож ёшлиқ чоғи бўлгай заиф,
Улгайгандан бақувватдир, хушдир, зариф.
Заифлашур қуруқ мизож куз фаслида,
Фасли баҳор заиф эмасдир аслида.

ЕЗ ФАСЛИНИНГ ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Соғлиқ сақлаш ишида бу амалий тиб
Икки амалдан топмишdir шундоқ таркиб.
Гар истасанг мизожининг чин қолмоғини
Ўз ҳолида, мос эт ғизоси чофини.
Гар истасанг ўзгартирмоқ табъи бадан
Чора ахтар мизожингга тескаридан¹.
Соф кишининг соғ-саломат, вақтини чоф
Лайламоқни истасанг гар, англа мутлоқ.
Маскан ўлсин анга доим шундоқ диёр,
Бир диёрким, ҳаволари соғ, бегубор.
Маскан десанг, юзинг бургил саҳро томон,
Шарқий шамол англа латифдир бегумон.
Ёз чогида тог томонда, яъни шимол
Тевараги очиқ бўлган ўлкада қол.
Тунда ўтири баланд жойда, ғир-ғир сабо,
Кундузи туш пастлик томон, хубдир ҳаво.
Жун, пахталик усти-бошдан юзинг ўтири,
Кийим бўлсин енгил чун пояйи зитири.
Хушбуй гиёҳ ишлат совуқ мизожини
Ҳидли мэйдан танла қизилгул мойини.
Кўзларинги эҳтиёт қил чаиг-тубордан,
Ҳам тутундан, ҳам гидрдан, буғ — биҳордан.
Самум, қуёш шуъласи ҳам чўғ аланга,
Қарши келса зиён бўлур кўзгинангга.
Чаплашилган ажи-бужки хатга сира,
Боқа кўрма, майда хатдан кўзинг асра.

ЕИИЛАДИГАИ НАРСАЛАР ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Овқат емсқни одат эт сен бир маҳал,
Бўлмай десанг, лайлу наҳорда ҳеч касал.

¹ Совуқ мизож бўлса иссиқ мизож овқат бер, акси бўлса аксинча қил, демоқчи.

Энг күп емак икки бордир сонга мезон,
Икки кунда уч бор емак ўрта — мнён.
Ҳазм истасанг, шошмай егил, е майдалаб,
Муддатни чүз, чайнаб егил күп марталаб.
Оғир бұлса чайнамәқлик гар тиш била,
Андин оғир ҳазми анииг ютиш била.
Күнгил тусар ҳар нарсага жазм айласанг,
Лекин ани ҳазми оғир деб үйласанг.
Зидди била иш тут, бұлсии акси мизож;
Шояд ўша бадқазм ғизо топгай риөож.
Бир хил мизождан бұлмаган эрса ғизо,
Емон ғизо анга бұлур яхши даво.
Одат кишиға күч мисол терс бұлмагил,
Күнгил тусар бұлса емак ўгрилмагил.
Ҳар одатий аҳли андин топгай зарар,
Пайини қирқмогұлук анга матлуб бұлар.
Олдин суюқ, сұнгра қуюқ қыл ҳар қачон,
Таъми чучук бұлса анга құшгин нордон.
Қуруқликтен ҳұлликка құш, хуш қыл, тузат,
Совуқликтен иссиқликтә чатиб, безат.
Совуғини құшгил агар иссиқ мизож,
Хұл мизожга аксии құшсанг, топгай риөож.
Агар семиз эт ёқмаса, хуш күрмасанг,
Еғлиқ таом бадқазм үлиб, ҳол бұлса танг,
Туз, мурч, қалампир сеп анга, хушхұр қилур,
Юмшоқ бұлиб таом, таъбинг масрур қилур.

ТАОМ ЕИИШ ВАҚТЛАРИ ҲАҚИДА

Оеқат егил доим риёзатдан кейин,
Сендан чиқиб кетган најкосатдан кейин.
Емакка вақтни бемалол өзгеше керак,
Салқин шамол, тоза жойга боғлаш керак.
Бу иш учун совуқ кезни мұлжалға ол,
Доим шундай тадбир ила иш қила қол.

ЕЗДА ОВҚАТЛАНИШ ВАҚТИ ХАҚИДА

Ез ҳавоси оз емоқни күрүр лозим,
Танлаганинг бұлсин доим енгил ҳазм.
Ғализ әтдан үзингни тий, угир юзинг,
Гиёх, күкат, сутлар бұлсин ошу тузинг.
Яңги балиқ билан етилган құзичоқ,
Майли, таом үлсин гоҳи әркак улоқ.
Товуқ, жүжа, каклик эти ҳам қирғовул,
Таом үлсин, шуни доим қыл тановул.

ИЧИМЛИКЛАР ХАҚИДА

Бұлмай десанг гар хом семиз, күпроқ ҳаёт,
Сен учга бұл қорнинг ичин, келур најжот.
Учдан бир жой нафас учун зарур ҳар он,
Учдан бир овқатта, боқий сувга макон.
Ташналика оз совуқ сув бұлгай даво,
Турган, илиқ сув күп ичмак бұлмас шифо.
Ичимликка музни күп ишлатган ёмон,
Чунки андин асабларинг топгай зиён.
Ичирмагил музли сувни чұлласа ҳам,
Бұлмаса гар семиз, серқон, миңтін одам.
Дастурхонда тұқин бұлса ҳам қанчалик,
Ичаверма, ҳирс қўйиб то бўкканчалик.
Сув ичмагил эсинг бұлса баъдаз таом,
Ташна бўлиб, чиққач, ҳатто тушиб ҳаммом.
Риёзатдан сұнг сув ичмак үзи кулфат,
Оғир ишдан сұнгра мисли бало — оғат.
Зарурат гар талаб этса, куйса андак,
Шундагина тановул эт сувни андак.
Қачон таом йўл олади ҳазм томон,
Аста-секин паст қоринга тушган замон.
Майли шунда ичкинг келса сув ва шароб,
Қонгунча ич, тўйгунча ич, бұлса сероб.

Шароб ичиб ташна бўлиб ёнсанг агар,
Сув кўп ичиб, чанқоқ кетиб, қонсанг агар,
Оғзинг қуруқшаб чанқофинг чандон эрур,
Билгил ўшандай ташналик ёлғон эрур.

МАИ ВА ШУНГА УХШАШ ИЧИМЛИКЛАР ҲАҚИДА

Кўп май ичиб жонингга кўп қасд қилмагил.
Озроқ мусаллас бирла кўп қаноат қил.
Одат қилиб ҳар кун ичиш — бир бедаё,
Гар оч қорин эса ичмак бўлмас раво.
Еган бўлсанг енгил, латиф хуш бир таом,
Еки аччиқ, ўткир бўлса, ичма тамом.
Доим ичиб, маст юришдан бўлгил йироқ.
Ичмакка кўп қасд айласанг, ойда бир боқ.
Манфаат бор май ичилса аҳён-аҳён,
Гар кўпайса анда зиён турли-туман.
Ким боши оғрирки майдан, қизир бадан,
Доим хумор тутиб турса кечу эртан,
Анга Райхоний ичирким майли, андак,
Сунгра анга нордон анор бўлсин газак.
Беҳи, бодринг есин, ишни кўп пухта қил,
Берганингда анга май сув омухта қил.
Майнин ичиб нолиса ким боду елдан,
Анга ичир майнинг узин, тоза хилдан.
Бундайларга кучли сариқ май фойдалик,
Шўртаъм газак ҳар чоқ анга бўлгай тузик.
Оппоқ тиниқ майлар дуруст ёз фаслида,
Хушдир ютум бўлгай латифроқ аслида.
Есанг бўлур кўнгил агар тортса овқат,
Омухта қил сувни анга, нордонни тот.

УИҚУ ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Кўп ухлама асло, нафсинг топар озор,
Сезгинг noctor бўлар кўпроқ бўлсанг бедор.

Овқат ҳазм бўлмаганда ухла узоқ,
Кекиригинг сассиқ келса ундан йироқ.
Кўп чўзилса оч қоринга агар уйқу,
Бошга урур аста-секин ахлат буғи.
Бир нарсага суюниб ёт егач таом,
Токи овқат ҳазм ерига тушсин тамом.

БАДАН ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Кучли риёзат қилмагил ҳамда мушкул,
Шуғулланмай ташлаб қўйма, ўртача қил.
Ёмон хилтлар йигинидан бўлса хатар,
Риёзат қил, бадан андан кўмак топар.
Пиёда юр ё кураш туш, шартни бажар,
То зўр келиб нафас тезлашгунига қадар,
Банд булмасин гавда агар бўлса озғин,
То бушашув ҳаддан ортиқ кетмас учун.
Қилдир риёзатни одам серёғ, этдор,
Боғла белбоғни белига гар қориндор.
Озайтиргил, кун тифида чарчатур иш,
Чунки терлаш бирла пайдо бўлгай хориш.
Жисм узра зарур бўлган барча билим,
Тадбирларинг айтиб ўтдим бўлим-бўлим.
Тандан бўшат ёки тўхтат чиқинди ё
Хоҳиш бўлган бошқа пени кўрсанг раво.

ИИЛ ФАСЛЛАРИДА ҚИЛИНАДИГАН БОШҚА ЧОРАЛЛАР ҲАҚИДА

Ез ҳақида айтганларим барисида
Гап бор тадбир кайфияти борасида.
Уларни сен ишлат иссиқ мизожлилар,
Ҳамда ёшлар, жануб ўлкалардан агар.
Қишида эса зиддини қил, чунки шунда
Дош келасан совуғига аёз кунда.
Баҳор фасли ҳамда айни куз ора сен,





મુખ્ય આધુનિક

(ગીતાર્થિત)

૧૯૬૦-૧૯૭૨

Қиши бирла ёз ўртасидек иш күрасан.
Баҳор чоғи қуруқ бұлсиян чора бутқул,
Қуруқликдан узоқроқ тут кузда, ҳұл қил,
Баҳор кезнинг оёғида, кузда ҳам бир
Ез мисоли бұлар бари чора-тадбир.
Чун баҳорнинг аввали ҳам тадбир учун,
Мисли кузнинг охиридур, үхашаш бутун.
Ҳам баҳор, куз иккисида қишидаги ҳол,
Қиздирувчи ғизо чора бұлур яққол.
Турғун бұлса кимки шундоқ чора йұлла,
Ким сафарда бұлса бошқа чора құлла.

САЕХАТЧИ, АЙНИҚСА ДЕНГИЗДА САЕХАТ ҚИЛУВЧИ КИШИНИНГ КУРАДИГАН ТАДБИРЛАРИ

Ҳар ким қуруқлик сайрини айлаб кезар,
Е вақт етиб денгиз аро бир күн сузар.
Гар мабодо қиши өтида қылса сафар,
Қаттиқ шамол бүрон бұлур, йұлдан қайтар.
Ким күп юргай денгиз аро сув ғамласин,
Сув идишининг дуб-дурустин хұп танласин.
Йұлга олсиян ҳұл ғизою хуш таъм таом,
Юмшатувчи ҳам мұлойимлардан тамом.
Бош айланишдан бұлса хавф тез сурғи қил,
Сұнг анга денгиз тушишга ҳам турткі қил.
Мева сувини ичир үнга нордон агар,
Қабз этувчи сувларни ҳам құш муқаррар.
Чүмилтирғил иссиқ сувда бундай одам,
Кийим тайёр бұлсиян, кирдан ҳоли бадан.
Сафар вақти ким битласа үзиге хос,
Ұлдиришга уларни ҳеч қодир әмас.
Юнгни ол-да, арқонча еш, шунда шайла,
Симоб мойи¹ бирла пишиш, арқон мойла.

¹ Бошқа нусхада ясмин мойи дейилган.

Битлар ўлиб, ҳам тўкилиб тушгунча то
Арқонни таққил битлаган либос аро.
Гар мусоғир қуруқликда этса сафар,
Унда совуқнинг иложин қил ҳар маҳал.

ҚУРУҚЛИКДА, АИНИҚСА, СОВУҚ
ПАЙТЛАРДА САЕҲАТ ҚИЛУВЧИННИНГ
КУРАДИГАН ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Мусоғирни эҳтиёт қил қор остидан,
Қутилади музлашдан у, қор дастидан.
Оёз пайти едир таом туйганича,
Очлигидан ўлим етиб қўйганича.
Совуқ ўтса ҳамъом тушир илит, эрит,
Тан яшиаган, иссиқ баданларга кирит.¹
Қор оқлиги кўзни қоплаб, ҳам ёшласа,
Бўлур устига қора рўмол ташласа.
Рўбарўга шунда қўйгил кўп қоралар.
Токи тикилсин анга кўп назоралар.
Қўл-оёғин совуқдан қилгин эҳтиёт,
Мойга булат² пайтавани, сўнгра ўрат.
Оёқларга махси кийилишдан бурун,
Пайтавани кўп ўратгил, қалин, узун.
Совуқ қотса, гар сезмаса оёқ оғриқ,
Билки ўша оёқни ургандир совуқ.
Махси, пайтавасин еч, дарҳол тортинмай.
Дарров уни исит ё ишқала тинмай,

¹ Бундай совуқ қотганлар бадани иссиқ, юмшоқ баданлар қўйнига кирса тани жонланади, демоқчи.

² Матнда қуст мойи, бошқа нусхада нефть мойи денилган. Бу ерда пайтава ва қўлқопдан совуқ ўтмаслиги учун мойлаш ҳақида гап бораяпти.

Хардал мойин олиб қизит, дарҳол суртгил,
Сүнгра уни боғлаб қўй, кўп эҳтиёт қил.
Оёқ кетса қорайиб, кўр тиг-ла тилиб,
Фасод бойлаб бузилса тозала билиб.
Гар сочилиб кетса у эт, ташла кесиб,
Ўлган этни айтмоқчиман, қолса сасиб.
Кўп чарчаган мусофири тузат мойлаб.
Бергил унга овқатини мулойимлаб.
Ҳаммом тушир, ишқала ҳам, уқала ҳам,
Андин сўнгра бир неча кун олдиргил дам.

ИССИҚ ВАҚТДА САФАР ҚИЛУВЧИНИНГ КУРАДИГАН ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Иссиқ кунда сафар қилса ҳар бир киши,
Ўйлаб қўйгил ҳам боришин, ҳам қайтишин.
Қўйма, қайтар, боди самум шамолига,
Истма тутиб, қолма тағин уволига.
Шунда унинг томиридан ол анча қон,
Шундай қилсанг қолур шишдан доим омон.
Одам қаттиқ сафро мизож, шудир даво,
Хавфсирасанг чўллашингдан чиқар сафро.
Пиширган мева сув ичир, сафро хатар,
Сафар пайти, ҳарорати бергай зарар.
Едир бироз совуқ мизож кукатлардан,
Ичир, қондир кукат суви — шарбатлардан.
Хотиржам қўй, тинч қўй, йўлдан келгун қадар.
Даргазаб этмасин бўлса имкон агар.
Сояда бўл, бошингни ёп, асра доим,
Оз гапиргил, оз бақиргил, бўл мулойим.

¹ Бу ерда пиширилган мева назарда тутилаяпти.
Бунда узум ғўраси, аччиқ анор каби совуқ мизожли
мевалар назарда тутилаяпти.

Ташла жанжал, тортишув ҳамда адоват,
Кўп узоқ вақт турма, гар қизғин ҳарорат.
Найзага келганда офтоб йўл юришда,
Ташна бўлсанг, кун тифида ҳам хоришка.
Кофордан ишланган бўлса дору мисол
Турмусдек бир кичик донни оғзингга сол.
Семиз ўтнинг суви бирла ғура узум
Шаробини сувга қўшиб ич уша зум.
Қўрқсанг қуннинг бетга ёмон таъсиридан,
Очиқ қўйсанг юзни шилар ҳар еридан.
Чорасига шам бирда мойни эрит,
Қўшиб ани аёлларнинг бетига сурт.

БОЛА ТАРБИЯСИ, АЙНИҚСА ОНА ҚОРНИДАГИ БОЛА ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Эҳтиёт қил бола қориндалик чоги,
Етмай офат, соғ бўлсинким сўлу соғи.
Асра оғироёқ аёл ошқозонин,
Бузилмасин иштаҳаси қийнаб жонин.
Токи бола тоза қондан эт-тан олур,
Она қони чиқинидан тозаланур.
Гўдак ейиш-ичишига боқса биров,
Танла ўзинг тарбият ёшини бирров.
Ҳаяжонга келса агар онада қон,
Қон олма, совуқлик-ла бостири ҳаяжон.
Ногаҳон хилт қўзғалурса қилма сурги,
Хилт юмшатур нарса бергил, бўлур туртки¹.

БОЛА ТУГИЛИШИ ВА ДАРД ТУТГАНДА ҚУРИЛАДИГАН ЧОРАЛАР ҲАҚИДА

Туғар вақти яқинлашса ҳомиладор
Аёлларга қумак бергил то имкон бор.

¹ Шундай қилмасанг, сурги билан боланинг ҳам тушиб кетиш хавфи тугилади, демоқчи.

Ҳаммом тушир, белларини аста сила,
Бола ётар жойларни құшиб уқала.
Токи асаблар юмшасин, сурт мой била,
Туғишиң вақты қийналмасин, құп ишқала.
Озиғи ҳам бұлсиян ёғли, хұп түйимли,
Шұрва ичир хушхұр шириң, сергүшт, мойли.
Бақиришу чучитишдан қыл әхтиёт,
Үнга сакраш, додлаш, уруш тамоман ёт.
Дард тутғанда туғишиң бұлса оғир,
Беда сувли ҳурмада қайнатмасин ичир.
Ҳамдам булиб аямасдан битта доя
Оёқларин чұзсан, йиғсан зийрак ая.
Бирдан доя усталик-ла тик турғазиб,
Қорнин сиқсан, ҳомиладор қоссан сезиб.
Гар түсатдан оқсаким күп ортиқча қон,
Қаҳрабо таблеткасан бер үша замон.
Қон юрмаса ё бир зарар дард туфайли,
Бир неча мурр — аччиқ дори ичир майли.
Бола тушиб, тушмаса парда-қағаноқ,
Очиб, әритар даво-ла буғла шу өз.
Чақалоққа танла әмизувчи жувон
Еш үтмаган, урта ёшли, бұлсан жонон.
Семиз этлик, бұшашмаган баданлари,
Үрта мизожга яқин, миқти танлари.
Серғавдалик, күкси катта, хушрүй үзи,
Бұлсан тоза тиши бирла икки күзи.
Бұлсан ҳоли ҳархил ички дард — аламдан,
Аъзо, бүғин, мучаллари соғлом, соғ тан.
Сути уннинг бұлмасин ё қуюқ-суюқ,
Үрта миён, ранг тоза, оқ, үзи тузук.
Маза шириң, хұшбүй бұлсан, тұқилса-чи,
Бұлмасин ҳеч елим мисол, сассиқ, аччиқ.
Ёғли, шириң таом бирла ғизолантир,
Сарёғ ҳамда янги балиқ әтини бер.

ГУДАК УЧУН КҮРИЛАДИГАН МАХСУС ЧОРА-ТАДБИР ҲАҚИДА

Буриштиар мой сур йүргаклашдан бурун,
То терида етуклик күрмассан бутун.
Чүмилтирсанг хилтдан тоза бүлур бола,
Йүргакласанг, боғичини секин боғла.
Күп эмизсанг ошқозони бузилгуси,
Оз эмизсанг иситма чиқиб қочар хуши.
Болага дүк қилма, ёмон бүлма, қүпол,
Үйқу қочар, құрқар, ахир бұлар баттол.
Юмшоқ бешик бұлсın үрни ухлаганда,
Қоронғулик тушиб турсин мисли тундай.
Бетоб бұлиб, бедор ётса, шунда уқи:
Күкнори құш таомига, келур үйқу.
Үйғоқ өтінің ёруғликтан айирмагил,
Юлдуз — само күрсін бола, шодланур дил.
Ранг-тусларни күрсат унга турли-туман,
Кундуз куни, әтмоқ эсаянг күзни равшан.
Гар истасанг, үргатмоққа сүзу қалом,
Эркалатиб овоз чиқар ҳар хил мүқом.
Асал булақ танглайига тез-тез ялат,
Әки тилига бол суриб, сұнг ишқалат.
Чучукмия ўт шираси, бироз ол бол.
Шу болға оз кундур құшиб оғзішга сол.
Бурни битишдан ҳоли юр, шундан томиз,
Бурнига шу таркиб зарур ҳам күп тамиз.
Сезгини тезлар чун бу иш бил ҳар қачон,
Овоз дуруст ҳамда майин, нафас разон.
Токи балогат ёшга у етган қадар,
Қон олмоғы сурғи қилишдан қил ҳазар.
Гар унда шиши ё тошмалар пайдо бүлур.
Нам тортқувчи дори бериш хато бүлур!.

¹ Бола табиати, мизожи рутубатли бўлгани учун онадаги шини ёки тошмаларни йўқотишга уринилса, унга зарар келтириш мумкин.

КАСАЛДАН ЯНГИ ТУРГАН КИШИ УЧУН КУРИЛАДИГАН ЧОРАЛАР ҲАҚИДА

Ким касалдан янги турса, суврат мисол,
Рангпару бардам сиёқу заиф, ўсол.
Күп лиқиллаб қолган асли улар жони,
Иўқотгандир баданлари бўлса қонни.
Тузук қара баданларини ўтқазиб,
Узоқ вақт ётиб қолиб кетса озиб,
Физосини кам-кам кўпайт, кўп кетмагил
Шошма-шошар иш тутмакка майл әтмагил.
Е қисқа вақт ичра дардан озса бадан,
Унда кўпайт физосини илгаридан.
Лекин буни кўп мулоийим, аста бажар,
Токи бадан кенгайишин сезган қадар.
Есин булар кўпроқ тутар кучли физо,
Тотли таом емоққачи оз-оз раво.
Доимо тут осойишта, айла хушиуд,
Заифлик бор аъзосида, қилма унут.
Ширин суҳбат қуриб доим дил шодон қил,
Майлинг бўлсин, дилкаш улфат-ла хандон қил.
Дардан турган кишиларга гулдаста тер,
Гул, сунбулдан, унга хушбўй атрдан бер.
Кўп ўйлашдан, машаққатдан қайтар нуқул,
Шод қўшиқлар, нағма, куйлар тинглаш маъқул.
Обзан билан ҳаммом тушир, топгай нажот,
Лек у ерда турмасин кўп, бўл эҳтиёт.
Гар илиқ сув топганингда унга ўтқаз,
Аъзоларига мой суртгил, дардан қутқаз.
Кўп ҳаракат әтдирма, қаттиқ ишқалаш
Ҳам чиқорур иситмани ҳатто уқалаш.

ҚАРИЛАРДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА

Қари бели кучи нурар, нимжон булур,
Аҳволида ҳар кун бирор нуқсон бўлур.

Күчли емиш бергил, бироқ кам-кам қилиб,
Ҳазми оғирликдан хотирни жам қилиб.
Сурги қылсанг сафрони ҳеч сурма асло,
Баданларга бұлгай ұша сафро даво.
Одатланган табиатни қымса канды,
Қон олдиргил, гар олдириш одат танда,
Вақти келиб кимки олтмиш ёшга чиқди,
Зуваласи бұлса пишиқ, гавда миқти.
Үндан қон ол икки марта бир йил бари,
Икки фасл — баҳор, күздан үтма нари.
Қифол томирдан қон олмоқдан тий үзинг,
Қайтар ундан, эътибор бер, очгил күзинг.
Етмиш ёшга етган эса йилида бир
Мартадан ортиқ оширмай қонин олдир.
Күрган эсанг бадан узра тұлғандай қон,
Ақхал томирдан қон олишdir қатағон.
Босолиқдан икки йилда икки бор қон
Олинсин гар етмишдан беш ошган замон.
Қон олишни тұхтат ушбу ёшдан кейин,
Әлтур бу иш Ыңқса ҳалокатга тайин.
Қайтармагил үтдаги бор шишлиарни ҳам,
Этма күчли шишии тортар ишларни ҳам.
Пок эт бадании ишқалаб ҳам терлатиб,
Суртгил мойни анга оқиста таратиб.
Қымса ҳужум танга дору дармон билан,
Тан тозала мулойим хуш таом билан.

ҮҚТИН-ҮҚТИН МАЗАСИ ҚОЧГАН КИШИНИНГ ЧОРАСИ ҲАҚИДА

Ким дардидан шикоятда үқтин-үқтин,
Даволагил дарднинг келишидан бурун.
Қайси дарднинг пайдосидан құрқылса гар,
Ұша дарднинг давосила ишни бажар.

Ким нолигай аъзолари заиф хомуш,
Худди ўшал аъзо давосига кирниш.
Дард даволаш қасдида бу айтган сўзим,
Қўллагил, қолдирмагил дарднинг изин.

БЕТОБЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАҚИДА

Гар жисмда кўрсанг дарднинг аломатин,
Дарҳол ўйла дарднинг қандай баромадин.
Чун касаллик бадан ичра махфий қаён,
Чорасин кўр то бўлмасидан намаён.
Хавфли бўлган барча дардни сўзлаб ўтдим.
Юз беришин далолатин кўзлаб ўтдим.
Мен айтган дард сабабларин даф эт, кузат,
Давосини ўз бобидан топиб тузат.

АМАЛИЙ ҚИСМНИНГ ИККИНЧИСИ КАСАЛЛАРГА ДОРИ ВА ОВҚАТ БЕРИБ ДАРДИНИ ТУЗАТИШ ҲАҚИДА

Соғлиқ сақлаш бўлимни назм айладим.
Тузатишга дардни эиди жазм айладим.
Бу амалий қисмлардан бир жинс бўлган,
Касалликка зид нарсалар қарши келган.
Ҳароратдан бўлса гар дард совуқлик тан,
Совуқликдан бўлса даво терси бирлан.
Ё рутубат булганда қуруқлик даво,
Ё қуруқлик бўлган эрса акси раво.
Тўлиб кетса хилтлар эт оҳиста фароғ
Турли аъзоларингни, ҳам мия-димоғ.

ДОРИЛАР ТАРКИБ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Дориларни берсанг, агар танҳо ичир,
То кўринсин дори-дармон бирла таъсир.

Сабаблар бор мен айтаман тартибини,
Шундан топиб ҳозирлагунг таркибини.
Дардлар мураккабли бўлур, қўшгили, тузат,
Тотли қилур қўшсанг анга ширин ғизо.
Берган чоги ўтмаса гар дори танга,
Ўтқазгувчи дори қўшиб бергил анга.
Ютим енгил бўлсин учун аччиқни қўш,
Юмшатишга ёрдам берар чучукни қўш.
Қўшмоқ эсанг бир нечасин бўлсин тартиб
Қондага мувофиқлаб айла таркиб.
Турли хилтни сурадиган сурги дори
Дармонлардан оз-оз қўшгили, бўлсин мадор.
Ҳисоб бирла билиб қўшгили дона-дона,
Аралаштири истагингча, эт миёна.
Сўнг ҳар ўлчам дориларни ютимга бўл,
Дори таркиб этиш йўли худди шу йул,
Ҳар ютимга қанча тўғри келса саноқ —
Шуни ичир ё асраб қўй, аҳволга боқ.

ОГРИҚНИ ТЎХТАДИГАН ДОРИЛАР ҲАҚИДА

Огриқ тўхтатур дорилар эрур доим,
Қизитувчан, очувчан, айлар мулойим.
Бор бир тури фойда берар увиштириб,
Берган каби дорига афюн қўшдириб.

ДОРИЛАР ИШЛАТИЛИШИ ҲАҚИДА

Дори мизожи қувватин таърифладим,
Энди даволаш йўлида этдим одим.
Даволашга ишлатилар нарсаки бор,
Ё ичдан у ёки сиртдан юборилар.
Гоҳ ўралур ё ичилур дона чунон,

Каф отилур ё ютилур толқонсимон.
Мойлаб ишқаб суртиб ювиб томизилур,
Таңга нина суқиб, ўрнига нил қуюр.¹
Күзга босур, маъжун қилиб суртар ҳаргиз,
Тозаланур, мисвок ила чайқар оғиз.
Малҳам қилиш, суркаш ёки кўзга суртиш,
Бурундан ё пешоб йўлидан киритиш.
Шундай бўлур қуруқ дори сурги каби,
Орқа тешикдан юборишдур матлаби.
Дори юбор ҳуқна қилиб боз орқадан,
Ичга тутун кирит, тузат этни баъзан.

ЁМОН АЪЗОНИ ДАВОЛАШ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ ҲАҚИДА

Бошу сочдан токи оёқ тирноққача,
Баён этдик дард шифосин шу чоққача.
Хоҳ жасаднинг барчасини қамраб олсин,
Ёки битта аъзога хос бўла қолсин.
Модомики касал дарддан ҳоли эрур,
Ҳайдашга сен уриммагил, у хилт зарур.
Аста-секин ўйла, кириш, топсин ривож,
Мизожининг терси бирла қилгил илож.
Бадан тўлиқ, миқтилиги бунга сабаб,
Билолмагай дард белгисин анга қараб.
Кўрсанг агар дори зарап қилганини,
Дард мизожи билгил тўғри келганини.
Дардни олиб келган сабаб борлик учун,
Зидди билан даволаш кўп фойда бутун.
Аъзо агар бўлса заиф, дардга далил,
Қулла ушлаб кўрганинг ҳам бўлар маъқул.
Боргани сари касал ҳоли бўлса ёмон,
Нажосати бир дардини айлар аён.

¹ Бу ерда гап уккол қилиш ҳақида бораяпти.

Гар чўкма йўқ пешобида, нечун нохуш,
Чиққан бўлса мұтадилдан томир уриш.
Танда бўлмас тўлаликка хос касаллик,
Ҳатто у дард жинсидан ҳоли шунчалик
Оғриқ агар бир жойга хос бўлур қаочон,
Ўша жойнинг дарди борлигидан нишон.
Аниқланур дарду алам ёшга қараб,
Тан мизожи, рангу рую тошга қараб.
Гоҳида дард қўзир фаслу, замонлардан,
Туар жойлар, шаҳар, ўлка маконлардан.
Айтиб ўтган барча тадбир ҳам чоралар,
Мизож ўзгартиришга у ёрдам бўлар.
Совуқ мизож бўлса киши табъи агар,
Кургай совуқ нарсалардан албат, зарар.
Барча иссиқ нарса унга нафлик қилар,
Ҳарким ани ушлаб кўтар, дарҳол билар,
Оқ ранг бўлур доим анинг пешоби ҳам,
Томир уриш кўп суст, қочар кўп тоби ҳам.
На ташнамас ундей киши, бедор эмас,
Гар ухламас безовтамас, ночор эмас.
Ранг ганчсимон, эт бушашган, ўлка шимол
Бўлса, кекса ҳамда қишки мавсум мисол,
Гар баданде совутишга бўлса талаб,
Ёмон мизож дардга эрур белги, сабаб.
Қизит ани топмоқ бўлсанг илож даво,
Фалажларнинг даво йули бергай шифо.

ИССИҚ ЕМОН МИЗОЖ БЕЛГИСИ

Иссиқ бўлса бадан узра, ҳарорат ҳам,
Дори берсанг гар иссиқлик, фойдаси кам.
Истма сезсанг, пешоб булур ранги қизил,
Томир уриш тез-тез бўлур ҳам муттасил.
Безовтадур, сувсаб юрар, бедор чунои
Озгай бадан, қолмай мадор, ранг заъфарон.

Жанубий ер ҳам ёш йигит ёз фаслида,
Мавжуд эса ўтгай¹ сабаблар аслида,
Күп қызытар, безовталар дардни гоҳо,
Совутилар дори бирла айла даво.
Томогини мосла аниң қувватига,
Лозим күрганингча бергил қудратига.

ҲҮЛ Е ҚУРУҚ МИЗОЖЛИ ЁМОН ДАРД БЕЛГИСИ ҲАҚИДА

Ушбу икки ҳасталик дард ичкаридан
Холи бўлмас, икки ишнинг ҳеч биридан.
Мизож қуруқ эса озар касал ҳарчанд,
Е ҳўл бўлса бўшашган заъфарон, дардманд.
Иш тут ўта назокат-ла, айла чора,
Ҳўл мизожли дардни қурит, кетса зора.
Хоҳ совуқда бўлсин ва ё хоҳ иссиқда,
Қуруқ мизож дардга даво бор аксида.
Тўгри даво бўлишидан олдин бироқ
Дард сабабин билгил, уни йўқот тезроқ.
Пайдо бўлса қон тўлишдан дардда риёж,
Қон олмоқдан бошқа ҳеч бир йўқдир илож.
Қон олмоқнинг ҳар турида ўнта шарт бор,
Шарт бўлмаса бу ишларни қилмоқ бекор.
Боққил дардга, дастлаб унинг келишига,
Аниқ билгил қон тўлишдан бўлишига.
Ўсмирликдан ўрта ёшга борган қадар,
Солгил касал одат, қувватига назар.
Мавсумга боқ, кўклам ё куз, билгунг меъёр,
Об-ҳаёси ҳар томондан ўрта диёр.
Ҳам вақтга, иссиқ, ҳўллик мизожга боқ,
Танда фаровонлик узра иложга боқ.

¹ Юқорида ўтган, илгари байтларда айтилган сабаблар ҳақида дейилмоқчи.

Қасд айласанг қоп олмоқни тұлғанидан,
Торт ғалаён бұлган жойнинг яқинидан.
Е торт қонни қарши аъзо бирисига,
Қон тұлишган жойнинг түппа-тұғрисига¹.
Аксар өзға қон тұлишган ер — жойдан торт,
Дардга шерік бұлган үша аъзодан торт.
Қориқ құйсак күкрак узра гар бир замон,
Тутсин деймиз гүё бор қонни бачадон.
Қон бұшатар зарурати бұлган замон,
Тұлишига айтдим белги, далил, дармон,

ФАЛАГМУНЛИ ШИШДАН ҚОН ОЛИШ ХАҚИДА

Меъёридан ошар бұлса агар каймус,
Томирдан қон олдир, дархол, дер Жолинус.
Сесса танда шундай қоннинг белгисини,
Бадан узра бұртиб чиққан шиш тусинни.
Қондин бұлса дард қон олгил, шундай шарти,
Қон олмагил агар бұлса бошқа дарди.
У қасд этган юмуш бирлан иш тут ҳар он,
У қон олган касалликдан сен ҳам ол қон!
Фалағмуни шишлигини билсанг қачон,
Шундагина фалағмундан олдирғил қон.
Бошнинг ички — ташидаги бұғинидан,
Қон ол дархол бұлса унинг йиғинидан.
Икки қулоқ остидаги варам-шишдан,
Ҳам икки куз оғриқ берган шиш-ташвишдан.

¹ Йиғилиб қолган қонни үз жойидан олмай, бир сабаб билан бошқа аъзодан олишга тұғри келиб қолса, шунда қон йиғилған жойнинг рұпарасидан олинади, ёки оғриған жойнинг ёнгинасидан ёки сиртидан олинади, ёки бұлмаса қон йиғилған органга томир уланған аъзодан олинади.

Тил шишидан, тиш милкидан ҳам ангина,
Лаклукда бор шишлардан ол қон тезгина.
Қулоқ ости, бодом бездан, томоқ узра,
Қон ол шишса шиллиқ парда, бұлса назла.
Зотилжанбу үпка яллиғланганида,
Эмчак, човда гар шиш пайдо бұлганида,
Жигар шишса, ичаклар ҳам ё ошқозон,
Үтиргич ҳам шишса дарҳол олдиргил қон,
Талоқ узра, ҳам құшмояқ, қовуқ шиши,
Бұлса қон ол, құш буйракнинг ҳам ташвиши.
Шиш бачадон ё киндакда ё сарамас
Каби әшакемдан ҳам ол қон, ярамас.
Бошу күзга тошса яра олинур қон,
Қасмоқ олиб, қулоқ яра бұлган замон.
Оғиз узра яра тошса ҳамда чечак,
Үпка яллиғ олса ҳам қон олмоқ керак.
Ичак яра олса, шу ҳол бұлса-чи, чин,
Ичак ичра үсімталар үсган сайин,
Танда тошса үшандайин тошма яра,
Хұл құтирдан бұлса ҳам қон олмоқ керак.
Оғиз ҳам күз узра яра тошса чиндан.
Қон ол, худди үсган каби ён биқиндан.

ТОМИР ТҰЛИШИ ВА ҚОН ОТИЛИБ ЧИҚИШИ ПАЙТЛАРИДА ТОМИРЛАРДАН ҚОН ОЛИШ ҲАҚИДА

Гар бурундан қон келса ҳам, тұлса томир,
Қон олинур бұлса бурунда бавосир.
Тишу милкдан оқар бұлса агарда қон,
Қулоқдан ҳам шунга үхшаб оқса чандон.
Үтиргич ҳам бавосирга йұлиққанда,
Ой күрса ҳам, яра йириңгли йиққанда,
Бачадоннинг ёни яра ва бавосир
Бұлса, ҳатто оғиз ҳам, қон олмоқ зарур.

ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ҚОН ОЛИШ ҲАҚИДА

Қон күпидан айланса ҳам оғриса бош,
Тиши оғриб, оғиз бадхид, тўқилса соч,
Лат еб қолса агар аъзо олдиргил қон,
Бўғин оғриғи ҳам тумов бўлган замон.
Тутқаноқми, сабал, турфа, тута танда,
Ё негадир иштаҳалар йўқ бўлгаида.
Қуймич, ўтиргич ёриғи — ирқуннисо,
Ошқозонда оғриқ агар шишдан пайдо
Бўлганида жигарида чўнг бир оғриқ,
Қон ол, агар пайдо ўлса унда санчиқ.

ҚОН КАСАЛЛИКЛАРИ ДАВОСИ ҲАҚИДА

Қон дардинни тузатмоқ бўлсанг, сунухус¹
Иситмасин йўли сенга анча дуруст.
Қон олингач, енгил тортар сурса сафро,
Совуқликка майл айлагил бўлса ғизо.
Иссиқлик овқатдан асра, тийгил ӯзинг,
Қон кўпайтир, таомлардан ӯгир юзинг.
Майлинг ортир совуқмизож хурушларга,
Буриштирас, нордон — чучук, туришларга,

¹ Сунухус — бу юононча сўз бўлиб, «қўшилган», яъни кетма-кет, узлуксиз маъносида. Ибн Синода иситманинг кўп турлари бор. Бу эса қондан бўладиган иситманинг бир тури («Қонун», IV, 637—638-бетлар). Ибн Сино Сунухус иситмаларининг бошланиш даврини билиш қийин, у маҳфий бўлади, дейди. («Қонун», VI, 13-бет).

Бўлса қайда бу алам бирла овора,
Қоннинг ғалабаси боби айтар чора.
Моҳир латиф табибдек ўзни шайлагил,
Совутмоқ-ла қуритмоққа майл айлагил.

САФРОЛИ ҚАСАЛЛИКЛАР ҲАҚИДА

Баъзи дардлар сафродан пайдо, яралар,
Мисли ичак тайғонишидан яралар,
Алахлаш ҳам, бўғилиши бачадоннинг,
Иситмалар, кўп кетиши ичдан қоннинг,
Йўтал ҳамда бош оғриқлар бўлмай канда,
Тошма шишлар пайдо бўлганда баданда,
Зўр оғриса икки чакка, икки қулоқ,
Қўтири бўлиб кўп қичиса икки қабоқ,
Бўғин узра тошгай яра, кўп сералам,
Шишлар билан оғриқ булур ким бечидам.
Бармоқ ёриқ, пўрсиллаган тирноқ аро,
Ясмиқ каби доғ, изи бор чиққай яра.
Сарғиш ўлур ундей қасалларнинг тиши,
Қовуқ оғриқ қаттиқ бўлур, бўлмас хуши.
Ҳушдан кетар, шишлар юзи пустлоқ олур,
Қон ҳам оқар, сарғиш терн, тошма бўлур.
Тошма изи нозик қора бўлгай ани,
Тусиқ бўлур кўпроқ жигарнинг қилгани.
Лўнда мисол бачадоннинг пуфак — шиши,
Беиштача, шуса, ичак шилиниши,
Бош айланиш, лаб пўрсиллаш шундан аён,
Оғриш лаклук ё ич суриш белги — нишон.
Яра обдон дубайладек тошиб кетса,
Ўғиргичдан шиши берчдай қаттиқ эрса,
Қичима ё қизамуқ ё намла мисол,
Ё қизариш, яллиғланиш ўпкада ҳол.

САФРОЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШ ХАҚИДА

Ушбу дарднинг давосига Фикринг юрит,
Кун аро бир құзир безгак мисол иш тут.
Қон олмайин сафрони сур сезган замон,
Совутмоққа иш тут уни урта — миён.
Бу ҳам мазкур қон дард каби қасд истагай,
Мослаб тузат хослаб рутубатга атай.
СафROLи дард шерик эрур ҳароратда,
Дуч келган ҳар қасалликдан қонли дардда.
Бундай дардга бұлсанг агар даво истар,
Сафро ғалабаси бобдан чора ахтар.

БАЛҒАМЛИ КАСАЛЛИКЛАР

Ҳар бир дардга боис агар балғам бұлур,
Ҳоли доим бұшашган шиш — варам бұлур.
Фалаж, бұшашғанлық каби совуқ мизож,
Бош оғриғи, бехуш бұлиш айлар ривож.
Құтир каби ич сурилар шишигай бүйин,
Сугал мисол «түнғиз» бұлур¹ ўсган сайин.
Қасмоқланур боши, паришон хотири,
Бұлгай совуқ оғриқ қулоқ борган сари.
Сепкил тошар, песлик ошар, юмшоқ йұтал,
Сакта бұлар, юзлар фалаж бундай маҳал.
Кам иштаха ҳам фил касал, битлаб кетар,
Үтиргичи безиллаган күп бохатар.

¹ Матнда «хинзир»-түнғиз. Бу сүгалга үхшаган әт, құлтиқ ва бүйинда пайдо бұлади, күринишидан оппоқ бұлгани ёки түнғизларда учрагани учун шундай аталған. Буни «құлғуна» ҳам дейишади. Бу термин билан лимфа безидеги сил қасаллик аталған. («Қонун», IV, 655-бет).

Күз гавҳари нурсиз, қорачуғ кенг чунон,
Құлтиқ таги бадхың булиб, бурқсир ёмон.
Қорин дарди, оғатидан күп бехузур,
Ичак ичи тайгоноқли, гижжа құзур.
Бола күпроқ ушланғандай парда ичра,
Тұлғоқ вақти дард тутғанда келмай сира.
Буйрак оғриб, истма ошиб ҳоли турлук,
Қора талоқ ҳам жигарда пайдо совуқ.
Киндак бұртиб чиқиши ҳам бунга мисол,
Балғам турлилигидан ҳам дарди үсол.
Қораяди жисми ёмон, оғрир бүғин,
Күкаради ҳатто охир ранги сұлғун.
Сариқ сув касаллик пайдо бундай маҳал,
Зиққий, лаҳмий, таблый билан бұлса касал¹.

БАЛҒАМЛИ ДАРДНИ ДАВОЛАШ ХАҚИДА

Бундай дардга ахтарғанда даво, илож,
Даволансин авсал ҳұл ва совуқ мизож.
Билмак әсанг даволамоқ, шундай касал,
Балғам ғалабаси аломати мисол.
Фасодни сур зикр этганим имкон била,
Балғам сурурсан шунда сен дармон била.
Үндай баданга гар ичирсанғдур раво,
Тан қыздирар дору шояд бұлгай даво.
Жисмин қызит ҳамда құрит, хуллас калом,
Майли аниңг бұлсиян қыздиргувчи таом.

¹ Бу сариқсув касаллиги. Истисқонинг турлари: қоринда сув йиғилса, зиққий бұлады: гүштда сув йигилиши — лаҳмий, учинчи тури «ногарасимон» билан оғриған касал қорни худди пулланған мешга үхшаб шишиб кетади. (Ибн Сино, «Қонун», 1, 435; 78—86-бетлар).

Шундай қилиб ич ё сиртдан бўлсин илож,
Қиздирувчи дори била топгай ривож.
Сассиқ дору ичир мисли шол кишига,
Нажотижни ичгандек қил юришига.

САВДОИИ КАСАЛЛИКЛАР ҲАҚИДА

Бадан узра қора ўтдан ким нотавон
Бўлса йўсин ҳам турлари шу ҳар қачон.
Тошгай сўгал, ё кун аро безгак тутар,
Ё тутқаноқ ё бавосир дарди қўзар.
Бурун учидা «қирқ сёқ» дарди ошур,
Сўгал чиқиб, ҳолдан тойиб, тан тиришур.
Гоҳ ичбуруғ, баҳақ, саратон йўлиқар,
Сепкил тошар, бош оғригай, уйқу қочар.
Шиш қаттиғи, ёҳуд маҳов шундай булур,
Овқат еса сасир, қоринда бузилур.
Еллар чиқар, доим қуруқ йўтал тутар,
Берчлик, дағалликлар талоқ узра утар.
Бошда меланҳўлия дард бор ул замон,
Пайдо бўлур пешоб йўли узра тўғон.
Қуланч дарди, «тулки» дарди — тутар ҳануз,
Қутирган ит қопгач савдо беради юз.
Қувабо ҳам пайдо, ивири ичида сут,
Ундей дардда жигар узра совуқлик бут.
«Ит иштаҳаси» касали қўзир гўё,
Шундай кезда ўтиргичда ёриқ пайдо.
Буйрак, қовуққа тош келиб тургай қўзиб,
Дамлик сабаб қовуқ усти оғрир мижиб,
Қорин, икки биқин оғриб хўб дам булур.
Бошу икки қулоқ аро дам зам бўлур.
Шундай маҳал икки оёқ ниқриз бўлар,
Икки қовоқнинг ичида ҳосил шатар.

САВДОИИ КАСАЛЛИКЛАР ДАВОСИ ХАҚИДА

Бу хил дардлар топсин десанг агар шифо,
Махов дарди доруси-ла айла даво.
Шунда ахтар давосини, бергай жавоб,
Савдо ғолиб келганидан сұзлаган боб.
Зикр этганим дору бирла бир чора қил,
Девпечак ё басбойиж дер, дард, пора қил.
Қизитиш ҳам ҳұллашга үт дардга қарши,
Шундай қылсанг дард тузалур, бұлар яхши.

АМАЛИЕТНИНГ ИККИНЧИ ҚИСМИ ҚҰЛ БИЛАН БАЖАРИЛАДИГАН ЧОРАЛАР БУ ЧОРАЛАР УЧ ҚИСМДАН ИБОРАТ

Бұшаб мен фойдали тартиб баёнидан,
Құл амалдан сұз бошлайин бу онидан.
Амал бири құл теккуси томир узра,
Иүғон ҳам ингичқа бұлғанлари ичра.
Иккинчіда эт-баданга керак тегиши,
Учинчіда сұяқ бирла битар ҳар иш.

УЧ ҚИСМНИНГ БИРИНЧИСИ ТОМИРЛАР УСТИДАГИ АМАЛЛАР ВА ТОМИРДАН ҚОН ОЛИШНИНГ ФОИДАЛАРИ ХАҚИДА

Томирлар бор ёриб ундан олинур қои,¹
Баъзан тортиб танобини олгунг осон.
Бош-күкракда шишлиар каби ҳар бир оғриқ
Бұлса акжалдан қои олмоқдир йүл-йүриқ.
Бош оғриғи ҳаджан ошса, бурундан қон

Келса секин қийфолдан қон олгин шу он.
Күкрак, үпка аро оғриқ давоси чун,
Босилиқдан қон олмоқлиқ булар мумкин.
Жигар, талоқ касал бұлса ҳоли ёмон.
Икки томир — мозиёндан олинур қон.
Босалиқни тополмасанг қон олишда,
Тирсак «ипи»¹ томиридан ол, бу ишда
Қон олинур доим мия оғриғида,
Чакка узра томирдан зарур өғида.
Бошда эски яра бұлса ё шақиқа,
Қулоқ орти томиридан шу дақиқа
Қон ол, күзлар бурчаги, құш томиридан,
Иккала күз оғриса гар ҳар биридан.
Ефух узра бұлса яра, бош сатқида
Бұлган шиішда ёғуходан ол алоқида.
Ҳар хил оғриқ, айниқса дард мағов чунон
Бұлса бүйін томиридан олинур, қон.
Құз иложда, күп бошоғриқ юз-бош яра
Бұлса ол қон пешонадин томир аро.
Гар бош оғриқдир кетма-кет, тинади күз,
Бош ортида бор томирдан қон олгин тез.
Яноқ узра юзда яра тошса қачон
Бурун учи томиридан олинар қон.
Тил остида шиіш үлса оғриса томоқ,
Тил таги томирга қасд қил, қон ол, ҳарчоқ.
Киндик ости, ички аъзо бұлса касал,
Тиэза томиридан қон олмоқ ҳам афзал.
Икки сон гар бундай дардга чалинганды.
Софин-поча томирдан қон олғил шунда.
Насо томирдан олғил гар ирқуннисо,
Панжада дард бұлса томиридан ол қон.

¹ Томирнинг урмайдиган хилидан — венадан қон олинишини айтмоқчи, томир урадиган қонни тортиб, кесиб олинади.

АРТЕРИЯЛАР ИШИ ҲАҚИДА

Бош оғриги, күзга илашган ҳар бир дард,
Касалликда артерия кесилур карт.
Гар құрқылса күзга сувнинг түшишидан,
Еки бу дард шиддатининг ошишидан
Бирор шишининг пайдоси гар очилгандан,
Артерия ҳам теградан оқмасдан қон --
Бұлса-чи, ёр ёки кесгил ва ё сугур,
Е истасанг қон ол, барин кесмоқ буюр.
Қонни тұхтат атрофини боғлаш билан,
Қон оқишидан асраш учун доғлаш билан.
Мисли жароҳатдек тузат, бергил даво,
То күрдингки соҳиб мараз топди шифо.

ҚҰЛ АМАЛИНИНГ ИККИНЧИ ҚИСМИ ӘТ ҲАҚИДА. БИРИНЧИ ГАЛДА ТИЛИШ ҲАҚИДА

Әт амали тилиш билан, кесиш билан,
Ҳамда доғлаш, ёриб дардни түсиш билан.
Баъзи тилиш қон юргизар, ахён бу тур
Тилишдан сұнг қортиқ билан қон сүрилур.
Қонлар оқар яра этдан тоза томон.
Шунда тошоа этда яра, чиқиқ ёмон.
Қонлар баъзан бошқа ерга олинади¹,
Құчиролсак тилмай қортиқ солинади.
Баъзан қортиқ бушлигіча ёпишилур,
Баъзан куйган пахта бирла қўйса бўлур.
Ишлатамиз буни бод — ел қувлаш учун,
Қизитиб аъзо тузатиб товлаш учун.

¹ Бу билан Ибн Сино бир аъзодан қон олиб, бошқа сига қуйишни айтмоқчи.

ЭТНИ КЕСИШ БИЛАН БҮЛАДИГАН АМАЛИЕТ ҲАҚИДА

Ҳар кесилур этни билгил чун масомир,
Сүгал каби қовоқда бўлган шатойир.
Чакка аъзода сассиқ эт ниҳояси,
Заҳарланган эт ё бурун чилпояси.
Бадан узра ўсиб чиқса ортиқ бармоқ,
Туташ эт кўз аро бўлса мисли қобоқ.
Узум уруғдек бир яра туртиб чиқар,
Пешоб йўли тўсилганда саншиб чақар.
Бўлса бирор бир ярадин бузилган эт,
Ё бузилган яра аро эзилган эт.
Кесилгуси ортиқча эт шу чоқларда,
Хоҳки тилда бўлсин, хоҳки қулоқларда.
Бузилган эт ажратишда билгил ҳарғиз,
Найза учи, тиг ҳам шиша устида кес.
Эрнак кўкси аёл мисол чўзилса зўр,
Ё оёқлар узра томирлар кенгаюр,
Кесилгуси барча бавосир турлари,
Сасиган эт, бўлса агар шиш пардали.
Яра устида гар ёғлар ҳам қораяр,
Ё чириган бўлса ҳамки эт, яралар.
Лаклук чўзилса ҳам анга кесмоқни эт,
Милкинг аро гоҳи ўсиб чиққанда эт,
Ришта била оғриса ҳам шу иш зарур,
Беркилса ҳам қулоқ йўли эт кесилур.
Куз устида ҳар ортиқча эту яра,
Ё ичиди курганиларинг юпқа парда.
Барча пра-чақа бўлсин қабоқ ичра,
Ҳам ҳунаса, киндак дабба, олат узра,
Гар қорайса олатдаги парда-тери,
Ё тўсилса орқа тешик нардан бери,
Сен кесар жойнинг барчаси серманфаат,
Булар четдан бўлса агар бергай сиҳат.

Ҳар ёрилган жой иложи тикса ўтар,
Гар шилинган бўлса яра аста битар.

ЭТНИ ДОҒЛАШ АМАЛИ ҲАҚИДА

Бўлса агар танлар аро доғлаш қачон,
Тұхташ учун ҳаракатли томирдан қон.
Кесган катта томирдан қон оқса чексиз,
Дори бирла тұхтамаса, табиб ожиз.
Қолса нам тан құритмоқчун өфланади,
Бүш этларни қаттиқлашга дөгланади.
Совиган тан бўлса дөглаш иситади,
Дөглаш билан нам тан аслга қайтади.

ҚҰЛ АМАЛЛАРИДАН ЭТНИ ЕРИШ ҲАҚИДА

Ериш учун қилган барча иш шу бўлур:
Танадаги хилт чиқармоқ учун зарур.
Иифилган ҳам сасиб қолган қонни тезроқ
Чиқаришга шишдан йирингларни ул чоқ.
Икки күзда бўлган ёшни ё барада,
Рутубат ҳам тугун ёриш бу борада.
Ҳар бир ичдан олинган тош, үсимталар,
Артерия, безлар каби қисм, танлар,
«Сариқ сув дарди»да жорий бу ҳар қачон,
Сув ва этлик «фил суяги» бўлган замон.

ҚҰЛ АМАЛИНИНГ УЧИНЧИ ҚИСМИ СУЯКЛАР ҲАҚИДА ЭНГ БИРИНЧИСИ СУЯКНИ ҮЗ ҮРНИГА ҚУИИШ ҲАҚИДА

Бундай ишлар суюк синиш ё чиққанда,
Ходис бўлса, сенинг ишинг эрур танда,
Ҳар бир синиқнинг иложи ҳамда даво

Ұз жойынга солиш билан келур бажо.
Барча синиқ парсаларни аслига мос
Этиб қүйиш, бурчинг тешганин арралаш,
Лозим, маҳорат-ла тартиб сақлаш керак,
Ҳам сиқмайин, бүш қүй, майни боғлаш керак.
Үртариқдан бошланади бойлоқ ұраш,
Аста-секин маҳкамланур латта бураш.
Бойлоқ устидан бойланур синган жойи,
Тахтакачга тортилади ҳар жой майиб.
Таомини енгил-еңли айла аввал,
Қуюқ қыл гар семирмоғи лозим касал,
Әхтиёт қыл, асра уни иссиқ шишдан,
Оқибатда буладиган қон оқишидан.
Шишил олдин ол, қыл илож, үзни шайлагил,
Совуқликлар бирла уни ман айлагил.
Үргат уни то битгунча жим ётмоққа,
Мажбур айла узоқ муддат сабр әтмакка.

СУЯК ЧИҚИШИНИ ДАВОЛАШ ХАҚИДА

Ұз ерига түшганича синган сүяк
Аста-секип тортиб уни солиш керак.
Ұз ерига қайтарилгач, боғлагайсен,
Қанча муддат қолмоғини чөглагайсен.
Буриширар дори беріб, қилиб тоқат,
Едирасан беморингга нордон овқат.
Токи касал шишдан омон үтгунгача,
Қон йиғилиб қолиш хавфи кетгунгача.
Тузатмакка керак бұлар кам деганда,
Баъзан бир ой, баъзида үн күн үтганда.
Бұлди тамом баён этган барча амал,
Тугатурман энди сүзимдур мукаммал.

РАСМЛАР ИЗОХИ

Муқовада — Абу Али ибн Сино бемор олдида. Рассом Р. Орифжонов.

Фронтисписда — Абу Али ибн Сино портрети. Рассом А. Бакиров.

Абу Али ибн Сино шогирдлар даврасида. XVII аср миниатюраси.

ЎзССР Фанлар академияси Абурайхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақла-наётган Ибн Сино асарлари қўлёзма нусхаларидан. «Табобатда уржуза» асари. Инв. № 3008 (VI. 1310) 1892—1893-йилларда кўчирилган.

Абу Али ибн Сино лабораторияда. Рассом Р. Орифжонов.

ЎзССР Фанлар академияси Абурайхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақла-наётган Ибн Сино асарлари қўлёзма нусхаларидан. «Тиб қонунлари» асари қўлёзмаси. Инв. № 3316., 1602 йил кўчирилган нусха.

Абу Али ибн Синонинг Ҳамадон шаҳрида (Эрон) қўрилган янги мақбараси.

Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги халиқ кутубхонаси қаршисида алломага қўйилган ҳайкал.

ЛУФАТ

абҳур — катта артерия томири.
акҳал — тирсак бўғимининг олд сатҳида ташқи ва
ички тери ости веналарими бириктирувчи қон
томири.
араз — симптом; касалликнинг сиртқи кўриниши,
аломати.
барада — луғавий маъноси дўл. Қовоқ ичидаги қўйи-
либ қолган рутубат. Дўлга ўхшашлиги учун
шундай номланган.
басбойиж — чилпоя, «Қонун»га кўра (2,146 б.) қора
ва қизғиш ранг, таъми қалампирмунчоқни эс-
латадиган доривор ўт.
басорат — билиш; бирор ишни яхши билиш, кўриш.
баттол — бекорчи, ёмон хулқ.
баъдаз — сўнг, кейин.
биҳор — буғланиш.
босолиқ — тери ости вена қон томири.
боқий — қолган.
боҳақ — баданга тошадиган сепкилга ўхшаш оқлик.
буҳрон — касалнинг кризисли ҳолати.
варам — шиш.
газак — қўшимча емиш; закуска.
дабур — гарб шамоли.
дарднинг пояси — дарднинг охири, тугаши, соға-
йиш.
дубайла — совуқ моддадан таркиб топган думалоқ
шиш. Дубайла тери рангида бўлади, оғриғи ҳам
сезилмайди.
ёвуқ — яқин.
ёфух — бош тепаси, лиқилдоқ.
жимо — жинсий алоқа.
Жолинус — қадимги юон табиби Галенниң арабча
айтилиши.
занжи — қора танли; африкалик.
зотилжанб — плеврит. Ўпка пардаларининг шамол-
лаши.
зоҳир булмоқ — аён булмоқ, куриимоқ.
ирқуннисо — ўтиргич (нерви).

истисқо — водянка, сариқ сув касали.
каймус — меъда ва ичакларда овқатнинг фермент-
лар билан аралашиши натижасида ҳосил була-
диган ва ҳазм қилдирувчи модда.
кофур — камфара, медицина ва техникада қулла-
ниладиган ҳидли елимсизмон модда.
кундуру — ладан. Жануб мамлакатларда ўсуви
ўсимлик тури.
лайлу наҳор — туну-кун.
мавт — ўлим.
мараз — дард, касал.
масомир — этда пайдо бўлувчи мих қалпоқчаларига
ўхшаш оқ тугунчалар.
маъжун — муракаб дорининг номи.
мисвок — тиш чўткаси.
мозиён — билак букиладиган жой ва қултиқ юкори-
сидаги иккита вена қон томирининг номи.
муур — аччиқ.
мусофир — саёҳатчи.
нажм — юлдуз.
нажосат — кир-чир.
нажотиж — балғамни суриш учун ишлатиладиган
мураккаб дори.
назла — шамоллаш.
намла — иситма билан баданга тошадиган ярача-
лар.
нашъу намо — ўсиш.
ниқриз — подагра, оёқ ва қўл бўғинларининг зир-
қираб оғриши.
наҳс — баҳтсизлик.
обзан — сув билан уриб чўмилтириш, душ.
омухта — аралаш.
ос — мирт, кўркам гулли доим кўкариб турувчи
ўсимлик.
пешоб — сийдик.
райхоний — майнинг бир тури.
риёзат — бадан тарбия.
рутубат — намлик, юмшоқлик.
сабал — кўз ички томирининг шишидан пайдо бў-
ладиган юпقا ва нозик парда.
сабо — шарқ шамоли.
самум — иссиқ шамол.
саратон — рак касали.
сақлаб — славян.

синанжабин — узум сиркаси ва асал билан ясаладиган ичимлик.
соғин — киши почасидаги қон томир.
соҳиб қарам — эзгулик әгаси.
суъуд — баҳтли.
сұхта — күйдирилган.
таш — ташқари.
терс — тескари.
тирсак или — қифол томирининг тирсак бўгини яқинда учга бўлинган томирчаларидан бири.
тиш — ташқари
тулки дарди — киприк тўклиши касали.
турмусдек — майда, зифирдек маъносида.
турфа — кузнинг лат еган ерида қон йиғилиши.
тута — тут мевасига ухшаш ўсма яра
унсур — элемент, турт унсур — ер, сув, ҳаво, олов.
устуқус — унсур ёки баданинг дастлабки таркибий қисмининг асоси.
утружд — лимон.
хардал — горчица.
хилт — мизож, сок.
хуб — яхши.
чов — ичак.
чунг — кўп, жуда.
шатар — қовоқ ағдарилиш касаллиги,
шатойир — шатарнинг кўплиги
шақиқа — бош оғрифи, мигренъ.
шиҳоб — тезлик, зудлик.
шиҳоб — метеор.
шуса — яллигланиш. Зотилжанбнинг турларидан бири.
яман кўкати — оч қизилранг, барглари ўрикникига ухшаган кўкат.
қабзият — меъданинг заарли овқат билан бузилиши
қирқ оёқ дарди — бурун катаклари дарди. Бу дардни «чилпоя» деб ҳам юритишади.
қифол — қўлнинг елка қисм ташқи тарафи тери остида жойлашган вена қон томири.
қориқ қўймоқ — банка қўймоқ.
қувабо — қасмоқ, темирутки.
қуланж — колит, йўғон ичакнинг яллигланиши.
ғизо — овқат, озуқ.
ҳаким — табиб

МУНДАРИЖА

НАЗМЛАРДА ҮГИТЛАР — А. Ирисов	3
ИБН СИНО ТАРЖИМАИ ҲОЛИ — арабчадан А. Ирисов таржимаси	11
ИБН СИНО ШЕЪРЛАРИ: ғазаллар, қитъалар, рубойлар — Ш. Шомуҳамедов тар- жимаси	21
ТИББИЙ ДОСТОН — А. Ирисов таржимаси	56

34Уз
И13

Ибн Сино Абу Али.

Таржиман ҳоли. Шеърлар.

Тиббий достон (Уржуза). Суз боши А. Ирисовни-
ки: Редкол.: Жабборов Ж. Ж. ва (бошқ.)— Т.; Уз-
бекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти,
1981.—128 б., 7 қўшимча в.— (Шарқ классикла-
ри меросидан.)

Сарл. устида: УзССР ФА ~~Х~~ С. Сулаймонов но-
мидаги қулёзмалар ин-ти.

Ибн Сино Абу Али. Биография. Стихи. Поэма
о медицине (Уржуза).

84Уз 1+5

На узбекском языке

АБУ АЛИ ИБН СИНО

Стихи
и
Поэма о медицине
(Уржуза)

Издательство ЦК КП Узбекистана
Ташкент — 1981

Тех. редактор Г. Ломиворотова
Корректор М. Талипова

Теришга берилди 19.05.80. Босишга рухсат этилди 19.01.81. Формати $70 \times 90^{1/32}$. Қоғоз № 2. Гарнитура «Новая газетная». Юқори босма. Шартли босма листи 4,68 + 7 вкл. Нашриёт ҳисоб листи 5,16. Тиражи 150000. Заказ № 3340. Баҳоси: силлиқ ялтироқ қоғозда босилгани 75 тийин. 1-қоғозда босилгани 65 тийин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-йй.

65 τ.